



Абдулла УЛУҒОВ

# ҲАМИША ЭЪТИБОР КЕРАК

Одамлар турли даврларда турли нарсаларга қизиқишган. Эсхил, Софокл замонасида - сахна санъатига, Микеланжело яшаган пайтда ҳайкалтарошлик ва тасвирий санъат асарларига, Жомию Навоий даврида шеърятга қизиқиш жуда юксак даражага кўтарилган. Шунинг учун ўша замонларда адабиёт ва санъатнинг бу турларида кўплаб ҳайратомуз асарлар яратилган. Бу асарлар бугун ҳам ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Улар техниканинг шовкин-суронларига кўмилиб яшаётган ҳозирги замон одамларига ҳам инсон табиатининг мураккаблигидан, одам кўнглининг нозик кечинмалари сир-асроридан сабоқ беради, эзгуликка даъват этади. Эзгуликнинг улугворлиги тўғрисидаги ажодлар ўғити туфайли кишилар бир-бирини қадрлаш, авайлаш удумига азалий анъана сифатида амал қилади. Агар “Шоҳ Эдип”у “Шоҳнома”, “Хамса”ю “Хазойинул маоний” бўлмаганида одамлар қалбида эзгуликка интилиш, бир-бирини ардоқлашга ҳаракат қилиш бу қадар кучли бўлмас эди. Одамларни олис асрлардаги ёвузлик тўфонларидан аслида адабиёт асарларида жаранглаган эзгуликка даъват асраб келди. Шунинг учун ажодларимиз ҳамма замонларда ҳам адабиётни муқаддас деб билишган, ардоқлашган. Кишиларимиз энг қийналган кезларида ҳам адабиёт асарларига мурожаат қилишган. Улардан ўзларига таскин-тасалли топишган. Афсуски, бугун дунё миқёсида ана шундай беқисс мададкор кучнинг қадри, эътибори борган сари тушиб кетмоқда. Бу қандай оқибатларга олиб келади? Адабиёт нега эътиборсиз бўлиб қолмоқда? Одамлар нега адабиётдан узоқлашмоқда? Нега кишилар аввалги пайтлардаги адабиётга катта қизиқиш билан қарамаёпти? Бу каби муаммолар кўпчиликнинг кўнглига оғир тош бўлиб ботмоқда. Чунки маънавият инсон ҳаёти асоси эканини ҳамма англайди. Жамиятда юксак инсоний одоб-ахлоқ амалда бўлишида эса адабиёт энг таъсирчан восита саналади. Чунки одамлар кўнглига эзгуликни элтишда адабиёт ўрнини бошқа бирорта соҳа босолмайди. Ҳар бир одамнинг, у боғча боласими, қария-чолми, вазир ёки оддий қоровулми, кўнглида эзгулик мавжланиб турса, жамиятда жиддий муаммолар юзага келмайди. Негаки одамларнинг кўнглида эзгулик улғайиб турар экан, улар бир-бирларига ноҳақлик, зулм қилишмайди. Ёвузлик ҳеч қачон осмондан тушмайди. Ҳар қандай ёвузлик шу замин одамларининг кўли билан қилинади. Дунёнинг турли бурчакларида сидир бўлаётган қонли можароларни қандайдир ғайритабиий кучлар амалга ошираётгани йўқ.

Одамларнинг одамдай яшаши учун энг зарур асос бўлган адабиётга, ундаги эзгуликка даъватга эътиборсизлик кишилар кўнглида меҳр-оқибат сустрлашишига, бу эса ўз навбатида, қуттилмаган кескин муаммолар пайдо бўлишига олиб келади. Жамиятда, умуман, дунёда вужудга келадиган барча зиддиятлар сабабини иқтисоддан, сиёсатдан эмас, аввало, одамлар кўнглидан излаш керак.

Аксарият кишилар адабиёт асарларини деярли ўқимай қўйгани тўғрисидаги гап аслида унчалик янгилик эмас. Бу хавотир алақачондан буён кўпларни ўйлантириб келади. Адабиётга эътиборсизлик оммавий тус олганини, ҳатто, ўзбек адабий танқидчилигининг ҳозирги ҳолати ҳам аниқ кўрсатади. У борган сари “маҳсулот” миқдори ва салмоғи жиҳатидан

камбағаллашиб бормоқда. Агар унинг ҳозирги кўриниши бундан йигирма-ўттиз йил аввалги манзара билан қиёсланидиган бўлса, бу янада ошқора кўринади. Бунинг сабабини турлича изоҳлаш, шарҳлаш мумкин. Лекин ҳаммаси умумлаштирилса, “адабиётга умумий эътиборсизлик туфайли” деган яхлит хулоса келиб чиқади. Адабиётга умумий эътиборсизлик кайфияти ҳукмронлиги ўқувчиларни мутолаадан узоқлаштиргани сингари, ижодкорларнинг ҳам ўз ишига муносабатини совутган. Бу - албатта ҳукм эмас, шунчаки бир мулоҳаза, холос. Аммо бу каби мулоҳазага асос бўладиган талайгина далиллар мавжуд. Жумладан, мунаққидлар бундан йигирма-ўттиз йил аввалги пайтлардагидай фаол ишламаяпти. Сермаҳсул мунаққидлар рўйхати борган сари торайиб бормоқда. Умарали Норматов, Норбой Худойберганов каби фаол мунаққидлар фаолиятида ҳам аввалги шиддат, шижоат сезилмайди. Адабиётга умумий эътиборсизлик кайфияти бу фидойи мунаққидлар фаолиятига ҳам ўз салбий таъсирини ўтказди. Эътибор бўлмаса, меҳнатнинг қадрланмаса, бора-бора ўз севган машғулоти билан ҳам кўнглининг совийди, деган гап айни ҳақиқат эканини бир пайтлари сафлари бениҳоя зич бўлган ўзбек танқидчилигининг ҳозирги ҳолати ҳам аниқ кўрсатади. Ҳозирги пайтда кўпгина мунаққидлар ўзларининг бу борадаги фаолиятини деярли тўхтатди.

Мактаб ўқувчиларининг аксарияти ҳам адабиёт асарларини, ҳатто, дарслигини иложсизликдангина қўлига олмақда. Албатта, адабиётни иштиёқ билан ўқийдиганлар ҳозир ҳам йўқ эмас. Бор, аммо кам. Албатта, авваллари ҳам бундайлар кўп бўлмасди. Лекин уларнинг борган сари камайиб кетаётгани кишини хавотирга солади. “*Ҳозир Вергилийни ким ўқийди? Ким ўқийди ҳозир Ҳомерни? Дантени ўқийдиган бирорта марди майдон борми? Фақат уларми? Навоийни ким ўқийди ҳозир?*” деб куйинади Иброҳим Фафуров (“Ўз АС”, 2001 йил 12 январ). Аммо одамлар асарларини мутолаа қилмаса Данте ёки Навоийга заррача озор етадими? Асло. Бундан фақат ва фақат одамларнинг ўзи жабр кўради. Данте, Навоий, Низомий, Фирдавсий асарларини ўқимаганлар ҳамиша маънавий қашшоқлигича қолади. “Алпомиш”ни мутолаа қилмаганлар доимо ночор, ғариб бўлиб туради. Аввалгилардан “Илоҳий комедия”, “Хазойинул маоний”, “Алпомиш” қолди. Адабиётга эътиборсиз ҳозирги замон одамлариндан-чи? Осмонўпар бинолару, дарёлари тугаштиргувчи кўприкларми? Шу бинолар, кўприклар худди “Авесто”ю “Алпомиш”, “Шоҳ Эдип”у “Шоҳнома” сингари асрларнинг шафқатсиз синовиға дош бероладими?

Ойга кўнган ракета, Японияни ярим асрдан бери азоблаб келётган атом бомбаси ёки афгон тоғларидан портлаганида Ҳиндистону Туркистон заминини зилзилага келтирган қуроллар ҳар қанча қудратли бўлмасин, “Шоҳ Эдип”у “Шоҳнома”га, “Алпомиш”у Алишёр Навоий дostonу газалларига тенг келолмайди. Чунки ракетаулару бомбалару одамларни ўлдиради, шаҳару қишлоқларни вайронга айлантиради. Адабиёт асарлари эса ҳамиша одамларнинг кўнглини кўтаради, уларни ёвузликдан қайтаради, эзгуликка даъват қилади.

Ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчи Акбар Отаев касб-машғулоти тақозоси биланми ёки азбаройи адабиётга муҳаббати

баландлигиданми, мунаққид Норбой Худойбергановга **“Кейинги пайтларда негадир жимсиз. Адабий жараёнда овозингиз йўқолиб қолди. Газета-журналларда биз кутган мақола-ларингиздан дом-дарак йўқ. Ёки касбингизни ўзгартирдигизми, домла?.. Танқидчилик адабиётда юксак бадиият учун, ҳаққоний тасвир ва теранлик учун кураш олиб бориши зарур эмасми? Сиздан сўрамоқчи бўлагимиз: кейинги пайтларда чоп этилаётган асарларни ўқиясизми?”** деб мактуб йўллабди (“Ўз АС” 2001 йил 28 сентябрь).

Аслида бу саволни ҳамма ўзидан сўраши керак. Агар сўрасак, дилимиздаги одам “йўқ” деб жавоб қайтариши аниқ. Бунинг бош сабаби эса инсониятнинг ҳозирги пайтда тез самара берадиган, тез таъсир кўрсатадиган нарсаларгагина эътибор бериш кайфияти ҳукмронлиги таъсирида яшаётганига бориб боғланади. Адабиёт эса бозор талабларига мўлжаллаб, одамларнинг диди, кайфиятига мослаб маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхона эмас. У одамларнинг турмуши тарзи учун бирор бир қулайлик ҳам яратиб беролмайди. Шу боисдан айрим кишилар учун бугунги кунда шеър, газал, ҳикоянинг бир қути кир ювиш кукунчилик қадрли йўқ. Бу эса жуда катта маънавий қашшоқлик белгисидир. Маънавий қашшоқлик адабиётга эътиборсизлик, бефарқлик юз берганида кучаядиган иллатдир. Маънавий қашшоқлик инсоният учун иқтисодий ночорлиқнинг ҳар қандай кўринишидан кўра ҳавфлироқ фожиадир. Адабиётга жамоатчилик эътиборини жалб қилиш мақсадида ўтган йили “Замонамиз қаҳрамони” мавзусида мунозара бошланди. Замона қаҳрамони хусусида гап кетганда айримлар: **“Мустақиллик давридаги ҳаёт қаҳрамонларини адабиёт қаҳрамонларига айлантириш масаласига диққат-эътиборни кучайтириш лозим. Чунки, мустақиллик тўғрисида ҳаётда вужудга келган янги қаҳрамонлар, хусусан, озод республика халқ хўжалигининг турли жабҳаларида Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида фидокорлик намуналарини кўрсатаётган ишбилармон-тадбиркорлар образи адабиётимизда ҳали етарли эмас. Ҳолбуки, бозор иқтисодига ўтishi йилларидаги хилма-хил қийинчиликларни мардона энгиб, Ўзбекистонни жаҳоннинг илгор, энг ривожланган мамлакатлари қаторига кўтариш, халқ фаровонлигини яхшилаш соҳасида жонбозлик қилаётган фидойи замондошларимиз бугунги кунда адабиётнинг асосий - бош қаҳрамонлари бўлиши ҳам фарз, ҳам қарз”** (С. Мирзаев) деганга ўхшаши фикрларни илгари суришади. Адабиётшунос Нўъмон Раҳимжонов бундай қарашлар хусусида мулоҳаза билдирар экан, фақат тадбиркорлар, ишбилармонлар ёки вазирлар, олимлар эмас, барча одамлар адабиёт асарлари қаҳрамони бўлишга ҳақли эканини таъкидлайди. (“Ўзбеки тили ва адабиёти” журнали, 2001 йил, 6-сон). Замона қаҳрамони ким? Замона қаҳрамони бошқалар эътиборини қаратган зўр одамлардир. Улар илм-фанда қашфиётлар қилган олим, ҳамманинг дилига тушган қўшиқлар яратган ҳофиз, ўз ҳалол меҳнати, пешона тери билан каттакон боғ яратган соҳибкор-деҳқон бўлиши мумкин. Аммо адабиётнинг асосий вазифаси яратувчи кишиларни, одоб-ахлоқига ҳавас қилса бўладиган одамларнигина кўрсатиши билангина белгиланмайди. Чунки ҳаёт фақат ижобий фазилатли кишилардангина иборат эмас. Рус адиби Чеховнинг “Уйку истаги” деган мўъжаз ҳикояси бор. Унда хизматкор қиз ўз хўжайинининг гўдак боласини бўғиб ўлдиргани воқеаси гавдалантирилади. Айни шу ҳикоя асосида кўпгина машҳур мусавирлар қатор тасвирий санъат асарлари ҳам яратилган. Чунки “Уйку истаги”даги хизматкор ўсмир қизнинг ҳолати ҳар қандай китобхонни ўйлантиради. Ваҳоланки, у машҳур механизатор ёки кимёгар олима эмас. Ёки бу қиз кимдир ҳалоқатдан ҳам сақлаб қолмаган. Аксинча, у бегуноҳ бир гўдакни ўлдирган, яъни қотил. Аммо ҳеч бир ўқувчи шу хизматкор қизни жиноятчи деб айтолмайди. Аксинча, бу бечора қизга дил-дилидан ачинади, унга раҳми келади. Маҳзун бўлиб қолади. Шу лаҳзаларда у беихтиёр тарзда яхшилик ва ёмонлик ҳақида ўйланади. Ўз-ўзидан кимларгадир яхшилик қилгиси, кўмаклашгиси келади. Шундай

экан, бугун ҳам адабиётнинг бош вазифаси давримиз кишининг таъсирчан қиёфасини кўрсатишдир. Чунки адабиёт турли касб-кордаги кишилар тўғрисидаги асарлари сони кўплиги билан эмас, балки таъсирчан қаҳрамонлари билан қадрлидир.

Адабиётимизда “Замона қаҳрамони” тўғрисида фикрлашиш бошлангани ҳам аввало меҳр-оқибатни асрашга, ҳам-жиҳатликни қадрлашга хизмат қилиш билан аҳамиятлидир. Одамни қадрлаш, унинг адабиётдаги сиймосига эътибор бериш бугун ҳам қачонгидан ҳам зарур. Албатта, эртанги кунга умид билан қараш керак. Жумладан, адабиётимизда ҳам келажакда ҳам жиҳатдан барқамол асарлар яратилишига тўлатўқис асос бор. Аввало, ўзбек адабиёти жуда катта тарихга эга. Қолаверса, замонавий адабиётимизда ҳам одам ва олам тўғрисидаги тасаввурни бойитадиган асарлар талайгина. Масалан, “Улўбек хазинаси”, “Кўҳна дунё”, “Лолазор”, “Дашту далаларда” каби асарлар интеллектуал савияси билан ҳам қандай китобхонни ҳам қаноатлантиради. Ёки бўлмаса, атоқли адиб Тўлапберган Қайипбергенов ёш ижодкор Фулом Каримнинг “Девону луғотит турк”дай ўлмас обида яратиб қолдирган Маҳмуд Кошгарийнинг ёшлигини хаёлан тасаввур қилиб битган “Карвон” қиссаси тўғрисида мулоҳаза билдириб: **“XX аср ўзбек адабиётида тарихий роман, қисса ва драма жанрларида ғоят катта тажриба тўпланди. Фулом Карим ва бошиқа ёш адибларнинг асарлари билан танишув менда ўзбек адабиётининг тарихий мавзунинг истиқболи порлоқ эканига, у яқин келажакда янада юқорироқ поғоналарга кўтарилишига кучли умид уйғотди”** дейди (Ўз АС”, 2001 йил 3 август). Адабиётга эътиборсизликни, китоб мутолаа қилиш даражаси паясийини мутафаккирлар энг катта жиноят рўй берганига менгзашган. Жумладан, Иосиф Бродский **“адабиёт асарлари менсимган, уларни ўқимаган одам ўз ҳаёти билан товон тўлайди. Агар уни миллат содир этса, у ўз тарихи билан тўлов беради”** деган (“Жаҳон адабиёти” журнали, 2001 йил август. 133-бет). Бу оғир тўлов жабрини халқимиз тарихда анчамунча тортган. Хусусан XIX асрда юз берган рус босқинидан аввалги ҳолат - ўзаро урушлар, диний маҳдудлик авжланиши аввало маърифатсизлик, яъни адабиётга эътиборсизликдан келиб чиққан. Ҳозирги пайтда айрим илгор миллатларга қиёсланганда орқароқда эканлигимиз боиси ҳам аввало адабиётга эътиборсизлигимиз, китоб ўқишга ҳафсаласизлигимиз билан белгиланади.

Одамлар ўз камчиликларини тан олишни кўпроқ китоблар таъсирида ўрганишади. Китоблар уларнинг бир-бирини тан олиши, ён беришни ўрганиши, бир сўз билан айтганда, ўзаро меҳр-оқибатли, ҳамжиҳат бўлиши учун энг самарали восита бўлади. Чунки улар энг беозор, энг ишончли суҳбатдош, сирдош ҳисобланади. Бу хусусда яна Иосиф Бродский фикрларига қулоқ тутаёлик: **“Нима бўлганда ҳам, умуман санъат, адабиёт жамиятда камчиликнинг мулки бўлган ҳолат, назаримда, носоголом ва хатарли кўринади. Мен давлатни кутубхонага алмаштиришга чақирмайман, гарчи шундай фикр менда кўп марта бўлган, бироқ ишончим қомилки, агар биз ҳукмдорларимизни сиёсий дастурига қараб эмас, ўқувчилик тажрибасига қараб танлаганимизда, ер куррасида ғам-андуҳ камроқ бўларди. Уйлайманки, бўлажак ҳукмдордан дастлаб унинг ташқи сиёсат дастурини эмас, Стендалга, Диккенсга, Достоевскийга муносабатини сўраш керак. Ҳеч бўлмаса, шунинг учун ҳамки, инсоний хилма-хиллик ва бемаънилик адабиётнинг кундалик понидир. Шу боисдан у мавжуд инсоний муаммоларни ечишда қўлланадиган маълум ва бўлажак тоталитар ёндашишга уришишлар йўлида ишончли тўғаноқ бўла олади. Адабиёт, жилла курса, ахлоқий суғурталаш тизими сифатида у ёки бу диний эътиқот ёки фалсафий доктринага қараганда анча самаралироқдир”** (“Жаҳон адабиёти”, 2001 йил август. 133-бет). Шундай экан, адабиётни қадрлаш, унга ҳамманинг эътиборини тортиш ҳамisha шарт ва зарур.





Оймома ОБИДОВА

# ЧЕЧАКЛАР

## Шивирлар тебарашинда

Ҳарир парда кўнганида қулранг ҳавога  
Шакл гуллаб хотирамни кесиб ўтди  
Қорачигим қалқди тоғлар чўққисиди

кечаги оқшомнинг сояси элас  
руҳимдан тўкилар безовталаниб  
ёруғ туйғуларим эркин мамлакат

эркаладим тонг ифорин кафтларимда  
бир томчи бахт жимирлади ширингина  
ойдин шуъла нафасини қучар шафақ

\*\*\*

Нигоҳларим деворидан олислади тун  
сочларимда кумуш из майин титроқнинг  
кумурсқанинг қайғусига кетар тегиниб

боғ ичида озод кезса ярим кулгим  
қолган ярми мудраб турар лабларимда  
ўзгачароқ тусга кирар хиёл сўзланса

ой юзимдан териб митти доғларини  
қучоғида эркалайди қудуқ туби  
қайсидир ўтлоқ оғушида зерикар соям

акс-садодек қайтар видо воқеликдан  
оҳиста тин олди соғинч бедорланиб  
киприкларим найзасидан сачрар хавотир

\*\*\*

Олтин япроқ о олтин япроқ  
сориг кулгинг бериб тур қарзга  
артай бир зум кўз ёшларимни

тирар майин дарахт вужуди  
ёз ойининг сўнгги хўпламин  
тўқворади оғзин очганча

алданайин майли шу лаҳза  
сўнгги яшил япроғинг қучиб  
бутун ногоҳ уни унутдим

\*\*\*


Шундоқ Вақт муҳрланган нигоҳимда  
сурати чизилган сизнинг аксингиз

термулиб юборсам кўзуга кўпроқ  
беҳос терга тушиб кетади шўрлик

садо қайтар симмилайди шифтни йиқиб  
деворларга сингиб қолган овозингиз

остонадан хатладим дегунча яна  
соғинчингиз бўйнимга қўлини ташлар

аччиқ-аччиқ кўз ёш тўкай дейману бироқ  
бор айрилиқ сўнгсиз қаҳрини жамлар



\*\*\*

Мункайган сония кетар узайиб  
сассиз садоларга кўнғироқ илиб  
нимпушти шафақни қучдим о бекор

даъфалар мангулик даъфалар тўхтар  
ўзин тингламоқни хуш қўрар дунё  
шуълалар афсунгар эринчоқ осмон

қунлар имлосида бетизгин бир уй  
лаҳзалар урилар номсиз илинжда  
боғларда куз мунги инграр оҳиста

\*\*\*

Ичгим келяпти ўз қонимни  
балки кўк рангдадир қонимнинг ранги

қанчалар бахтли инсонсиз о сиз  
олдингизда бахтсизман десам  
ярашмаяпти

ўзимга сиғмаяпман ўнғайсиз ҳолат  
кечиб кетмасмикан о йўқ

бир чимдим туз ташлайман  
тузсиз қунларга  
ҳарорат бағишлайман намчил ҳавога

зерикарли лаҳзаларга манглайим тираб  
совуқ тер томчиларин ташлайман артиб

\*\*\*

Жунун водийсининг хилватгоҳида  
ҳаёлингиз бешигин қучиб ётибман  
финоқ ўсиб чиқди сочим қатидан

дарахтни силкитсам ҳижрон тўкилди  
кўзим деворига чўқди кунботар  
хушимга беркинар япроқ қулгуси  
сойининг ўтай акси узала тушган  
оқ шомнинг бўйлари чўзилар кўкка  
мўътадил иқлимнинг муштлири юмшоқ

қўлагим сиёҳин ёйи шўх сабо  
хур майса қонидан томган руҳимни  
тушингиз келиб чимчилаб кўрди



Маяғүзал ЧОРИЕВА,  
Олий Адабиёт курси тингловчиси

# ТАБИБ ВА ДОЯ



## Ҳикоя

Кун ботарда ҳаво айнади. Шиддатли овул қишлоқ осмонига қоп-қора булутларни суриб келди. Одамлар эшик-деразаларини тақа-тақ беркитишди. Бўрон эса гўё уйларни ҳам учириб кетмоқ истагидаги ваҳима билан увулларди. Доя кампир дераза табақаларини беркитаркан:

- Бир кулфатни бошлаб келади бу довул, - деди рутбатли осмонга ўқрайиб. - Бунақанги ҳавода ҳар балою қазо бўлади... Ўтин, кўмир тугади. Хоналарни иситишнинг имкони йўқ.

- Ҳадемай ёмғир ёғиб ўтса, ҳаммаёқ янада тароватли бўлади-қолади. Кўпам ваҳима қилаверманг, - қўлидаги китобни бир четга қўяркан, тинчлантирди уни табиб. - Яхшиси, бирор егулик келтира қолинг. Этим увушаяпти. Балки овқатлансак, совқотмасмиз.

- Мана, ҳозир, - деди кампир оғир тин олиб, - қовурган жигар бор эди. Яна бироз зогора балиқ қолган. Нон тугабди. Мусаллас...

- Ичкилик керак эмас, - рад этди табиб қони қочган, бемажол бармоқларини қирсиллатганча.

- Ахир ярим тунда биров ярим эшик қоқиб қолиши мумкин. Бардам бўлиш учун...

- Қўяверинг, ҳожати йўқ. Ичкиликсиз ҳам амаллармиз.

Кампир одатдагидек инқиллаб ғарибона дастурхон тузатди. Улар деярли ишгаҳасиз тамадди қила бошлашди.

Хунарлари бир бўлгани туфайлими ёки ҳар иккиси ҳам ҳувиллаган хоналаридаги ёлғизликни даф этиш қайғусидами, ярим йилдан буён бирга туришарди. Табибнинг ёш қадди эрта эгилган, қўллари ранги нозик аёлларникидан ҳам окроқ. Мулойим-гулдай вужуди эса дарддан сўла бошлаганди. Кўзлари ўйчан, совуқ ва ҳиссиз боқарди. Юзи қайғудан янада тундлашгандек эди. Бедаво саратон касалига чалинган табиб хотини ва ёлғиз қизалоғини шаҳардаги уйига ташлаб изсиз йўқолган, кейин ўзида қолган жамғармасига шу қишлоқдан, айнан доя кампирдан кўримсизгина ҳовли жойининг бир қисмини сочиб олганди. Ҳар ойда бўлмаса ҳам топган-тутган пулидан хотинига ноаниқ манзилдан озми-кўпми пул юбориб турари... Қартайиб, болаларидан оқибат кўрмай ёлғизланган кампир ва касалманд табиб биргалашиб ажални кутиб тирикчилик қилишаётгандек эди. Шу сонияда

кимдир эшикни гумбурлатиб урди. Тушуниксиз, чийилдоқ, бўғиқ овоз эшитилди.

- Ҳозир, намунча, - ўрнидан кўзғалиб эшикка йўналди кампир. - Ҳой, секинроқ, эшикни қўпорасан...

У эшикни очганида афт-башараси бужмайган, кўзлари бежо пирпираётган миқти жуссали одам азроилдек турарди.

- Табиб қани? - Сўради у бежо овоз билан. - Тезроқ кўзғалинглар. У ўлим тўшагида... Кўз ёролмай ётибди.

Табиб ҳолсизликдан имирсилаб кийинди. Асбоб-у-қуналари солинган саквоаяжни олаётиб:

- Яёвмисиз? - деб сўради мижоздан.

- Ҳа, шунақа, - шошиб жавоб қилди у. Сўнг изоҳ берди: - Олис эмас... Огоҳлантириб қўяй, бу ҳақда бировга миқ этмасликларинг керак. Оқибати ёмон бўлади.

- Ие, бу қанақа шарт? - ажабланиб тикилди табиб таҳдидли буйруқ қилаётган ғалати мижозга. - Нега энди?

- Намунча мижғовланмасанг, тезроқ юр, - яна буюрди ғалати мижоз. - Унинг ҳаёти хавф остида.

Бу одамнинг кўринишида ҳеч қандай ғайритабиийлик сезилмас, оддий кишиларга ўхшар, аммо буйруқбоз шошқалоқлиги, гап-сўзи қувғиндаги жиноятчини эслатарди.

- Жуда ғалати, - изидан эргашган доя кампирга "ҳеч гапга тушунмадим" дегандек елка қисиб мийиғида кулди табиб.

Улар қизғиш гиштли, данғиллама, чиройли иморатга етиб келишди. Аллақандай қўланкалар, шарпалар қуршовида узун қоронғу, зах хоналардан юриб ўтишаётганда кучли чинқирқ қулоққа чалинди. Ниҳоят сўнгги хира ёруғ, бироқ моғор, балчиқ иси аралаш анқиётган хонага киришди. Бу ерда эски, катта ёғоч сандиқ устида мункайган кампир минғирлаганча чордона куриб ўтирар, унинг атрофидаги сочлари патила-патила, афт ангори кир-чир исқирт болалар куймаланишиб чувуллашарди.

Хонадон қимматбаҳо буюмлари, зеб-зийналарга лиқ тўла бўлса ҳам кадрига етилмагани кўриниб турар, чанг босган антиқа жиҳозлар ва нодир жавоҳиротлар хор бўлиб ётарди. Ҳисобсиз хазиналарни кўриб доя кампирнинг кўзлари ёнди. "Эссиз молу дунё..." ачинди у дилдидан. Табиб йигит эса хонани беҳафсалагина кузатди. Тўзғиган, бетартиб хона тўрида, бироз униққан кир





чойшаблар орасида жони ҳалқумига келган, оёқ-қўли чангак, бадбуруш юзи бир томонга қийшайган аёл ётарди.

- Кераги йўқ, кетинглар, даф бўлинглар...

Унинг қақраган лаблари деярли қотиб, тинкаси куриб бораётганди. Табиб аёлни кўзидан кечираркан:

- Операция зарур, - дея ғўлдиради.

- Буёққа қара, - деди уларни бошлаб келган миқти жуссали эркак, безатилган ажойиб қутичаларга солинган жавоҳир-дурларни кўз-кўз қиларкан. - Ана, керагича тилла, маржон ол. Истасанг бош-оёгинг баробар зар сочаман. Аммо унинг ҳаётини сақлаб қолишга мажбурсан. Сиз одамларнинг ёмон қусурингиз бор, бойликни яхши кўрасиз. Ҳатто энг яқин кишингиз ҳаёти қил устида турган бўлса ҳам хазинангизни тақсимлаб ўтирасиз. Курбонлар берилиб қонлар тўкилгач маблағни аямай тўқасиз. Аммо мен барча истагингни бажо этаман.

- Бу уюм-уюм металлардан тобут ясамайман, - деди табиб кўрслик билан. - Менга халақит берманг.

Табиб доя кампирга зарур асбоб-ускуналар, малҳам ҳозирлашни тайинлаб ишга киришди.

- Аёлни бу ёққа ётқизинглар! - буюрди у. - Секин, анграймасдан... Авайлаб. Бошини тўғриланг.

Уни эҳтиётлик билан тоза тўшакка ётқизишди... Табиб аёлнинг тимсоҳ терисидек қаттиқ қорнини ўткир тиг ва мадорсиз қўллари билан амаллаб ёрар экан, бирор томчи қон чиқмаётганидан ажабланди. Унинг қорнида ғўё ичак-чавоқ ўрнига ҳам бир неча таъвия чақалоқлар жойлашиб олгандек эди. Табиб терга ботиб илондек биланглаётган, ғоятда кичик тасқарачалардан аёлнинг жисмини халос этди. У ишини тугатганда тун ярмидан оғиб бўлган, ҳолсизликдан оёқларида туролмасди...

- Оҳ, - дея надомат чекди таъвия эркак ранги қути ўчиб, ўзига ўхшаш чақалоқлардан бирини олиб кузатаркан. - Гуноҳларимиздан фориг бўлолмадик... Яна умргузаронлик - яшаш азобига маҳкумиз. Бир-биридан тасқара гўдаклар бизнинг касримизга қолди, жабримизни тортиди. Афғ ангорларига шармисорлигимиз муҳри - тавқи-лаънат босилган...

Эркак бошини чангаллаб, узоқ сукутга толди. Унинг вужуди зир титрар, жони азобдалиги кўриниб турарди.

\* \* \*

- Нега хизматинг эвазига тортиқ этилган тиллолардан воз кечдинг? - сўради таъвия эркак ўзини бир бурчакда турган ором курсига ҳолсизгина ташлаган табибдан.

- Тилла... Кимга, нега? - Истеҳзоли жилмайишга уринди дир-дир титраётган оппоқ юзида кўкамтир доғлар пайдо бўлган дармонсиз табиб. - Умри шамдек сўниб бораётган кишига нима ҳожати бор уларнинг?

- Пулдан, тилладан ҳам воз кечиб бўларканми? - гапга аралашди кўҳна сандигини тарк этгиси келмаётгандек ҳамон чордона куриб ўтирган кампир. - Олавермайсанми, яқинларингга мерос қолдиришга асқотар...

"Нақ алвастининг ўзи..." фикрини табиб.

- Янглишмадинг, - тасдиқлади олифтагарчилик ва ошқора беодоблик билан кампир хунук илжайиб. - Шунинг учун ҳам мен ҳали узоқ яшайман. Сендан эса ажалнинг иси келади. Яхшиси, хизматинг эвазига ўғлимдан ҳаётбахш малҳамни талаб қил. Ёшгина жонингга жабр этиб, ўлиб кетишни истамасан ахир.

Кампирнинг қиҳ-қиҳлаган совуқ кулгисидан табиб сесканиб кетди.

- Бас қилинг қалтис ҳазилни, - деди газабдан қони қайнаб.

- Унинг вайсашига парво қилма, - тинчлантирди уни дарди-дунёси қоронғу таъвия эркак. - Ўтмишини ҳам унутиб юборган, ҳатто ўлим юз ўтирган бу кампирнинг мияси айниб бўлган. Қулоғигача гуноҳга ботган жодугар ҳамон нафсининг қули. У сочган уруғдан ёвузлик, бузуклик ниҳоллари униб чиқди. Аёлсифат бу махлуқни бўғзигача тиллага кўмиб қўйсан ҳам кўзлари тўймайди. Унинг ўзидан ҳам оғзида югурик айланаётган тили кўпроқ гуноҳкор.

- Сен эса зиқнасан, - деди кампир ўзи ҳақидаги нафрат, таъналарга тўла дашномни эшитиб, ҳамма ишни қотириб-қойиллатиб қўймоқчидек мамнун ва мағрур илжайаркан. - Шўрлик табибдан ҳаётини асраб қолувчи малҳамни қизганиб гапни айлантираяпсан.

- Оҳ, бу заҳри-қаттол тил. Оппоқ тошлар ортида ўрмалаётган илон... Менинг ҳаётимни заҳарлаганинг ҳам етарди. Сен алвастидан жаҳаннам ҳам ҳазар қилади... Мени зиқна қилган ҳам ўзинг бўласан. Ҳузур-ҳаловатга, бойликка ўч феллинг, пала-партиш рўзгор тутишинг сабаб кўримсиз, файзсиз уйимизга тенгқурларимни бошлаб келишга уялардим. Чунки бетартиб, қаровсиз хонадондан уларни ўтқазिशга жой ҳам топилмасди. Сен пул совирушини, отам илмини севардингар, оқибатда, ҳаёт мени ҳасадгўй ва зиқна қилиб қўйди.

- Сен отангни ҳам ёмон кўрар ва уни иззат-икром қилиб ўтирмасдинг: "Мен сизга ўхшаган қашшоқ-билимдон, виждонли олим бўлишни истамайман" деб ҳақоратлашдан тоймасдинг. Унга тупурардинг...

- Отамнинг қимматбаҳо қоғозлари - илмий рисола-ларини ўғирлаб, шухратпараст валломатларга тутқазган, уни гўрга тириклайин тикқан хиёнаткор ва такаббур, бадхулқ аёлнинг тарбиясини олганман-да. "Қуйиб қўйгандек онангга ўхшадинг. Афсус, палагим бузилди. томирингда очофат нафс қондек оқади. Сени дунё илмидан бохабар этганимдан пушаймонман", дерди у надомат қилиб.

- Ўтган гапларни кўзгайверма, яхшиси табиб ва доя кампирнинг жонига аро кир. Улардан ҳаётбахш малҳамни дариг тутма. - Яна муғамбирона илжайиб мавзуга қайтди кампир. - Ахир улар сенга яхшилик қилишди.

- Ҳаётбахш малҳам... - Кинояли кулди табиб. - Яна қанча давом этади бу таҳқиромуз ҳазил!

- Ўз-ўзингга мотам тутиб қайғуришни бас қил, - деди таъвия эркак уни чалғитишга уриниб. - Аксинча, бемаъни ва изтиробли ҳаёт ташвишларидан эртароқ халос бўлаётганинг учун қувонишинг керак. Бу фоний дунёда одамдан толесизроқ жонзот йўқ.

- Ярамни тирнаманг, - деди табиб ғам-ғуссага ботганча қайғули бош чайқаб. - Орзу-умидсиз, бемақсад одам ўлишни исташи мумкин.

- Бахтсиз кишиларгина азоб-уқубатларга тўла тириклик қисматига маҳкум этилган. Наҳотки, сен ҳам бахтни ўзи англаб етмаган, нафс қайғусида яшайдиган, ир-кит оломон ичидан бахт излаб яшашни маъқул кўрсанг. Енгил-елпи ҳаёт, ўткинчи умр, бир-бирига ғаним, ғийбатни ўлгудек ёқтирадиган, ҳасадгўй одамлар орасидаги мусибатга йўлдош бўлишни истасанг? Ўлган одам эмас, яшаётганлар ютқазди. Ғам-алам, ўй-хотиралардан эзилади. Ортиқча шод-хуррамлик, қувонч, дабдаба эса уни тўнка, бефаҳм махлуқотга айлантиради. Ҳаёт деган бадбуруш маймун сени ўзи чизган чизик-чегарадан етаклайди. Чегарани бузиб ўтаверсанг, ҳаётинг фожеага

айланиб бораверади. Одамлар дунё сир-синаотини ечиш, бузиш ва тузиш билан овора бўлиб дарё-дарё қон ва ёшлар, армонлар гирдобиди қолаверади. Мол-мулк қайғуси, зафар нашидаси, мағлублик аламлари, садоқат ва хиёнат, эзгулик ва разолат, қувонч ва қайғу... барини ҳаёт аталмиш ўша маймун бемаъни бир табассуми билан ўлчайди... Биз яна минг йил, минг аср унга эрмак бўлиб яшаганимизда ҳам жумбоқлигича қолаверади. Ёлгонни ҳақиқатдан ажратиб бўлмайди. Бари қоришиб кетган. Ҳаёт сени гоҳи улуғлаб юксакка кўтарса, зум ўтмай тупроққа қориштиради. Ардоқлаб туриб масхаралайди. Ўлим эса беъмани ташвишлардан оромга элтувчи оромга элтувчи кўприк холос. У изтиробларсиз, мангу роҳат ваъда этади.

- Таскин-тасалли бермай қўяқолинг. Насия жаннат орзуси, сув ўрнига сут оқиб ётган бокира булоқлар, рақсга уста фаришталарингиз кўнглимни овлай олмайди. Мен мавжуд дунё неъматларини севаман. Ҳасратли умримнинг бокира чечаклари - хотиним ва жондан азиз фарзандимни қайғуга ташлаб, тарк этиш юрак-бағримни ўртайди. Азоб-укубатсиз, боқий сукунатга ботган оламни бошимга урмайман.

- Яшашга алдансанг, ҳаёт аталмиш масхарабоз маймундек бужмайиб қоласан. Қаршингда аянчли қарилик-ақлнинг хиралиги, муҳтожлик кучоқ очиб пайдо бўлади.. Эртами-кечми ўлимга маҳкумсан.

- Қарилик даҳшати бевақт ажалдек фожеали, кўрқинчли эмас...

- Унинг аҳволига қараб юрак-бағрим эзилиб кетади. - Яна гапга аралашди кўзёшларини тиёлмаётган "алвасти". - Бечоранинг жони узилади-ёв.

- Отам қазо қилган кун ҳам шунақа кўзёши тўккандинг. - Яна кинояли сўз бошлади таъвия. - Таъзияга келган кўни-қўшнилари, ёру биродарлари кўз ўнгида ақлу ҳушингдан айрилиб фарёд чеккан, ўзингни йўқотиб жиннидек думалагандинг... Орадан салгина фурсат ўтиб, кўзёшлари қуриб улгурмаган қабоқларингни рўмолча билан яшириб, хушбичим, бадавлат савдоларга нозишва қилгансан. Ўшанда кўрганман юрак-бағринг қандай эзилишини...

- Ўзинг ҳам фаришта эмассан. Меҳнатларим эвазига қозонилган бойлик, тўкин-сочин дабдабали ҳаёт сени кутурган итга айлантирди. Қабихлик, ёвузликларинг, истакларинг чегара билмасди. Сени фақат ўлим даҳшатигина ваҳимага солар, азобларди. Ўшанда янги туғилган гўдакларнинг бошини сапчадек узиб, уларнинг қонидан малҳамни ҳам ўзинг тайёрлагансан.

Она ва ўғилнинг бир-бирига аёвсиз маломатлар ёғдираётган даҳанаки тортишувдан табиб ва доя кампир анграйиб қолишди.

- Қулоқ сол, табиб, мен ваҳшийман, - пешонасига мушт тушириб, жон ҳолатда талвасага тушди таъвия. - Қўлларим қон... ҳаммаёқ қон... Бу жаҳаннам уйда фақат ёвузлик тантана қилади. На ўлим, на ҳаёт бор бунда. Мана шу жодугарнинг йўригига кириб гўдаклар қонидан ҳаётбахш малҳам тайёрлаганман. Бир гал ундан ўлим тўшагида ётган хотинимга ҳам ичирганман... Ҳамма фожеа инсон ўзини севиши, кўнглига жуда эрк бериб юборганидан бошланади. Киши оила, бола-чақа, ҳар қандай ташвишу ҳузур-ҳаловатга ўзини севганидан талпинади. Одамни худбинлик ўлдиради. Аслида одамлар сенсиз ҳам яшайверади... Фожеа рўй берганини жуда кеч - ҳамма тенқурларим, замондошларим оламдан ўтгач англадим.

Биз битмас яра-мангу яшаш азобига маҳкум этилгандик. Афт-ангоримиз кундан-кун тасқара, бадбуруш қиёфага кириб борарди. Дунёга келган бахти қаро фарзандларим ҳам жодугар онам ва менинг қиёфамда туғилаверди. Қанчалик тоат-ибодат қилмайин - бефойда. Пушаймонлик эса фақат азоб беради. Менинг қалбим, вужудим ҳамиша ўлимни соғиниб, унга талпиниб яшайди... Фаришта мисол бир аёл ва болаларим ўтмишимдаги разил қилмишларим қурбони бўлишди...

Хонада гинг этган товуш эшитилмай қолади. Гўё бир лаҳза билис қаҳрланиб, борлиқни "Сукунатга фарқ бўл" дея лаънатлангандек эди...

- Энди йўқол, - деди таъвия эркак оғир даҳшатли жимликни бузиб. - Кўнглинг тилаганча дур-жавоҳир олгин-у, тезроқ дўзахни тарк эт...

- Бизга малҳам керак! - чинқирди бирдан жонланиб доя кампир. - Ҳали узоқ яшашни истаймиз.

Таъвия эркакнинг юзи даҳшатдан оқариб кетди. "Наҳотки, сен ҳам шуни тиласанг?.." дегандек табибнинг юзига қаради. Унинг ўлим соя ташлаган юзида ҳаётбахш умид учқунлари порлагандек бўлди.

- Гўдакларнинг умрига биз зомин бўланамиз йўқ-ку. Нега виждонимиз азоблансин? - изоҳлади фикрини кампир.

- Аммо сен улар қонидан тайёрланган малҳамни...  
- Яшашни истаймиз! - деди доя кампир кескин.

\* \* \*

- Мен сенинг қариликдаги қиёфангман, - деди таъвия эркак табибга нақшинкор қутича узатиб. - Анови алвасти эса доя кампирнинг қисмати.

- Ҳўш, унда хотининг, болаларинг...

- Улар тириклик фожеасига шерик одамлар...

\* \* \*

- Нега шунча хазинадан юз ўгирдинг? - дерди доя кампир табибни яниб. - Ахир амал-тақал кун кўраётган бўлсак. Мендаги тиллалар яхшироқ яшашимиз учун урвоқ ҳам бўлмайди...

...Чехраси қайғули тус олган табиб деразага яқинлашди. Дунёни кунпаякун қилишга ошиқаётган оромсиз шамол, тинимсиз ёғаётган ёмғирга термулди... Сўник, хира тортиб қолган нигоҳи жонсиздек заъфарон тус олганди. Тинка-мадори қуриб кетганидан оғир уф тортиди.

- Ҳаёт бадбуруш маймун, - дея такрорлади у таъвия танишининг сўзларини. - Қисматдан қочиб қутуламан деган киши янглишади... Қуёшсиз дунёни зулмат қоплагандек, унинг ортиқча нури борлиқни қовжиратиб юборади. Ҳаммаси метёрида бўлиши керак. Ўлим - чиркин гуноҳ, узундан-узоқ мантиқсиз умр, нафс ярасининг давоси...

Табиб қўлида ҳамон лоқайдгина тутиб турган тақшинкор қутича ерга тушди. Ҳаётбахш малҳам... ва тиллалар жиринглаб сочилди...

Қувонганидан бир зум ақлини йиғиштиролмай қолган доянинг кўзлари чарақлаб кетди. Малҳамни шошиб этагига яширди. У хонада тинимсиз чор тарафга думалаб юрган тиллалари қувиб, қаҳқаҳа урарди...

Табиб кампирга аянчли боқди. Юзида ҳасратли ва улғувор табассум пайдо бўлди. Ажалнинг жон чиқар доми уни маҳв этаётганди...



# ЭЛГА

## БИР СЎЗ АЙТМАСАМ БЎЛМАС



### *Масъулият*

Болаликда том узра ётиб  
Тунлар йиглаб чекардим афсус:  
“Нима бўлар мен ўлиб қолсам,  
Дунё ҳоли не кечар менсиз?”

Назаримда ҳаётга беҳуд  
Келмаганман, кетмасман абас.  
Туғилганман тафаккур учун  
Элга бир сўз айтмасам бўлмас.

Юртни асраб қолгудай гўё  
Ҳар бир бало, ҳар бир қазодан.  
Хаёлларим бўлмасди адо  
Кезиб юрар эдим самода.

Кейин эса билдим ҳаётда  
Ҳайём сўзи ҳақ экан, эвоҳ.  
Туғилдим, ўлди бир пашша  
Фарқи йўқдир дунёга мутлоқ.

Ақлим билан сезсам-да бунини  
Гоҳо қуршаб олади бир ҳис:  
“Нима бўлар мен ўлиб қолсам,  
Дунё ҳоли не кечар менсиз?”

### *Ҳаёт ва ўлим*

Умр ўтиб боргани сайин  
Ваҳимага тушаман, ҳайҳот:  
Яқинлашиб келмоқда ўлим,  
Узоқлашиб бормоқда ҳаёт.

Улгурмадим ҳеч бир нарсага  
Ушалмади орзуларим, оҳ.  
Савоб ишлар қилай дедиму  
Ортаверди бўйнимда ғуноҳ.

Қанча-қанча дoston битмоқни  
Болаликдан дилга тутгандим.  
Уюм-уюм чала шеърлар ҳам  
Ғаладонда жон бермоқда жим.


Йўқ, йўқ, ҳали ҳаётман ахир,  
Ҳаёт эса - бу тилсим, ҳам сир,  
Эҳтимолки, эртадан бошлаб  
Ўзгаради батамом тақдир.

Шунда кўнглим топару таскин  
Яна руҳим бағишлар нажот.  
Узоқлашиб боради ўлим,  
Яқинлашиб келади ҳаёт!

\* \* \*

Бухоро барибир бошқача  
Бирдайн азиздир бу дунё  
Ҳаводан тортиб то тошгача.  
Фарқламоқ яхшимасдир, аммо  
Бухоро барибир бошқача!

Киндик қон тўкилган боисми  
Ҳамиша туяман шу ҳисни.  
Бу таъсир жоиз, ножоизми  
Бухоро барибир бошқача!



Ҳавоси ёқмайин қолса ҳам,  
Вужудим зирқираб толса ҳам,  
Шўрхоки бўғзимдан олса ҳам  
Бухоро барибир бошқача!

Йироқлаб кетганда пайдар-пай  
Гоҳ ҳавас, гоҳ соғинч чорлагай.  
Қайтаман, кўзларим порлагай  
Бухоро барибир бошқача!

Бошқача бўламан ўзим ҳам,  
Йиғиму, кулгуму, бўзим ҳам.  
Тугамас сира бу сўзим ҳам:  
Бухоро барибир бошқача...

### Хоҳиш

Шинамгина бир хона бўлса  
Деворлари сомон сувоқли.  
Қуръон ўқиб маъни изласам  
Сандалига тоблаб оёқни.

Ҳеч ким халал бермаса менга  
Англаб етсам ўзимни-ўзим.  
Шууриمنى ёритсам шеърда  
Битилмайин қолмаса сўзим.

Кўзларимни чарагон этса  
Одамларнинг кўзидаги нур.  
Турмушлари ўнгланиб аста  
Юракларда юксалса гурур.

Юртга насиб айласа охир  
Азал армон - комил бир тузум.  
Беҳудага сарфламай умр  
Оқласам эл берган нон-тузин.

Нима керак мен учун яна  
Шу кўнгилнинг ғамидан бўлак.  
Ахир яхши ният бор ерда  
Беҳудага урмайди юрак.

\* \* \*

Ташвишлардан қутилиб  
Яшамоқ қандай қийин.  
Улар-чи, ортиб борар  
Умр ўтгани сайин.



Фурсат, фурсат етмайди  
Барига улгурмоққа.  
Бирини бажо этсанг  
Бириси чиқар йўққа.

На чора, бу ҳаёт-да,  
Бешафқат ва хузурли.  
Кечиккан ҳар дақиқа  
Қабул этмас узрни.

Ярим тунда тинасан  
Бошинг ёстиққа етиб.  
Сўнг тош каби қотасан  
Ширин уйкуга кетиб.

Хонтахтада эса, эҳ,  
“Қачон бизга навбат?” дер,  
Ўқилмай ётган китоб  
Ёзилмайин қолган шеър.

### Таважжуҳ


Энг ёмон шуки - сен ҳақсан,  
Энг ёмони шуки - мен ҳам ҳақ.  
Важларимни айтмоққа ҳарчанд  
Чоғландиму, жазм этмадим нақ.

Не қилайки, ўн етти ёшинг  
Чиройингни оширар гулгун.  
Яшнаб борар ичингу-ташинг  
Ҳузурда важларим бир пул.

Фақатгина кеч англайсан, кеч,  
Ўткинчидир бу тан, бу вужуд.  
Балки мени севолмассан ҳеч  
Кўз олдингни қоплаган булут.

Чарақлаган меҳрга ташна  
Умринг ўтиб совийди юрак.  
Ҳали имкон борида эса  
Сен сўзимга киришинг керак.

“Бўлмайдими бу гуноҳ, эҳ сиз...  
Айтинг!” дединг, айтолмадим, оҳ,  
Тил учимда турарди ҳадис:  
“Гуноҳни тарк айламоқ, гуноҳ”.







Намоз ЭРГАШЕВ

# АНГЛАШ

## Ҳикоя

Уни бир ҳафта бурун кечкурун олиб келишганди. Нусрат илк марта бунақа кўнимгоҳга ташриф этганиданми, у қадар дилтанглик туймади. “Бироз тор, қоронғи-ю... дам олишга бинойидек, бешовқин жой экан...” деб ўйлади у, толиққан асабларига тин бериш учун полга чўзиларкан.

Уни саҳарда баланд деворининг тепаси сим тўрланган ҳовлидаги ҳожатхонага олиб чиқишди. У миршабнинг қистови билан ҳожатхонани чиннидек тозаллади, кейин девор тагига боғланган итнинг ахлатини қиртишлаб супирди, итнинг ялоқ косасини ювиб сувга тўлғазди, юмшоқ нондан тўрт бўлакни тўғраб тахтача устига қўйди. Шундан сўнггина соқчининг рухсати билан занглаб кетган темир идишдаги саргайган сувда юз-қўлини ювди, кўйлагининг этагига артинди.

Кейин уни яна қоронғи хонага қайтариб эшикка кулфладилар. Пичадан сўнг хона эшигидаги кичик дарча очилиб “Ма, ол!” деган товуш эшитилди. Нусрат таажжубланган кўйи қўл узатиб ранги унниқиб кетган сув тўла кружка ва бир парча қотган нонни ичкарига олди. У ғоят чанқаган бўлса ҳам аллақандай ачитик бадбўй ҳид анқиётган сувни ичишга ҳийла қийналди.

Ниҳоят уни қандайдир хонага бошлаб боришиб фуқаро кийимидаги одамга рўбарў қилишди. Столга мук тушиб, қоғозга алланима ёзиш билан машғул одам Нусратга ҳийла вақт кўз қирини ҳам ташламади. Бир пайт бошини кўтариб устундек қаққайиб турган маҳбусга пастдан юқорига, юқоридан пастга кўз қири ташлаб қовогини уйганча ўзини таништирган бўлди.

— Мен терговчи Толиповман, сенинг жиноий ишинг билан шуғулланаман. Қани, стулга ўтир-чи?...

Терговчи олдидаги қоғоз ва ручкани Нусратга тутқазди:

— Мана бу ерига имзо чек!.. Мабодо ёлғон кўрсатма берсанг, оладиган жазойинг уч карра оғирлашади. Тушундингми?

Нусрат имзо чекаркан, “Демак рост сўзласам, енгиллик бўларкан...” деб ўйлади ва бу далладан ҳатто бироз ўқтамлашди ҳам.

— Хўш... муштумзўр ошна, қани гапир-чи?... —

дея стулга чалқайди терговчи.

Нусрат савол мағзини дарҳол тушиниб етмади, бир зум каловлангач, елка қисиб туталанди:

— Нимани гапирай...

Терговчи туйқус газаблангандек олдинга эгилди.

— Ия, билмайсанми?! Жабрланувчини қандай, нима билан урганингни айт!

— Жаҳлим чиққанидан бир-икки шапалоқ тушургандим, терговчи ака, — оҳиста жавоблади Нусрат.

— Шапалоқ... Қойил-э, шапалоқ дегин... Унда, муштласанг ўлдираркансан-да-а...

Нусрат мум тишлади.

“Терговчи ака ишонмади... — ўсалланди у. — Бошқача йўриқда айтишим керак эди...”

— Ука, — деди терговчи энди негадир мулоийм товушда, — одам деган бундай бераҳм бўлмайди-да ахир. Бечоранинг юзига қарар жойи қолмабди, худди аммамнинг бузоғидай ола-қашқа бўп қоган. Ҳай майли, ўтган ишга саловат. Энди бундай келишмиз. Сен бўлган воқеани оқизмай-томизмай рост сўзлайсан, мен эса имкон қадар ишни сенинг фойданга ҳал этишга ҳаракат қиламан. Келишдикми?...

“Ана, айтмовдимми, дунёда яхши одамлар кўп, деб” — Нусратнинг чеҳраси ёришиб бош силкиди.

— Унда бошлайвер, — терговчи қоғозга энгашди.

Нусрат нафасини ростлаб фикрини бир нуқтага жамлагач, секин йўталиб олди-да, гап бошлади:

— Терговчи ака, мен йил ўн икки ой далада кўкараман. Нима қилайлик, тирикчилик экан. Яшаш керак. Оилада етти фарзандимиз. Онам, хотиним, болачақамни кўшиб ҳисоблаганда бир дастурхондан ўн уч бош нон еймиз. Шундан фақат мен-у катта укам ишлаймиз. Онам дардманд, оладиган қарилик нафақаси дори-дармонга етмайди. Хотиним эса ёш болалик, ишлашга имкони йўқ. Эҳ, бу ҳаёт деганлари турган битгани машаққат экан, ака. Хуллас, ўша оқшом ишдан ҳориб қайтдим. Бир пайт хотин томдан тараша тушгандай, “мениям хотин ўрнида кўрасизми?” деди йиғламсираб. “Кўрмасам, кўйнимда олиб ётармидим” дедим ўзимча ҳазилга йўйиб. “Ундай бўлса, Санамгул бизнесникдан бир буюм об-

келдим. Шуни обберасиз!" — деб бир балони кўрсатди... — Нусрат кўлини ҳавода силкиб кўкраги устида айлангирди.

Терговчи уни тушинди чоғи, бош ирғади:

— Ҳа, ҳа, сийнабанд, кўкрак тўри, деб атаса ҳам бўлаверади.

— Ҳа, худди ўша нарса, денг... — давом этди Нусрат. — Ҳай майли, дедим-да "Қанча тураркан?" деб сўрадим. "Етти юз эллик сўм" деса бўладими... Бошимга тош теккандек бўзрайиб қолдим. Энди ўзингиз ўйлаб кўринг, терговчи ака. Ойлик маошим бор-йўғи икки минг сўм бўлса... Кўшимча даромад-ни-ку гапирманг, оддий сувчида нима қилсин у. Бир халта ун бир ярим минг сўм, гўштнинг килоси уч юз сўм, мойники юздан ошиқ бўлса... Чой-пой, кийим-кечакни-ку қўяверинг... Ҳай, буниси ҳам ўз йўлига, шу маош ўлгурни ҳам вақтида беришса қанийди, мана, икки йилдан ошяпти, хўжалик маош бергани йўқ...

— Йўғ-э, унчалик эмасдир-ов... — деб юборди терговчи беихтиёр.

— Ана, кўрдингизми, ишонмаяпсиз, демак юқоридагилар ҳам ишонишмайди бунга, — дея хўрсиниб давом этди Нусрат: — Ҳанг-манг бўлиб қолдим. "Хотин, — дедим жаҳлимни босиб — сал у ёқ, бу ёқни ўйлаб иш тутсанг, яхши бўлармиди... Ҳали ўғилчамизга хатна тўй қилишимиз, қайнингни уйлашимиз керак. Яхшимас ўйлаб кўр, хотин, ўйлаб кўр..." Хотиним тўсатдан туюқиб кетди. "Ўйлай-ўйлай сил бўлиб кетдим. Нима, менинг бошқа хотинлардан қаерим кам..." деб бақириб берди. Ишдан чарчаб келганлигим таъсир қилди-ёв, терговчи ака... Ишқилиб мен ҳам ўзимни тутолмай, охири... шапалоқ тортиб юбордим... Бор гап шу... Хотиним кўп лат ебдими?

— Лат ейиш ҳам гапми, — дея ўзича ўдағайлади терговчи. — Мияси чайқалган ошна, мияси...

Нусрат ичдан зил кетди. "Болаларига сут-қатикқа яраб турган бузоқли сигирни сотсам ҳам бўларди-я?! Аттанг... Болалари сут бўлмаса сув ичиб туришарди, мол эса топиладиган нарса. Ногирон она кўлида қолган болаларини ҳоли не кечади энди?..."

Нусратнинг томоғига нимадир тиқилгандай бўлди, беихтиёр кўзига ёш қалқди.

Терговчи шу аснода Нусратнинг аҳволига жиндай ачиниш туйди, бироқ йигитга ён босишга, шафқат қилишга тарикча ҳаққи йўқ, касб масъулиятли тақозо ҳам этмасди бунди. Муҳими, "ишнинг" тез ва исботли поён топиши, унвон ва мансаб.

— Хўп, яхши... — сўроққа яқун ясади терговчи. — Бугунча шу етади... — Сўнг ручкани Нусратга тутқазиб қозоғга кўл қўйдирди ва ён томонидаги кўнғироқ тугмасини босди. Нусрат соқчи кузатувида яна қоронғи хонага йўл олди...

Худди шу тергов жараёни нақд бир ҳафтага чўзилди. Ниҳоят, терговчи диққинафас бўлганидан бармоқларини қарс-қарслатиб эшикни қия очди-да, теваракка аланглаб қичқирди:

— Лейтенант Тўра Ҳайдаров борми шу ўртада?...

Бу исми-шарифни эшитган Нусратнинг бошидан бир челақ сув қуйилгандек эти жунжикиб, ранги дув ўчди. Гўё яширинмоқчи бўлгандай терс ўгирилиб олди.

— Тўғри тур! — таҳдидли буюрди соқчи мир-

шаб.

Нусрат итоат этишга мажбур бўлди.

— Рухсат этинг, капитан... — хонага новчадан келган озгингина, қорамангиз юзли миршаб кирди.

— Бу тасқарани шолвори тушиб қолар даражада бир-ир ишлатинг-чи, зора чиққан эси жойига қайтиб кирса...

Лейтенант бу гапларни чала эшитди, у қаршисидаги маҳбусга ажабтовур анграйиб қолганди. Нусрат эса бошини эгган кўйи кўзини ердан узмас, миясида фақат бир ўй уймалашарди: "Эй, Худойим, бу не шармандалик!... Дўстимнинг олдида нима деган одам бўлдим, ахир!... Ҳозир у "салом" дейди, сўнг кўришиш учун кўл чўзади. Мен-чи?... Кишанли кўлларимни қандай узатаман унга, қандай..."

Лейтенант дўстидан аҳвол сўраш нари турсин, ақалли "салом" ишоратида бош қимирлаштишга журъат этолмади.

— Олдимга туш! — буюрди лейтенант.

Нусрат сўзсиз итоат этди. Маҳбусни орт эшигининг ўртасида бир парча дарчаси сим тўрланган катакхона янглиғ усти ёпиқ қора машинага ўтказишди. Лейтенант Нусратнинг ёнига ўтириб эшикни ёпгач, машина гулдираб олиб кетди.

"Хайрият-е!... — енгил нафас олиб "уф"лади Нусрат — Ҳар тугул ёнида дардини тўкиб соладиган, ёрдамига умид қилса бўладиган дўсти ўтирибди..."

Лейтенант Нусратнинг қабатида ўзини ноқулай сезиб борар, ҳали замон хаёлидан кечган фикр миясини тарк этмасди. У Нусратнинг маҳбусхонага тушганини ўша кунийёқ эшитганди. Ҳамма одамлар қатори у ҳам "Оббо, аҳмоғ-ей..." деган хулоса билан кифояланди. Шундай бўлса-да у ҳозир ҳол сўраган бўлди:

— Қалай, яхши дам оляпсанми, Нусратилло...

"Киноя қияпти, — ўйлади Нусрат. — Йўқ, юраги ачишганидан, дўстини ўзгалар олдида шу аҳволда кўриб уялганидан, писанда қияпти..."

Машина қаттиқ силкинди, иккиси ҳам баравар чайқалиб елкалари тўқнашди, кейин нари-бери сурилишиб аввалги ҳолатда жойлашиб ўтиришди.

— Тўрабек, менга нима иш қилдирмоқчисизлар? — деб сўради Нусрат.

— Борганда кўрасан, — қисқа жавоб қилди лейтенант.

— Ҳа. Билмабман, кечирасан, бир сўрагим келувди-да, — бидирлади Нусрат хижолатомуз.

Бу гап лейтенантга жиндай таъсир қилди чоғи, бироз юмшаб жавоб қилди:

— Қабристонда ободонлаштириш ҳафталиги ўтказилапти. Бизнинг бўлинмага ҳам ер ажратилган. Ўша жойнинг тикан, бутасини чопасан, чуқурларини текислайсан.

— У ерда бошқа ташкилот одамлари ҳам ишлашадими ҳали?

— Сен нима деб ўйловдинг, тумандаги барча хўжликлардан одамлар келишади.

Нусратга тиг санчилгандек қалқиб тушди, юраги нотинч тепсиниб, "Тамом..." дея ўйланди. Одамларнинг кўз ўнгида кишанли кўл билан сазойи бўлгандан ўлгани яхши эмасми? Ундан кўра ўзгалар назари тушмайдиган қоронғи зиндонда ўн йил ётгани афзал эмасми?... Эртага ҳибсдан қутилганида ҳам одамлар юзига қай кўз билан қарайди?... Бу қора





доғ болаларининг елкасига ҳам бир умрга тамға бўлиб босилмайдими?... Нима бўлганда ҳам шармандаликдан қутилишнинг чорасини топиш керак! Керак...”

Бир пайт машина тўхтаб ҳайдовчи пастга тушди.

— Тўрабек ака, у томонга машинани киргизиш мумкинмас. Бўлинмага ажратилган ер қабристоннинг нариги чеккасида. Мозор оралаб яёв кесиб ўтишларингизга тўғри келади, — деди ҳайдовчи миришаб узрли оҳангда.

— Яхши, — бош силкиди лейтенант, сўнг маҳбусга ўгирилди. — Қани, олдимга туш!...

Маҳбус олдинда, лейтенант ортда мозорлар оралаб одимлаб кетишди. Қабристон кенг майдонли, нариги чеккасигача бир чақиримча йўл босиш лозим эди. Беш дқиқа чамаси йўл босишгач, Нусрат тўхтаб ортига қайрилди:

— Тўра, илтимос, ҳеч курса кишанни ечиб қўй?... Занглаб чиригур, қўлимни қийиб кетди...

Лейтенант ҳийла ўйлади, ҳозир бўлмаса кейинроқ барибир кишанни ечиш лозим эканлигини уқиб чўнтагини ковлади. Кишанни еча туриб қатъий уқдирди:

— Тагин, ҳазил тариқасида ҳам қочишни хаёлинга келтира кўрма. Ўзинга жабр бўлади.

— Қочсам-чи?...

— Сўзсиз отиб ташлайман.

— Наганингни ўқи борми ўзи?

— Ҳар қалай, сенга етиб ортади...

Нусрат қўлини уқалаб теваракка обдон разм солди. Юришда давом этишди. Бир пайт Нусрат нимадандир сескангандек, тўсат ёнга тисарилди ва “Анавини қара?...” деди Тўрабекка. Лейтенант Нусрат ишора қилган томонга боқди-ю, ҳеч вақони англаёлмаи пича анграиб қолди. Сўнг маҳбусга томон юзланди, бироқ анча кечикканди.

Нусрат анча нарида шовурсиз, кунботар тарафга қочиб борарди.

— Тўхта!... — кичқирди лейтенант. — Тўхта, деяпман сенга?!...

Нусрат буйруққа итоат этмас, ҳатто гапни эшитишни ҳам истамасди. Лейтенант наган гилофига қўл чўзди, кейин негадир қўлини қайтиб олди, кепкасини қаттиқ бостирди-да, маҳбуснинг изидан кува кетди. У жон-жаҳди билан югурар, оралик масофа эса қисқарай демасди. Бир пайт лейтенант олдинга қаради-ю, худди деворга урилгандек силкиниб тўхтади. Атроф жим-жит, узокда ишлаётган одамлар қораси кўринар, Нусрат аллақайга буткул ғойиб бўлганди. “Тамом... — унсиз ингради лейтенант, — иш расво бўлди...” Лоқайдлиги келтиргувчи мудҳиш оқибатни ҳис қилган, бутун вужуди ваҳима исканжасига тушган лейтенант талваса домида мадорсизланиб ерга беҳол ўтириб қолди. «Ифлосни отишинг, ҳеч бўлмаганда оёғидан отишинг керак эди...» — лейтенант ич-ичдан ўзини аёвсиз койирди. Шу кўйи қан-

ча вақт ўтирганини сезмади, аллапайт қулоғига товуш чалингандай бўлди. Илкис ўрнидан турди, диққатини жамлаб атрофга қулоқ тутди. Товуш бу гал заиф бўлса-да, тиникроқ эшитилди:

— Тўра... Хў... Тўрабек... — овоз Нусратники эди. Лейтенант қаддини ростлаб кичқирди:

— Нусрат... Қаердасан, Нусрат?..

— Бу ёқда, бу ёқдаман...

Лейтенант олдинга талпинди, панжарали қабр рўпарасига етганда сергакланиб тўхтади.

— Тўра, мен бу ёқдаман... — ён тарафдан овоз келди. Лейтенант ўша томонга чўчиброқ яқинлашди, қор-ёмғир таъсиридан очилиб қолган эски қабр тепасига етганда юраги дуқиллаб кетди. Нусрат чуқур қабр ичидан чиқишга уриниб типирчилар, бироқ ҳеч ҳам уддалай олмаётганди.

— Қўлингни бер, дўстим? — нажотли боқди Нусрат

Лейтенант қўлини узатмоқчи бўлди, лекин тўсатдан тек қотди: “Балки ҳийла ишлатиб қабрга тортиб олмоқчидир?..” У шу ўйда ёндош қабр бошига қўйилган йўғон тол новдасини олиб маҳбусга узатди. Нусрат бир амаллаб юқорига чиққач, қабр тепасига ўтириб дийдирай бошлади. У нимадир демоқчи, гапирмоқчи бўларди-ю, сира тили айланмас, ранги бўздек оқариб кетганди. Бироздан кейин сал ўзига келди.

— Қочишнинг оқибати ана шунақа бўлади — деди лейтенант иддоали. — Қани, қўлингни олдинга чўз!...

Нусрат кишан солишга шай турган дўстига ўйчан термулиб бошини чайқади. Сўнгра қатъият билан деди:

— Кўрқма, энди қочмайман, ўзинг унаганингда ҳам, энди сира қочмайман...

— Сафсатани қўй, қўлингни чўз, дегандан кейин чўз-да, Қани бўл! — ғазабланиди лейтенант.

— Рост айтяпман, дўстим — босиқ сўзлади Нусрат. — Биласанми, мен ҳозир, шу соатда нимани англаб етганимни... Боя, қабрга қулаб тушганимда чиқишга талпинарканман, сираям қутилмаган, ҳатто қаригунимча фаҳмлашим амримаҳол бўлган нарсани тушуниб етдим. Мен қочиб қамокдан қутилишим, жазодан четда қолишим, қочиб ўзга ўлкаларда фароғатда яшашим ҳам мумкинлигини, аммо бир нарсадан зинҳор базинҳор қочиб қутулолмаслигимни англаб етдим. Ўша лаҳзадаёқ қочиш ҳақидаги ўй вужудимни тарк этди. Ўша нарсанинг нима эканлигини ҳеч ўйлаб кўрганмисан, Тўра...

— Кўп алжима, нима дедим, қўлингни чўз дегандан кейин чўз-да! — ғазабнок ўшқирди лейтенант.

Нусрат рост гапираётганди, у дўсти “қоч” деб ялинганида ҳам энди асло қочмасди. Фақат, у тушуниб етган нарсани дўсти ҳам англашини истаётганди, холос. Нусрат қўлини чўзишга шайланаркан, ичдан кўпчиган ўкинч тўлқинини жиловлашга уринганча зўриқиб ютинди.



Гули ЗЕБО



# КЎЗ ЁШИНГ ЕРГА ЭМАС,

## Аршга оқиб кетгайдир

Гули Зебонинг шеърларини ўқиб, кўзим ёшланди, қалбим нурланди. Булар покиза илтижолар, дуолар, розлар экан. Аммо инсонга эмас, инсон икки жаҳонда муҳтож бўладиган Ҳақ таолога айтилган розлар. Садоқат, поклик, тавҳид, зикр, тасбиҳ розлари. Тўртликлари эса ҳикматга мойил. Туйғуларнинг тозаллиги санъатдаги нуқсонларни яшириб туради.

Ушбу хитобда ҳол бор:

*Кўзингни саждага яшириб йиғла...*

Шамолга хитоб:

*Юпатмоққа келдингми, ай, шамол - синглим...*

Олий зотга мурожаат:

*Ўзиндан Ўзингга йиғлаб борурман...*

Шубҳасиз, ижодда муаллифнинг ботин оламин, ҳоли, ахлоқи, тафаккури намоён бўлади. Мени кўвонтирган нарса шуки, Гули Зебонинг шеърлари тамаъдан холи. Дунё талабидан, манфаат истайдиган, моддий ва маънавий тамаъдан холи. Тамаъ нима? Тамаъ - мосуводан бир нарса умид қилмоқ. Ўзингизга ўхшаган инсонлардан нимани умид қиласиз?..

*Дил насихат истар, оят сўзлагил,*

*Ҳақиқатни фақат Ҳақдан излагил...*

Шеърнинг илдизи қалбда, шохлари руҳиятда, мевалари одамлар кўлидадир. Шундай ёзсангки, қороз қорозлигидан пушаймон бўлмаса, сиёҳ сиёҳлигидан ор қилмаса. Ўрмонлар китобга айланганидан рози бўлса. Дарахтлар тасбиҳи саҳифаларда давом этса. Ўқиганнинг қалби нурланса... Бу бир истак. Мен муболага қилган бўлсам, вақт муболага қилмайди, мен янглишган бўлсам, замон ислоҳ этади... Қалб нурининг, ишқи илоҳийнинг ўз шартлари бор. Шоира ёзганидек:

*Сажда ҳўл бўлмаса, дилинг нур бўлмас,*

*Дилда ишқ бўлмаса, Ҳаққа йўл бўлмас.*

*Ҳасад тиканларин дилдан юлмасанг,*

*Қабринг тупроғида битта гул бўлмас...*

Нурли, покиза туйғуларни ижодда умрбод сақлаб қолиш ижодкорнинг улкан давлатидир. Гули Зебога ана шу давлатни тилайман...

Мирза **КЕНЖАБЕК**

2002. май.

Изингга юзимни қўйиб, йиғласам,  
Додламай, оҳиста, тўйиб йиғласам.  
Яна сени дилдан сўйиб йиғласам,  
Унутган муҳаббат, унитилган ишқ.  
Эслаб йиғламоққа битта сўз қани?  
Ёлғондан ёшланган қаро кўз қани?  
Дилдан кетар чоғи сукунат эди,  
Қиблага юзланган нури юз қани?  
Маним дилбаҳорим кузга айланди,  
Меҳр булоқлари музга айланди,  
Юрагим сўзлари сирга айланди,  
Унутган муҳаббат, унитилган ишқ.

\*\*\*

Минг йиғласам ҳам кўзимнинг ёши,  
азал битикларни ўчирилмагай.  
Ҳақнинг ҳам ҳукмига ризолик этгум,  
илло, исён этсам, кечирилмагай.

\*\*\*

Минг йил ёмғирларда ювиб тилимни,  
Минг бир сифатингни куйлаб ўтгайман.  
Гуноҳкор бошимни беркита олмай,  
Яна даргоҳингга йиғлаб кетгайман.

\*\*\*

Кўнглимдаги исён доғини,  
Тавба суви ювгай, илоҳи.  
Дунёларга узанмас қўлим,  
Тасбеҳларни севгай илоҳи.



\*\*\*  
Аё, сан, куйингда йиғлатдинг мени,  
Кўз ёшим тўкилур, замин титрагай.  
Жамолинг кўрмасдан қуримас ёшим,  
Оҳларим ўрлаган осмон титрагай.

\*\*\*

Дунёнгга сизмадим, кетурман,  
Сизғиниб, соғиниб, етурман.  
Сирли бу очунга сир бўлиб,  
Зикрингда жимгина ўтурман.

\*\*\*

Кўзимнинг айвонида ёш айланар, гир-гир,  
Кўз етмас юксакликда бош айланар, зир-зир.  
Ғанимим ҳовучида тош айланар, бир-бир,  
Қўлларимдан ушлаб бор, меҳрибоним, Аллоҳим.  
Тоғларингда адашган садойингман, садо бер,  
Тўрхалтаси ярашган гадойингман, нидо бер,  
Ҳақ йўлини излаган адоийингман, имо бер,  
Даргоҳингга бошлаб бор, хабардорим, огоҳим,  
Барглари ташлаб кетган дарахтлар мунғаяди,  
Нимжон чинор ниҳоли сабрдан улғаяди.  
Ям-яшил кўнглим боғи сабрдан сарғаяди,  
Кел, кўнглимни хушлаб бер, суянганим, паноҳим.

\*\*\*

Дуога очилган қўл,  
Осмонларга етгайдур,



Астойдил сўрай олсанг,  
 Ҳақ ижобат этгайдур.  
 Пешонангни кўйолсанг,  
 Замин суйиб ўпгайдур.  
 Кўз ёшинг ерга эмас,  
 Аршга оқиб кетгайдур.  
 Гуноҳлардан қочолсанг  
 Сени олиб қочар Ҳақ.  
 Тилагингга самода,  
 Кенг эшигин очар Ҳақ.  
 Ўзига ёлворганни,  
 Суйиб тинглар Худо бор.  
 Кўнглингдагин эшитгай  
 Унда не хуш садо бор?!  
 Дуога очилган кўл,  
 Осмонларга етгайдур.  
 Айтойидил сўрай олсанг  
 Ҳақ ижобат этгайдур...

### ДИЛИНУР

Кўнгил қулоғида япроқни ёпсам,  
 Майин шивирига кўчса Исмингиз.  
 Юлқиниб қоялар пойига чопсам,  
 Кўз ёшга кўшилиб оқса Ишқингиз.  
 Юрак ёнмасинму, Дилинур?!  
 Жунун саҳросида қақраса кўнглим,  
 Оби-кавсарлари қондирилмаса.  
 Ишқда куйган дилинги титраса қули,  
 Етмиш дўзахлари ёндирилмаса.  
 Дийдор кўрмасинму, Дилинур?!

\*\*\*

Дил насиҳат истар, оят сўзлагил,  
 Ҳақиқатни фақат Ҳақдан излагил.  
 Эшитгим келмайди, сўзга лаб очма.  
 Менга сўзлар бўлсанг, ундан сўзлагил.

\*\*\*

Сажда ҳўл бўлмаса, дилинги нур бўлмас,  
 Дилда ишқ бўлмаса, Ҳаққа йўл бўлмас,  
 Ҳасад тиканларин дилдан термасанг,  
 Қабринг тупроғида битта гул бўлмас.

\*\*\*

Фофил даврасида сукунат этгил,  
 Илож этсанг бундан тез туриб кетгил.  
 Гийбат юрагингни қаро қилгайдур  
 Япроқ давватига жим қулоқ тутгил.

\*\*\*


Ҳаргиз риё этсанг, ибодат этма,  
 Кўнглинги жўр бўлмаса қироат этма.  
 Дунё деб бир томчи ёш тўкар бўлсанг  
 Василя давросида йиглаб қон ютма.

\*\*\*

Кўзингни саждага яшириб йигла,  
 Фақат ул ёр хабар топсин.  
 Пойига тиз чўкгил, бош уриб йигла,  
 Токи кўнгил самар топсин.

\*\*\*

Кўзда ёшинг билан боқма дунёга,  
 Раббига йиғласанг қалбингда йигла.  
 Ул меҳрибон зотдур, артар ёшингни  
 Ишқида сархуш бўл, багрингни тиегла.



\*\*\*

Дардингни табибдан ўзга билмасин,  
 Кўзларингга айтгил, кўзёш қилмасин.  
 Ҳақнинг назарида азизлик топгил  
 Майли, бандалари кўзга илмасин.

\*\*\*

Азобидан аввал сабр беради  
 Кўзинг юмар бўлсанг қабр беради.  
 Дийдор умидвори дунё истама,  
 Дунё кўзларингга кибр беради.

\*\*\*

Кўнглимга ҳақ йўлидан адашма, деб ялиндим,  
 Кўзларимга рўёдан қамашма, деб ялиндим.  
 Нафси ҳавога қарши уруш очган ўзимман,  
 Рухимга нафсим билан ярашма, деб ялиндим.

\*\*\*

Атиргулга аритгил ёшли кўзингни,  
 Шундоғам дунёнинг юраги торди.  
 Сўнгги нафасингга асра сирингни,  
 Ҳаққа етгунича кўнгил бемордир.

\*\*\*

Умидворлик сари узанган кўнглим,  
 Юпатмоққа келдингми, ай, шамол синглим.  
 Ҳолимдан хабар ол, деб ёлвормоқдаман,  
 Шундай ташлаб қўймас меҳрибон тангрим.

\*\*\*

Куз чоғи бу - барги хазон бўлади,  
 Қачон кўнглим узра азон бўлади.  
 Номард эшигида юзим сарғайтма,  
 Қайта яшилланмоқ гумон бўлади.

\*\*\*

Ишқ аҳлига вафо-ю, аҳд, деган яхши,  
 Василян умидворлик - бахт, деган яхши.  
 Мингта шеър ёзгандан севги ҳақида,  
 Кўнгилдан бир бора ҳақ деган яхши.

\*\*\*

Ёдингдан айро ўтган лаҳзалар  
 Кўнглим узра соя ташлаб кетадур.  
 Исминг айтаётган мовий сукунат,  
 Дилга оромларни бошлаб ўтадур.  
 Қел-ей, Дилоромим, ёдинг ёдимда,  
 Ўзиндан ўзингни тилаб борурман,  
 Зикрхонадур бу, ёдингни тинглаб  
 Ўзимдан ўзингга йиглаб борурман.  
 Сўзим ёлғон бўлса, ростга айлангир  
 Зикрингда турган ул қоялар гувоҳ.  
 Кўнглим ишқ ўтида ял-ял ёнмоқда.  
 Дилда тоғдан оғир нолалар гувоҳ.  
 Ишқнинг қилқўприклари тагида мангу  
 Ҳижрон дўзахлари лов-лов ёнгайдур.  
 Энг оғир гуноҳдир Ҳақни севмаслик  
 Дилим ул гуноҳдан тамоm тонгайдур.

\*\*\*

Сенинг ёдинг билан ёришар кўнглим,  
 Ул нур қаршисида шамсу-қамар на.  
 Нолойқман, вале гар лойиқ кўрсанг,  
 Василян айёмидан ўзга самар на.  
 Ки, гулзор сайрин ҳам истамас кўнгил,  
 Исминг ифоридан масту-сархушман.  
 Ахир дунё зорми менга, кетурман,  
 Ҳижрон уйқусида кўрилган тушман.



Исмоил ШОМУРОДОВ

# ИШККИ ИЗКУВАР

## Қисса\*

Менинг эътирозим уларни бироз ўйлантириб қўйди. Энди улар менга, катта сирларини билганлигим сабабли, унчалар ҳам паст назар билан қарамаётгандилар.

- Йўқ, - деди Пўстак ўйланиб, — у бироз жиддийроқ иш қилишга қодир одамга ўхшамайди.

Мен унга бу гапи билан ўзининг ҳаракатига қарши бораётганини эслатиб қўймоқчи бўлдимку, бироқ тезда фикримдан қайтдим. Агар адашмасам ва хотирам панд бермаса, армиянинг ҳарбий интизом низомида “ўзингдан каттага ақл ўргатма”, деган жойи мавжуд эди. Балки бошқачароқ бўлиши ҳам мумкин, кейинги пайтларда хотирам бироз сусайганлиги сабабли сал-пал адашиб кетадиган одат чиқардим. Ҳарбий низомда нима дейилган бўлишидан қатъий назар, оператив вакил қанча кўп гапирса шунча хизматга яроқсиз ҳисобланади. Чунки уларнинг элакка чиққан аёлдан фарқларидан бири ҳам шунда.

Сухбатнинг йўналишини ўзимга ўнғайроқ, кўпроқ ахборот олиш мумкин бўлган томонга буришга ҳаракат қилиб, бунинг учун гапни нимадан бошлаш лозимлигини ўйлаб турганимда Зиёд аканинг дўриллаган овози мудроқ йўлакка жон киритиб юборди:

- Олим, ҳов Олим! Қай гўрга даф бўлди бу ярамас?

Бироз индамай турсам Устознинг мен тўғримда яна қанақа хаёлда эканлигини билиб олардимку, бироқ бу фикр бир пайтнинг ўзида омма эътиборига ҳам етиб бораётганлиги сабабли қўшни хонадан югуриб чиқдим:

-Нима бўлди? Ария айтишга чоғланаётган опера артистидай бақирасиз?

-Индамаса бирпастанда жуфтакни ростлаб қоласан, а? Сенга шу – хонама-хона лаққиллашиб юриш бўлса. Иш деганлари эсинга ҳам келмайди. Шўрим қуриб ҳамма ишга бир ўзим қарашим керак.

Ичкарига афтимни норози оҳангда буриштириб, очиқ турган эшикни бир тепиб, жажлимни кўрсатиб кирмоқчи бўлгандим, режам амалга ошмай қолди. Биринчидан, Устознинг бақирганидан Замира опа кетиб қолган бўлса керак, деган ўйда эдим, адашибман. Иккинчидан, очиқ эшикни тепиш учун ичкарига кириш керак эканки, қайрилиб тепиш жажлни эмас, аҳмоқчиликни англатишини жуда яхши англаб, аҳдимдан қайтдим. Замира опанинг ғамгин юзига қараганим ҳаманоқ буришган афтимга бирдан қизиллик югуртирдим. Буни қай тарзда амалга ошираман, билолмадим-ку, бироқ ҳар ҳолда аёл кишининг олдида башарани бужмайтириб туриш ақлли кишининг иши эмас.

Замира опа ғамгин кўзларини бир нуқтага тикканча, жим ўтирарди. Шунда мен унинг нақадар гўзал жувон

эканлигини англаб қолдим ва Устознинг аёллар бора-сида бирор нарсани фаҳмига етиши борасидаги олдин билдирган шубҳаларимни тарқатиб юбордим. Жиноятчиларни овлашни жуда дўндириб қўймасам ҳам, бу борада ниманидир фаҳмига етар экан, чамаси. Нега мен авваллари бу жувонга яхшироқ термулмаган, унинг чиройли кўзларини кўрмаган эканман? Менга, аслида ҳар доим ғамгин аёллар, қизлар ёққан. Улардан мен аллақандай куч, қувват оламан, чамаси. Умуман ёнингда бир қиз ғамгингина бўлиб турса қайси йигитга ёқмайди, дейсиз. Аммо айни пайтда фақат шу ҳолат учунгина Замира опа кўзимга яхши кўришиб кетаётгани йўқ, асло. Унинг ўзи гўзал экан.

Гўзаллик ўз йўлига, ҳаёт эса ўзининг минглаб муаммоларини яратиб, серғалва бошингга ағдарганча ўз йўлида давом этаверади. Сен эса уларни ечишга маҳкумсан... Худду шу каби фалсафий ўйлар билан Замира опадан нигоҳларимни олганча, жойимга бориб ўтирдим. Эндиги масала - масаланинг ўзи аслида нимадан иборат эканлигини билиб олиш эди.

-Хўш, қандай тўхтама келдиларингиз? – сўрадим овозимга бироз қувноқлик тусини беришга ҳаракат қилиб. Шусиз ҳолат юракни сиқиб юборадиган даражада ғамгин эди. – Албатта Замира опа, сиз таътилга қишлоққа кетишга қарор қилгансиз. Зиёд ака эса шу ерда қолсалар керак. Ахир бир арава жиноятлар очилмай турган бир шароитда таътил ҳақида ўйлаб бўлармиди. Бошлиқ учун бу жиноят қилишга тажовуздай қабул қилиниши аниқ.

-Олим, ука, эримни қишлоққа кетиш шаштидан қайтаришинг иложи йўқмикин? – илинж билан сўради жувон. Менимча айнан шу саволига Устоздан қониқарли жавоб ололмаган бўлса керак. Умуман бу инсондан биророрта ҳам саволга тайинли жавоб олиб бўлмайди. Бу кишим фақат сўрашигига биладилар. Олий мактабда фақат савол беришигига ўргатишган, ҳолис, чамаси.

-Сизга нима, кетса кетавермайдимми? – мен қўл силтадим. – Борсин, бир-икки ой қишлоқ ҳаёти билан танишинг, балки эси кириб қолар. Унгача сиз бу ерда ёлғиз ўзингиз зерикиб қолмасиз.

Билсам, Замира опа эрининг қишлоққа кетиб қолишидан эмас, ўзини ҳам бирга олиб кетаётганидан хавотирга тушган экан, ташвишнинг замирида ҳам айнан шу ҳолат ётаркан. Яна адашдим. Замира опанинг кетгиси келмаганини сабаби, бир умр шаҳарда ўсган, Мақсуд эса ўша, ўзлари кетмоқчи бўлган қишлоқдан экан. У қариндошларининг олдига кетмоқчи бўлаётганмиш. Жувоннинг қўрққани ҳам шундан – бир умр шу ёқларда қолиб кетишим мумкин, деган хавотирда экан.

Менинг ўзим ҳам қишлоқлик йигит бўлганлигим са-

\*Журнал варианты (Боши ўтган сонда)



бабли Мақсудга раҳмим келди. Менга негадир у жуда жабр кўрган инсондай туюлди. Бир кун келиб ўзим ҳам унинг аҳволига тушиб қолсам нима бўлади, - деган хавотир кўнглимда пайдо бўлди. Лекин хавотир жуда узокқа чўзилиб ўтирмади, унинг ўрнини тезда касбий қизиқиш эгаллади: агарки, бутун умрга қочиб кетмоқчи бўлаётган экан, демак ростдан ҳам қотилликка алоқаси бор.

- Замира опа, эрингиз қайга кетмоқчи ўзи? Мабодо керак бўлиб қолсангиз, сизни қайлардан қидиришимиз лозимлигини билиб қўйганимиз яхши-да.

Замира опа менга илк бор кўриб тургандай ҳаяжон била қаради:

- Эсингиз жойидами? Эрим билиб қолса теримни шилиб олади-ку. У ер сизга шаҳар эмас. Узингиз бирор марта қишлоқда бўлганмисиз? Ҳамма бир-бирини танийди.

Бу дунёда аёл киши кўнмайдиган, рози бўлмайдиган ишнинг ўзи йўқ, фақат бунинг учун сабр-қаноат ва мақсад сари қатъий интилиш лозим. Шошиб бу борада бирор натижага эришиш қийин. Шу қонундан келиб чиққан ҳолда Замира опага нисбатан вазмин ҳужумни давом эттиравердим. Ва ниҳоят у киши манзилни айтишга мажбур бўлди. Бу қўшни вилоятдаги тоғли туманлардан бирида экан.

Устоз унга тасалли бериш учун бисотидаги бор яхши гапларни қовлаб кўрди, чамаси, "ҳечқиси йўқ", "зарарсиз", "яхши бўлса яхши бўлиб кетади" деган сўз ва ибораларни айтиб ташладики, бундан Замира опага мисқолчаллик ҳам енгиллик бўлмади. У хомушлик билан хонамизни тарк этди. Ортидан термулар эканман, юрагимни ҳам босди: қотилликни очиб ўз йўлига, бироқ бу жувонга қандай қилиб ёрдам бериш мумкин?

Зиёд ака ҳам мендан кам азият чекмаётганди. Назаримда унинг кўзлари ичига тортиб кетгандай эди. Ҳатто калроқ пешонаси-ю, ундан ҳам нарироғи тиришиб бораётганди.

-Жуда раҳмим келди шу аёлга, — деди у кетиб бўлгач, орадан ўн дақиқалар ўтгандан сўнг орадаги совуқ сукунатни бузиб. — Бу шунақа, бири кам, аҳмоқона дунё экан. Ўйлаб турсанг яшагинг ҳам келмай қолади.

-Шуям муаммо бўлдию, - дедим мен ўзимнинг кўнглимдаги гапга ва Устозга қарши бориб, — минглаб аёллар қишлоқда яшаб юришибди, ўзларининг қишлоқи эрлари билан. Бу киши эса шаҳарда яшашлари шартми? Инсофдан эмас-да бу. Балки пешонасига шундай ёзилган бўлиши мумкин. Сиз билан бизнинг қўйиб-ёнишимиз бу борада ҳеч қандай натижа бермайди. Худонинг хоҳиши шу бўлса керак. Қишлоқ ҳам жуда унчалик ёмон жой эмас. Дейлик, у ерда ҳеч қачон сувни сотиб олмайсиз. Пуллик ҳожатхоналар ҳам йўқ. Биргина шу ҳолатнинг ўзиёқ баҳони қишлоқнинг фойдасига ҳал этиб юборади.

-Сен нимани билардинг, - оғир бош чайқади Устоз. У бу ҳаракати билан Замира опага кўшиб менга ҳам раҳми келаётгандай туюлди. Фақат менга қилаётган кўнгличанлигининг ифодаланиши сал бошқачароқ эди. Бечора жинни бўлиб қолибди, деганга ўхшаш раҳм эди унинг менга нисбатан ифодалаётгани. — Гап Замиранинг қишлоққа кетишида ёки бу ерда қолишида эмас, гап кўнглида, синган орзулар, топталган умидларда. Буни англаш учун шу каби ҳолатни бошдан ўтказиш керак. Сенга эса тўртта сассиқ гап бўлса бас, қолгани билан ишинг йўқ. Энг асосийси эса Замирани содир бўлган воқеаларнинг барчасида ўзини айбдор ҳисоблашди.

Бу одамга нима бўлди? Бечора ҳам ҳақиқий вазиятдан хабари йўқ-да, шунинг учун ичини еб ўтирибди. Мен аслида гапнинг мазмуни бошқа томонда эканлигини, бу ишда бизларнинг чироқ кўтариб турганчаллик аҳамиятимиз йўқлигини айтиб қўймоқчи бўлдим-ку, бироқ Устознинг яна бироз қийналишини истаб турардим. Қолаверса, унга бу ҳолатда бизнинг айбимиз камлигини билиш ёрдам берармикан? Унинг учун, менимча асосийси ушбу масалага Замира опа қай кўз билан қарашида бўлиб турибди.

\*\*\*

Замира опа эри билан шу куни кечга яқин жўнаб

кетишди. У бизга бу ҳақда кўнғироқ қилиб айтиб қўйди, бир йўла хайрлашиб ҳам олди. Биз у учун шу уч-тўрт кун ичида энг қадрдон кишиларига айлиниб қолгандик, чамаси. Биз билан ўртасидаги сирни ҳеч кимга айтолмагандан кейин, қадрдон бўлади-да. Аёл деганлари ичидагини ким биландир ўртоқлашиши керак, бўлмаса ёрилиб кетади. Шу сабабли у биздан кўнғил узолмаётганди. Унинг олдида ва унинг назарича айбимиз қанчалар кўп бўлмасин, у биздан хафа бўлмаган кўринади. Замира опадан эри уйларини сотмаганини билиб, қайтиш нияти бўлса керак, деган тўхтамаган келгандик. Нимада кетишди, хабаримиз бўлмади — икки ўртадаги Мақсудни кузатиш тўғрисидаги шартнома ўз ўзидан бузилганлиги сабабли, биз унинг орқасига тушмадик. Шу — бир марта биронинг уйига қузатиб борганимизнинг ўзиёқ етиб ортдики, буюртмачининг ўзи ҳам минг пушаймон қилди. Аммо кеч эди. Устоз иккимиз отасининг молини таллашиб, уришиб қолган ака-укалардек жимгина хонада ўтирганча Замира опанинг кетиши мотамини қилиб ўтирардик. Менинг хаёлимда қўшни хонадаги ҳамкасбларим: улар нима қилишяпти эканлар? Хоналарида йўқ. Балки Мақсудни кузатишда давом этишаётгандирлар.

- Мени ўлдириб ташласанг ҳам шу жувонни сира тушунолмадим, — деди бир пайт Зиёд ака. — Ранги сал сариқ демаса, нормалний эри бор. Бир қарасанг ўлгудай ёмон кўради, бир қарасанг... Нимага у бунчалар чоғиб юрибди унинг орқасидан? Кейин бизлардан ҳам кўнғил узолмаяпти? Наҳотки мени ёқтириб қолган бўлса? Жа унчалик хушқомат йигитга ўхшамайман, тўғрими? Мендан минг бор яхшилар шаҳарда тикилиб ётибди-ку, агар топаман, деса. У нимага бундай қилапти? Ёки эрини шунчалар яхши кўрадимики, нима қилиб бўлса ҳам унинг қанақа ишлар билан шуғулланаётганини билмоқчи бўлади?.. Кўзларига қарадингми бу аёлни? Нимагадир ёниб туради, кўнглида нимадир борлигини, лекин айтолмаётганини билдириб қўяди. Аммо шу айтолмаётган гапи нима эди?

Қоронғу тушиб қолган пайтда йўлақдан қотиллик билан шуғулланувчи икки ҳамкасбимизнинг кувноқлик билан овозларини баралла қўйиб гаплашиб келаётгани эшитилди. Дарров уларга пешвоз чиқдим: хурсандликларидан қотилни топган бўлсалар керак, деган хаёлга боргандим, аммо уларнинг олдида ҳам, кетларида ҳам ҳеч ким йўқ эди. Эҳтимол навбатчилик қисмига қамаб келишгандир.

- Қотилни топдиларингизми?

Менинг томдан тараша тушгандай берган саволим уларни ҳайрон қолдирди.

- Ким айтди сенга буни?

Сўровлари шундай оҳангда чиқдики, уларнинг қулоғига менинг саволим дарак гап бўлиб эшитилган бўлса керак деган тўхтамаг келдим.

-Ҳеч ким айтгани йўқ, — чайналдим мен. — Хурсанд келаётганларингизга сўрадим-да.

-Бизлар сенга темирданмизми, фақат жиноятчини ушласаккина севинадиган? — Чалпак — Восит ака тундлашди. — Иккаламиз бияррхонага боргандик, роса ўйнаб, мириқиб дам олдик... Лекин соққани таёқнинг орқаси билан ҳам, ёни билан ҳам уриш мумкин эмас экан, кейин, соққани қўл билан гилдиратиб юборган ҳам ҳисобга олинмаскан. Шунинг ёнингда тут. Мабодо йўлинг тушиб қолса, милисанинг номини шарманда қилиб юрма.

-Сизларнинг гумдорларингиз жуфтакни ростлаб қолибдику, — Мен энди бамайлихотир ушбу ахборотни ошкор қилиш мумкин деган тўхтамаг келгандим.

-Қайга жуфтакни ростлайди? — ҳайрон бўлди Чалпак. — Мен унга кўрсатиб қўяман. Ерга кирса қулоғидан, осмонга чиқса оёғидан тортиб оламиз. Ҳали бизнинг совунимизга кир юлмаган экан у.

Буларнинг ҳовлиқиши менинг кулгимни қистади, холос.

-Сизларнинг кирларингиз қанақалигини билмадим-ку, бироқ у хотинини олиб, шаҳардан чиқиб кетди, деган ахборотни олдим бир соат бурун... Аслида Мақсуд деганларингизнинг гумонлини даражаси қандай эди?

-Аниқ далиллар йўқ эди-ку, бироқ ўлган йигитни яхши танир экан. Билганлар шундай деганди. Бор-йўғи шу,



холос... Лекин у қайга қочиб кетади? Биз унга қотиллик тўғрисида ҳеч нарса демагандик. Ҳатто бор-йўғи тўрттагина савол бергандик, холос. Шунга қочиб кетмаса керак.

Биламан, буларнинг қандай қилиб савол беришларини,

Улар мени ўз хоналарига бошлаб кетдилар. Ниятлари кўпроқ нарсани билиб олиш. Аммо менда шундан ўзга ахборотнинг ўзи йўқ эди. Уларнинг тарвузлари қўлтигидан тушди. Ва ишона бошладиларки, қотилликни аниқ ўша Мақсуд деганлари содир этган ёки у қотилнинг айнан кимлигини жуда яхши билади. Улар тухум қўйган товукдек ўтиролмай қолдилар. Ҳазилми, шундай жиноятчини қўлдан чиқариб юбориш.

Эртаси кун эрталаб, қўшни хонадаги ҳамкасбларимиз мен кутганимчалик хонамизга ҳовлиқиб кириб келмадилар. Негадир улар бефарқдай туюлди. Аслида бундай бўлмаслиги лозим эди, чунки уларнинг ҳаёт-мамоти ечиладиган ушбу масалага бунчалар даражада эътиборсиз қарамасликлари ва бизни ҳоли-жонимизга қўймай, Мақсуд тўғрисида билганларимизнинг барчасини сураб-суриштиришлари лозим эди. Мантиқ бўйича ва тезкор ишларнинг қоидаларига кўра мана шундай. Бирок мантиқнинг барча қоидаларига тескари равишда бу ҳамкасблар худди барча ишларини Шерали бова суваб силлиқлаб ташлагандай тутишарди ўзларини, бизнинг эшигимиз ёнидан Чалпак деганлари "Кеча келгумдир дебон..." деган ашуланинг куйини ҳуштакда ижро этиб ўтиб кетди. Тўғри, бу куй унинг талқинида велосипеднинг ғилдирагига дам солаётгандай бўлиб эшитилди-ку, бироқ мен куй орасидаги паузаларга қараб (дам солинаётганда пауза узокроқ бўлади) ва нафаси чиқшининг шиддатига қараб, бунинг айнан ўша кўшиқ эканлигини англаб олдим. Мен мусиқа мактабини тамомлаганим йўқ, бироқ ўрта милиция мактабида ўқишганман ва бу кишига ҳар нарса хусусида фикр юритишга ва ягона хулосага келишга имкон ва ҳуқуқ беради, деган ўйдаман.

Уларнинг ҳаракатидан Мақсуд деганларининг қотиллика алоқаси борлигини шубҳа остига ола бошладим. Эҳтимол улар, бу ҳуштук чалишларида аллақачон жиноятчини қўлга олиб ҳам бўлишгандир.

Ичкарига кириб, оғир ўйга чўмиб қолган Зиёд акага бу икки ҳамкасбнинг ўзини тутишларини гапириб бергандим, у бефарқ қўл силтади:

- Сенга нима, ҳуштак чалишган билан ҳаво айниб қолмайди, қўявер. Асосийси ҳаво бошқа жойлардан чиқмаса бўлди. Шусиз ҳам экология бузилиб кетаётганлиги хусусида ҳар кун газеталар бонг уриб ётибди.

Уч кун шу тарзда ўтди: қўшнилари бамайлихотир келади, кетади. Устоз эса кўзлари киртайган ҳолда узок узок хаёлларга чўмади. Агар шу одамнинг хотин, бола-чақаси бўлмаганида, аниқ бировни севиб қолган бўлса керак, деган тўхтамга келган бўлардим.

Хуллас, Зиёд ака хизмат вазифасига бироз эътиборсиз бўлиб қолди. Унга нима бўлганини ўйлаб, ўйимга етолмай қолдим. Кейинги кунларда Замира опани тез-тез ўйлаб, қанақа мавзудаги гап бўлмасин унга қараб буришга ҳаракат қилаётганидан англадимки, у севиб қолган, лекин уй-рўзғор, бола-чақа, балиқдай семизгина янга нима бўлади? Ва умуман шундай семиз хотини бор, кал эркакнинг бировни севишга ҳаққи борми?

Ниҳоят тўртинчи кун нимадир қилиш лозимлигини, бўлмаса бу тарзда осмонга термулиб ўтираверишимизда, Устозга қўшилиб, ўзимнинг масалам ҳам шаҳодат комиссиясида кўрилиб чиқишга тавсия этилишини англаб қолдим. Зиёд акага эхтиросларга бой XV аср аллақачонлар ўтиб кетганлигини, буғунги кунда осмондан фойда йўқлигини тушунтириш пайида бўлдим. Натижа чиқмади. Бекорчиликдан қўшнилари хонасига чиқиб, улар нима ишлар билан шуғулланаётганликлари билан қизиқа бошладим.

Чалпак билан Пўстак бизлар муҳаббат домига илиниб, кўкрагимизни ерга бериб ётган пайтимизда, ўз ишларини давом эттиришарди экан. Менинг айёрлик билан суриштиришимдан, гувоҳларнинг сўроқларида безлик билан иштирок этишларимдан ҳам нарсани

англадимки, Мақсуд ўлган йигитнинг уйига жуда тез-тез бориб турган. Унинг машинасини кўрганлар бор экан. Бироқ ҳозирча қўшниларимиз Мақсуд билан унча қизиқмаётгандилар. Уларнинг қўлида бундан ўзга зўрроқ ва ишончлироқ далиллар бўлса керакки, ўзларини бамайлихотир тутишардилар. Мақсуд билан ишлари ҳам йўқ эди. Бу эса мени газаблантира бошлади. Уларга буни тушунтириб қўймоқчи бўлгандим, ўша йигитнинг уйига келиб-кетган одамларнинг рўйхатини кўрсатдиларки, икки ишлар бўлимнинг телефонлари китобчасидай келади. Нафасим ичимга тушиб кетди. Уларнинг мақсадларини элас-элас илғадимки, олдин имкони бор барча тусмолларни текшириб кўриш, агар улар ижобий натижа бермаса ундан кейин Мақсуднинг орқасига тушиш. Мен эса улардан фарқли ўлароқ икки бир туйғу билан Мақсуднинг шу ишга алоқадор эканлигини ҳис қилиб турардим. Бориб, Зиёд акани тезлай бошладим. Бу ишдан у икки карра манфаатдор эди: биринчидан жиноятни очишдан, иккинчидан Замира опани учратишдан. Ниҳоят иккаламиз бир тўхтамга келдик: бошлиқни тезлаб, бу икки оперни Мақсуднинг қишлоғига юборамиз. Булар уни ушлаб, бу ёққа келтиришади ва суриштирув тугагунча ҳеч қаерга кетмаслик тўғрисида тилхат олишади. Ўз-ўзидан Мақсуд Замира опани ҳам олиб келади.

Режа барча буюк нарсалар каби оддий эди. Лекин бу ўз мақсадларимиз йўлида хизмат вазифалардан фойдаланиш дегани эмас. Биз учун асосийси жиноятнинг очилиши. Агар бу ҳолат Устознинг кичик шахсий манфаатига хизмат қиладиган бўлса, нега ундан фойдаланмаслигимиз керак экан. Агар биз шу ишни қилмайдиган бўлсак, анави иккитаси бир йил давомида йўқ ердаги қотилларни қидириб юриши мумкин.

Мана шундай олий мақсадлар билан ўзимизнинг виждонларимизга таскин берган ҳолда бошлиқнинг ёнига кирдик. Аслида бизнинг бу ишимизни оддийгина қилиб, бошқаларнинг оёғидан чалиш, деб ифодалаш ҳам мумкин. Ҳаммаси масалага қандай муносабатда бўлишга ва кимнинг кўзи билан қарашга боғлиқ.

-Тўрт кундан буён нима ишлар қилиб юрибсанлар? – бошлиқнинг салом-алиқдан бурун берган бу саволи иккимизни ҳам довдиратиб қўйди. Бироқ юраги ишқ оловида ёнаётган бўлишига қарамай, Устоз тезда ўзини англаб олди ва бундай ҳолларда бўладиган каби гапни ваҳима билан бошлаб, вазиятдан осонлик билан чиқиб кетди:

-Ўртоқ бошлиқ, шу тўрт кун давомида бир ахбортнинг орқасидан қувиб юрибмиз. Аслида бизга тегишли бўлмаса ҳам, шу нарсага ойдинлик киритишга мажбур бўлдик. Олдинига хабарни Чал... кечирасиз, Воситга бермоқчи бўлдик, бироқ қарасак, уларнинг ишлари кўп экан, ўзимиз шуғулланишга мажбур бўлдик. Хуллас гап бўйнимизда осилиб турган қотиллик тўғрисида. Биз уни деярли очиб бўлдик.

-Йўғ-эй! – Бошлиқнинг ҳайратдан кўзлари ёниб, ўрнидан туриб кетди. – Хўш-хўш?


— Ўлган йигитнинг уйига бир Мақсуд деган буғалтир тез-тез бориб турар экан. У тўсатдан ғойиб бўлиб қолди. Биз ҳам бу борада ўзимизнинг суриштирувимизни олиб бораётгандик. У қочиб кетди. Натижада биз Олим иккаламиз тўрт кун деганда унинг қайга кетганлигини аниқлаш билан машғул бўлдик. Ва аниқладик ҳам. Қўшни вилоятга ўтиб яширинган экан.

-Айнан шу буғалтир деганларинг ўлдирган эканми? – бошлиқ биздан бирор тайинли иш чиқишига шубҳа билан қарай бошлади.

-Айнан шу деганимиз йўқ. Менимча... бизнингча у бу жиноят борасида жуда кўп нарсани билади. Очилишига катта ёрдам бериши мумкин. Фақат секингина, уни чўчи-тиб юбормай аниқлаб олиш керак бўлади гапнинг моҳиятини.

Бошлиқ ўйланиб қолди. Нимани ўйлапти, тушуниш қийин.

-Ким боради унинг орқасидан? – сўради у ниҳоят.  
-Воситми, унинг оперими, биттаси борар-да. Бу уларнинг ишлари бўлса. Биз ҳам жон-жон деб борган бўлардик-ку, бироқ ишимиз бошқа, бу соҳани яхши ту-



шунмаймиз.

Бошлиқ бевосита телефон гўшагини кўтариб, Воситни чақиртирди. Биз вазиятнинг бу қадар чаппа айланиб кетишини кутмагандик, ўйлагандикки, биз бошлиққа гоёни берамизу, жуфтакни ростлаймиз. Бўлаётган воқеаларни эса четдан томоша қилиб ўтираверамиз.

Восит келиб, бизни кўриб, гап нимадалигини англамаган бўлса-да, биздан ўзига қарши нимадир чиққанини англади.

Бошлиқ унга биздан олган гоёсини айтиб берганди, унинг афти тундлашди. Айниқса унга кўшни вилоятга бир гумондорнинг орқасидан бориш гоёси ёқмади. Ушбу фикрга қарши шунақа далилларни келтира бошладики, бизлар нима қиларимизни билмай, типирчилаб қолдик.

Гапига қараганда, улар аниқ қотилнинг орқасидан тушишганмиш. Аллақандай буғалтирнинг орқасидан вилоятма-вилоят судралиб юриладиган бўлса ҳақиқий қотилни қўлдан чиқариб юбориш мумкин эмиш. Фақат ҳозир унинг исмини айтолмасмиш, махфийлик таъминланмаса бўлмасмиш.

Унинг гаплари бошлиқни қаттиқроқ ўйга толдирди. Боя биз берган фикр билан Воситнинг фикри уйғунлашиб, унинг мясини айнитиб ташлаганди, чамамда. Бизлар айб иш қилиб қўйган бола каби бироз жим турдик. Қарасак бўлмайдиган. Устоз гапга аралашди:

- Нима бўлишидан қатъий назар Мақсудни тутиб келтириш керак ва судга шахардан чиқиб кетмаслик тўғрисида тилхат олиш лозим.

Бу таклиф олдинга Воситга ёқмаганди. Кейин бирдан рўйхушлик билдира бошлади. Оқибатда эса бутунлай биз томонга ён босди. Бунинг остида нима гап ётганини билмаганлигимиз сабабли шубҳалана бошладик. Бу ўз-ўзича бировга ён босадиганлар хилидан эмас. Демак биз ниманидир хато қилаёмиз.

Ниҳоят Восит ўзининг идеал фикрини билдирди: биз Устоз иккимиз кўшни вилоятга бориб, ўн-ўн беш кун Мақсуднинг орқасидан кузатишимиз лозим эмиш. Ана шунда қотиллик тўғрисида, агар у бирор нарсадан хабари бўлса, билиб олишимиз мумкин эмиш. Аммо зинҳор уни ушлаб, бу ёқларга олиб келмаслик керак эмас эмиш. У барибир билганларини бирор оғиз ҳам айтмасмиш. Хусусияти шунақамиш. Ўзлари ҳам шу ишга жон-жон деб боришлари мумкин эканку, бироқ Мақсуд уларни сўроқ қилишган пайтлариди таниб қолганмиш. Шунинг учун имкони йўқмиш. Бундан ташқари, уларнинг бу ерда ҳам ишлари бошларидан ошиб ётганмиш. Бир гумондорни аниқлаб, қўлга олиш пайида бўлиб турганмишлар. Бизнинг эса, яъни Устоз билан менинг ишимиз йўқлигидан пашша ўлдириб кун ўтказаетганмишмиз. Шу сабабли бизларни шу сафарга жўнатиб юборишса мақсадга мувофиқ бўлармиш.

Восит, унга бунақа исм ҳайф, Чалпак бошлиқнинг мясига роса "ишлов" берди. Биз эса индамай ўтиришдан ўзга чора тополмадик. У Мақсудни ўн-ўн беш кун зимдан кузатиш, ишончига кириш, тўғрироғи бизни ўша томонларга сургун қилиш тарафдори эди.

Ўша куни бошлиқнинг олдида иккала томон ҳам ҳеч қандай натижага эришмай, индамай, масаланинг ечимисиз чиқиб кетдик. Бошлиқ бир тўхтамага келмаганди. Унинг ақли, Салим калтанинг эски компютериға ўхшаб, бирданига бунча ахборотларга ишлов бериш қувватига эга эмасди. Қотиб қоларди.

Ҳаммаси эртаси куни эрталаб ҳал бўлди. Чалпак биздан кейин ҳам тўрт-беш марта кириб, ўз фикрини бошлиқнинг онгига роса қуйиб қўйганга ўхшайди.

Эрталаб бошлиқ иккалаимизни ҳузурга чақирганча, кўзлари билан "ўтиринлар" ишорасини қилди. Бироқ бизлар буйруқнинг бунақа турини бажариб ўрганмаганмиш, низомда ҳам бу ҳақда ҳеч нарса дейилмаган. Шу сабабли анқовсираб, серрайиб туравердик.

-Ниҳоят мен бир тўхтамага келдим, — деди у қатъий қилиб. — Сизларни кўшни вилоятга юбораман. Адрес ўзларингда, тўғрими? Унинг қайда эканлигини яхши биласанлар. Билмасанлар, топиб оларсанлар. Ёш бола эмасанлар... Хуллас ўн кун, балки ундан кўпроқ вақт мобайнида бўлса ҳам, Мақсуд деганларини орқасидан

кузатиш керак. Унинг ишончига кириб, ичидаги бор гапларни билиб олиш лозим. Зинҳор-ба зинҳор ўзларинг-ни билдириб қўйманлар.

-Балки Воситни юборармиз, — чайналди Устоз. — Ҳар ҳолда бу ўшаларнинг иши.

-Уларнинг бу ерда ҳам ишлари кўп... Тадбирга кетаётганларинг-ни ҳеч ким билмасин, ҳатто шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосарим ҳам. Ўзларинг биласанлар, улар бунақа гапларни мажлисда айтиб юборди. Шунинг учун ҳам ҳозир бориб иккаланлар меҳнат таътилига билдирги ёзасанлар. Мен қўл қўйиб бераман. Гувоҳномаларинг-ни ҳам менга топшириб кетасанлар. Бўлмаса, ўзларинг-ни кўрсатиларинг келиб қолади.

-Бу ёғи қандай бўлади, — чайналди Устоз. У бошига тушган бу ҳолатга кўника олмаётганди. — Ҳам ишлаб, ҳам таътилга чиқамизми?

-Хавотир олмасанларчи. — Бошлиқ бизни тинчлаттирди. — Фақат қоғозда бўлади бу ишлар, келганларинг-дан сўнг билдиргани йиртиб ташлайман.

-Роса ишончлироқ чиқиши учун бўлмаса моддий ёрдамга ҳам билдирги ёзақолайлик. — Устознинг соддалиги бор-да, бир қарашда сезилмайди.

Бошлиқ ҳам бўш келадиганлар хилидан эмас: - Сенларга бир яла десанг, чўмич билан тиқиб оласанлар... Шунга ҳам раҳмат десаларинг-чи. Моддий ёрдамга бало борми? Ҳали тўрт кундан кейин яна келасанлар, пул қолмади, этим оғрияпти, бетим оғрияпти, даволатишимга пул беринг деб.

Аслида Зиёд акага шу керак эди. Айвонга чиққани учун бекадан калтак еган кучукдек пусиб, бошлиққа бирикки зимдан ёвқараш қилди. Индамади. Индаганда нима ҳам дерди? Мен эса бошлиқнинг гапни шу даражада бураб ташлаш қобилиятига яна бир бор қойил қолдим. Ахир у ҳозиргина бизга таътилни шунчаки, расмийлик ва одамларнинг кўзини шамғалат қилиш учун бермоқчи бўлаётганини айтганди-ку, бирпасда ушбу ҳолатни биз учун қилган энг катта яхшилигидай миннат қилмоқда. Шу нарсани билиб туриб, бир оғиз ҳам гапиролмаслигимиз кишига алам қилади.

Меҳнат таътилига билдирги ёзиб бошлиққа олиб кирдик.

Бизни Чалпак роса болаганди. Зиёд аканинг асаблари ўйнаб, ўзини кўярга жой топмай ўтирган бўлишига қарамай, тишларини ғижирлатишдан ўзга чора тополмаётганди. Нима ҳам дердик, азалдан билишади: бировга чоҳ қазиган ўзи йиқилади. Бундан ташқари яна бир мақол мавжуд: бировнинг соясида жаннатга кириб бўлмайди. Дўлана сенга керак бўлса, тоққа ҳам сен чиқ-да. Шу гапни Устозга айтмоқчи бўлгандим-ку, бироқ унинг важоҳатидан қўрқдим. Бир балони бошлаб қолиши мумкин. У бола-чақасининг ҳоли нима кечишини ўйлаш билан бир қаторда, унча-мунча ўз уйдан узоққа кетмаган одам эмасми, шунча вақтда бу ёғи нима бўлишидан чўчиётганди. Бунинг устига бир ит ҳам танимайдиган юртларда, аллақандай мавҳум топшириқларни бажариш, шулар ҳам етмагандай, аллакимларнинг номидан иш кўриш кимга ҳам ёқарди дейсиз.

Яхшиямки Устоз ҳали қишлоқдаги реал вазиятдан хабардор эмас. Бўлмаса юраги ёрилиб кетган бўларди. Унинг назарида қишлоқда ҳам шахарда бўлгани каби биров-бировни танимайди, жиноятчининг кетидан, парку хиёбонларга бориб, хоҳлаганча кузатиб юравериш мумкин. Вазият бунақа эмаслигидан яхши хабардор бўлганимга қарамай, индамадим. Олдиндан кўрkitиб қўйганим билан фойдаси йўқ. Топшириқ барибир бажарилиши лозим.

-У ерга қанақа афсона билан борамиз, — деди Устоз ҳар доим гувоҳнома солиб юриладиган, бўшаб қолган кўкрак чўнтагини ихтиёрсиз пайпаслар экан. — Телевизор тузаткичлар бўлаимизми, газчилар?

-Шаҳар шаҳарда қолади, — дедим фалсафийона қилиб, — қишлоққа фақат ўзимиз кетамиз. У ерда эса сиз айтган касб эгалари жуда кам ва улардан аниқ ишлар талаб қилишади. Сиз эса умрингизда, ҳатто лампочка ҳам алмаштирмагансиз, афтингиз ҳам телеусталарникига ўхшамайди. Сочнинг тўкилганини эътиборга



оладиган бўлсак, зиёли кўринасиз. Терингизнинг пахтадай оқариб кетгани ҳам шундан далолат беради. Телеусталарнинг барчаси эса ёки ароқхўр бўлади, ёки ҳеч вақони тушунмайдиган ёлғончи. Айнан мана шу сабаб туфайли газчиликка ҳам ярамайсиз. Бу биринчидан. Иккинчидан эса, биз борадиган томонларга ҳали тараққиётнинг бу турлари тўлиқ етиб боргани ҳам йўқ. У ёқларга фақат мардикорларгина боришлари мумкин. Фақат шуларгина гумондан холи. Аммо улар ҳам Тошкентнинг Қўйлик бозоридагидан фарқи ўлароқ фақат пахсакашларгина бўлади. Тош терувчи ва ҳожатхона қовлагичлар у томонларда кетмайди. Чунки биринчидан, у ёқлар тоғ бўлганлиги сабабли бу усталар ўзларида ҳам кўп, иккинчидан эса қайта қуриш даврида ёгуликнинг қамайиб кетиш оқибатида ҳожатхоналарнинг барчаси бўшаб ётибди.

Ушбу гапимнинг ўзиёқ Устозни чўчиштиб юборди. Эътироз билдирмоқчи бўлганди, дарров оғзига "урдим":

- Гапирманг! Қишлоқда ўсганман. У ерда кимлар бўлишини, кимлар бўлмаслигини жуда яхши биламан. Бундан кейин менга бўйсунингиз лозим бўлади. Акс ҳолда иккимизнинг ҳам теримизни шилиб, сомон тикиб, тулум қилиб юборишлари мумкин... Дарвоқе, тулумнинг нималигини биласизми ўзи?

Аксига олгандай Устоз бунинг ҳам нима эканлигини тушунмас экан. Яна ярим соат маъруза ўқишга тўғри келди.

\*\*\*

Раззоқ бованинг бошга тушганни кўз кўради, деган гапи ҳақиқатан ҳам тўғри бўлиб чиқди. Бошлиқнинг топшириғига биноан эртаси кунёқ кўшни вилоятнинг тоғли туманига қараб йўлга тушдик. Аммо бу ўзидан-ўзи бўлгани йўқ. Зиёд ака авваламбор кўшни вилоятнинг картасини топиб, биз боришимиз лозим бўлган қишлоқни кўриб, хаёли бошидан учганча, шундай бир пучмоқда туғилгани учун Мақсудни бир эслаб ўтди. Бироқ Замира опа хусусида бир оғиз ҳам гапирмади. У ташвишга тушиб қолганди. Ҳа, қишлоқда яшаш жиноятчини тутиш эмас.

Биз борадиган томонларга қандай транспортда юриши мумкинлигини яхши билмасдик, сўрайдиган одам ҳам йўқ. Шу сабабли эрталаб вокзалга бориб, почта-юк поездига ўтиришни режалаштирдик. Телефон орқали ярим кун давомида кўнгирак қилиб, фақат вокзалнинг маълумотномалар бўлимадангина ўша томонларга юрадиган поезд борлигини эшитдик. Бошқа бирор жойда кўшни вилоятга нимадир қатнашини айтишолмади: у ёқда ҳали аэропорт қурилмаган экан, автобус йўналишини эса кимдир хусусийлаштириб олганмиш. Шунинг учун автобуслар қаердан ва қачон жўнаши тўғрисида ҳеч қаерда маълумот йўқ экан. Буни эшитиб Устознинг бир газаби ўн бўлди: "Бу ярамаслар кўчани ҳам сотиб олиб қўйибди", деб. Мен унга йўналиш дегани ҳали кўча дегани эмаслигини тушунтиролмадим. У буни англайдиган ҳолатда ҳам эмасди. Хуллас поезд билан кетдик. Йўлда роса тарсон бўлди. Замондан орқада қолган биз иккимиз ҳужжатимиз йўқлиги сабабли поездга чиптани қўлдан, бир ярим баробарига қимматга олибмиз. Кейин билсак унга барча чиптасиз чиқаркан ва йўлда провондик билан келишиб, нархни уч баробаргача тушириш мумкин экан. Худди бозор дейсиз.

Мен йўлда Устозга уқтирмакчи бўлдим:

-Менимча ўзимизга бир лақаб топиб олишимиз керак. Кейин бизнинг аслида ким эканлигимиз тўғрисида ишонарлироқ бир афсона ҳам тўқишимиз ва ёдимизда сақлаб қолишимиз лозим. Бўлмаса тадбирни расво қилиб қўямиз.

-Қанақа лақаб, қанақа афсона? Кеча мен шуни айтганимда устимдан кулгандинг. Ҳозир бошим лўққиллаб турибди-ку. Етиб боргач тўқиб оламиз.

Поездга чиқиб, қилган фойдамиз шундан иборат эдики, бораётган туманимиздан икки киши билан ҳамсуҳбат бўлиб қолдик. Айнан ўшалар бизга борадиган жойимиз бўлмаса, қайда тунашимиз лозимлигини айтишди. Бу туман марказидаги чойхона экан. Биз сўраган Чандир қишлоғи эса туман марказидан йигирма чақирим узоқликда, тоғлар орасида жойлашган бўлиб, у томон-

ларга бориш учун мол бозорининг ёнидаги бекатдан ПАЗ автобусига миниларкан. Ушбу маълумотлар бизга кейинроқ роса асқотди.

Поезддан тушганимизда суюқларимиз гипслаб ташланган каби ўзимизга бўйсунмай қўйганди. Бир-неча соатлик тарақа-туруқ қилиб юриш уларни қотириб ташлаган экан.

Биз тушган жойни вокзал деса ҳам, демаса ҳам бўлаверарди: перрон ва узоқроқда жойлашган кичикроқ кулба эътибога олмаганда, атрофда ушбу дабдабали сўзни оқловчи деярли ҳеч нарса кўй эди. Шундай жойга тўхтаган поездга ҳам ҳайф. Бу каби бекатларда ҳатто пул деса отасини ҳам сотиб юборадиган Раим шоғир ҳам ўйлашиб тормозлайди. Бу поездга эса фарқи йўқ экан. Ичидаги ҳолатдан ҳам маълум эди, унинг халқ орасида унчалар ҳам яхши номга эга эмаслиги.

Ерга тушганимиз ҳаманоқ биринчи масала бўлиб, белнинг қимирламаётганлиги бизни қийнаган бўлса, иккинчиси қай томонга юриш ва кимга мурожаат қилиш эди. Устоз ўн йилга яқин вақтдан буён жиноят-қидирувда ишлаётган бўлишига қарамай, бунақа узоқ жойларга хизмат сафарига чиқмаган экан, албатта, Олий мактабда ўқиб юрганда пахта теримига борганини эътиборга олмаганда. Шу сабабли, кўзларини етим мушукниқидай қилиб мўлтиллаб, менга термула бошлади. Унинг бу ҳолатига раҳмим келди. Юрувди шаҳарда, менга дўқ қилиб, бировнинг хотинига хуштор бўлиб, бу ерда эса, нафаси ҳам чиқмай қолди.

Кеч кириб қолганди. Шу сабабли ҳам, биринчи навбатда қиладиган ишимиз ётишга жой топиш эди. Қолганини эса эртага ҳал қилаверамиз.

-Чойхонаси қай томонда экан? - сўрадим Устоздан бари бир тайинли жавоб олишга кўзим етмаётган бўлишига қарамай. Ахир нимадир дейиш керакку, бўлмаса Зиёд аканинг онасини йўқотиб қўйган боғча боладек бу хўмрайишида ҳозир йиғлаб юбориши ҳам мумкин.

- Итим билибдим! - ундан эшитишим мумкин бўлган энг яхши сўзни айтди. - Бу ерда чойхона номаъқул ейдими? Ҳаммаёқда чанг-тўзону, таппи босиб кетибди-ку. Туманинг маркази дейишганди, ўхшамайди-ку. Сассиклигини қара.

Зиёд аканинг тушкун кайфияти, баландпарвоз сўкишлари остида чойхонани излаш учун ўнг келган томонга кета бошладик. Биз билан бирга тушган ўнга яқин одамлардан сўрамадикки, негадир Устознинг бунга хохиши бўлмади. Бунинг устига боя бизга поездда маслаҳат берган кишиларни-да тушиш чоғида атайлаб, чалғитиб, қочиб кетдик. "Конспирацияни сақлаш керак", деганди Устоз поезд тўхташга чоғланиб келаётган пайтда. Мана, сир сақлаш натижасида қайга боришни билмай турибмиз. Кейинроқ Устозга бу ҳаракати учун дакки берганимда, бизнинг поезддан тушганимизни одамлар билмаслиги керак. Изни чалғитиш лозим эди, деган бетайин гапларни қилдики, роса устидан кулиб юрдим, Штирлиц, деб.

Ниҳоят вокзалдан анча узоқ кетганимиздан кейин, олдига тўртта қўйни солиб, хуштак чалиб келаётган болакайни тўхтаб, чойхонанинг қаерда эканлигини сўрадик. Бу сафар ҳам адашиб, шошиб, тескари томонга кетиб бораётган эканмиз. Почта-юк поездидан кейин бунақа юришларнинг фойдаси катта бўлишига қарамай, Устоз бор захрини менга сочишга ҳаракат қилиб кўрдю бўлмади. Шаҳар орқада қолган, бу ер қишлоқ эди. Менинг ор-номусим уйғониб қолганди. Шартта шу томонга кетиш лозимлиги кимнинг фикри эканлигини, аниқ далиллар билан исботлаб бергандим, миқ этолмай қолди. Бизнинг бу тортишларимиз болакайни бироз ҳайратга солиб, тезда яқин топди. Судралиб кўрсатилган томонга кетдик.

Туман маркази, номининг ваҳималигига қарамай, унчалар катта жой бўлиб чиқмади. Бизнинг қишлоқ бундан бироз кичикроқ бўлса керак. Шу сабабли чойхонани тезда топдик. Аммо бу ер биз ўйлаганчалик бўлиб чиқмади. Устоз ўзича шаҳарнинг чойхоналари каби бир гавжум ерни тасаввур қилиб келмоқда эди. Тахминимча у хаёлида пастда шарқираб сув оқиб ётган, ён-атрофга кароватлар қўйилган, кабобининг, кўмирнинг иси-



га аралашган тотли ҳиди атрофга таралиб, иштаҳани қитиқлаб турган, сув селиб қўйилган йўл чеккасида эса елкасига паҳмоқ сочиқ ташлаб олган чойхоначи ўтган қайтганга "келинг, кетинг" қилиб турган бир манзарани тасаввур қилаётганди. Бу тасаввур деганлари ҳар доим инсонни алдайди. Зиёд аканинг асабийлашгандан териси учиб бораётган башарасига қараб, унинг хаёлида кечган манзарани дарров англадим. Бу унчалар қийин эмасди, чунки менинг хаёлимда ҳам худди шунга ўхшаш фикрлар гужгон ўйнаётганди. Асл манзара эса қуйидагича эди: тўрт-бешта чинор ва шунга ўхшаш мевасиз дарахтларнинг ости одамлар босаверганидан калнинг бошидек ялтираб кетган. Чеккароқда тутуннинг таъсирида қорайган, бир томонга қараб салгина қийшайган иморат. Унинг ёнида учта самовар, қорайиб, қийшайиб турарди. Дарахтларнинг остида тўрт-бешта тахта супа-лар ўрнатилган бўлиб, уларнинг устига йиртиқ-ямоқ шолчалар тўшаб қўйилган. Устоз ютиниб ўйлаб келаётган чойхона палов қиладиган қозон, ўчоқлар эса негадир кўринмаётганди. Улар иморатчанинг орқа томонида бўлиши ҳам мумкин. Ўша ёқларда қорайиб, олайиб нима балолардир кўринаётганди. Тўғриси айтганда уларнинг нима эканлигига яхшилаб разм солишга ҳам эриндим. Хафсалам пир бўлиб кетганди.

Чойхонада ҳеч ким йўқ эди. Бизнинг олдин бу ердигилар билан танишиб, имкон бўлса қиттак-қиттак қилиб, ошлашиб, кейин кўрпа-тўшак сўраб, ётиб дам олиш борасидаги орзуимиз пучга чиққанидан кейин шу атрофда меҳмонхона бор-йўқлиги билан қизиқа бошладик. Мен-ку, эски қишлоқи сифатида бунақа жойларда бунақа масканлар умуман бўлмастлигини билардим, бироқ буни Устозга уқтириб бўлмади. У қайсарлик билан ўз сўзида туриб олди. Индамай орқасидан эргашдим. Бироқ бу гоё билан ҳам узоққа кетолмадик: кутганимдай, олдимиздан чиққан икки киши бизнинг бу борадаги саволимиздан кейин, моховларга дуч келгандай ҳайрат билан термуддиларки, ўзимни қўярга жой тополмай қолдим.

Орқамизга қайтишга мажбур бўлдик. Катта холаминг жой солиб кутиб ўтирмагандан кейин шундан бошқа чорамиз ҳам йўқ эди.

Кечга яқин, биз оёқларимизни осилтирганча сўрининг четида, бир-биридан аразлаган болалар каби, гап-сўзсиз, тўмтайиб ўтирган пайтимизда секин-аста бу ерга ҳам одамлар йиғила бошлади. Йўқ, булар чойхонада ош қилиш учун масаллик кўтариб олган олифталарга ўхшамасди. Қўлларида тугунлари борлигига қарамай, улар бошқа нарса эканлиги шундоқ кўриниб турарди. Бу – куни билан кимларнингдир уйларида ишлаган мардикорларнинг кийимлари, шунингдек иш қуроллари эди. Буни мен ички бир туйғу ва мантиқ қоидалари асосида англадим. Устозда эса бу борада на ички туйғу бор ва на мантиқни ёлчитиб ўқиган. Шу сабабли у бу кишиларнинг қўлларидаги кир-чир тугунларига қараб, ўзининг эҳтимол булар гиёҳванд модалар бўлса керак деган фикридан узоклашолмай қолганди. Унинг калласида ўралашиб қолган бу фикрни қўвиш учун бир-икки гап қилгандим, эътибор ҳам бермади. Унга айна дамда жиноят-қидирув ходими эмаслигини, бунақа хаёлларни узокроққа ҳайдаб юбориш лозимлигини таъкидлаб уқтиролмадим. У келганларнинг айримлари тугунларини очиб, кийимларига илашган лойларни қоқиб, ҳаммаёқни чангитганларига қадар ўз фикрида қолди. Кейин эса менга қарашга ҳам уяла бошлади.

Мардикор халқи анча маҳмадана келади. Бир пастда сен билан танишиб, ошна-оғайни бўлиб кетаверади ҳам. Лекин улар бу сафар дастлаб ўзларининг шу қоидаларига хилоф равишда, биздан хуркиб туришиди. Бунга балки Устознинг ола қарашлари сабабчидир. У негадир тўмтайиб олганча, балки буларнинг гиёҳванд модалари йўқлигидан ва ўзининг нотўғри фикр юритиб қўйганидан хафадир, ҳеч кимга қовоғини очай демасди.

Мардикорлар зўр бериб бугунги қилган ишлари, ким қайтгану, ким қайтмагани хусусидаги суҳбатга берилиб кетишди. Суҳбат асносида секин-аста бизнинг супа томонга ҳам сурилиб кела бошлашди. Бир-иккитаси, Ус-

тознинг қовоғига қарамай, бизларга ҳам гап отиб кўрди. Уларни қизиқтираётган асосий нарса бизнинг қайданлигимиз ва нима иш билан шуғулланишимиз эди. Улар ўзларига рақобатчиларнинг кўпайишидан чўчиётган эдилар, чамамда. Менинг ҳеч қандай мутахассислигимиз йўқлиги, нима иш билан шуғулланишни эса эртага ўйлаб кўришимиз ҳақидаги гапларимдан кейин улар бироз тинчланишди ва нигоҳларидаги душманлик ифодалари йўқолиб, ўрнини раҳм-шафқат, ачинишга ўхшаш туйғулар эгаллай бошлади. Булар мусофирчилик қанчалар оғир эканлигини, кишининг бошидан не бир балолар кечишини жуда яхши билганликлари сабабли ҳам, энди, улар билан рақобатлашолмайдиганлар хилидан эканлигимизни билганларидан кейин, бизга ачинишаётганди.

- Қачон келдинглар? – сўради бир йигит менга томон сурилиб ўтирар экан. – Ҳали милисалар олиб кетмадиму?

У айнан мана шундай охириги "у"ни юмшоқроқ қилиб, чўзиб айтарди. Умуман олганда буларнинг барчаси кўп ҳолларда "и"нинг ўрнига "у"ни қўйиб, чўзиб гапирар экан. Буни дарров пайқадим.

-Милисалар нега олиб кетишлари керак экан? – ҳайрон бўлдим мен. Унинг томдан тараша тушгандай милиция ҳақида гапириши шубҳали эди. Балки бизнинг кимлигимизни сезиб қолгандир.

-Улар шунақа, янги одам келса дарров олу-уб кетишадилар.

Шубҳалана бошладим. Нега бунақа? Атрофимдагиларга разм солсам улар нимадандир безовталаниб ўтиришганини сездим.

-Милисалар бизларни олиб кетишиб, қамаб қўйишадими?

-Йўқ, нега? – ҳамсуҳбатим менга ақл бўлаётганидан бир поғона ўсиб кетди. – Паспуртни текшурадилар-да, кейин қўю-уб юборадилар.

-Бизда паспорт йўқ.

-Унда анча қийин. Ҳозиргу замонда ким паспортсиз юраду?

Устоз бизнинг бу суҳбатимизга эътиборсиз қараган ҳолда, дипломатини бошига қўйганча, супачадаги шолчага чўзилди. У йўлда роса толиққан эди.

Ҳамсуҳбатим эса чарчаган бўлишига қарамай, менга қандай мардикорчилик қилишаётгани ҳақида ҳикоя сўйлашга киришди. Унинг гапларидан тушунганим шу бўлдики, бу туман қўшни республика билан чегарадош экан. Бу ердаги мардикорларнинг барчаси ўша томонлардан келишган кишиларни ташкил қиларкан. Шундагина ҳақиқий аҳволни тушуниб етдим. Милициядан келиб, нега олиб кетишларини ҳам англагандай бўлдим.

Бу хусусида Устозга шипшитгандим, бизлар душманлар курсовида қолгандай, ваҳимага берилиб кетди. Ён-атрофга олазарқ бўлиб қарай бошладики, бунақа ваҳима, аслини олганда, барча жиноят-қидирув ходимларига хос бўлади. Улар ҳамма вақт ҳам кимдандир, нимадандир шубҳаланиб юришади. Ҳар куни ўнлаб жиноятчилар билан гаплашаверганингдан сўнг хоҳла, хоҳлама, эҳтиёткор бўлиб қолсан-да. Бу ерда эса куруқ эмас, шубҳаланишга асос бўлувчи баҳона тап-тайёр. Зиёд ака бу имкониятдан усталик билан фойдаланиб, жойида ҳам ўтиролмай қолди.

Тезда биз хавотир билан кутган милициянинг машинаси ҳам кўринди. Умримда ҳеч қачон милициядан бунчалар чўчиган эмасман. Ҳатто болалигимда тўшака сийиб қўйган пайтларимда акаларим Ражаббой участкавойга бериб юборамиз, деб кўрқитишган пайтларда ҳам бунчалар ташвишга тушганим йўқ ва тўшақда сийишни давом эттираверганман.

Бизнинг тиззаларимиз қалтираб турган бир пайтда патрул-пост хизматининг уч нафар йигити Узик машинасидан тушиб, одамларни бир-бир назардан ўтказиб бошлади. Бизнинг олдимизга келганда, тўхтаб қолишди:

- Булар янгига ўхшайдилар-ку, — деди олдингиси орқароқда келаётганларга ўгирилиб қарар экан. – Бир текшириб кўрмаймизми? Кимлар экан?

Устоз қимирлаб, тайёргарлик кўра бошлади – нимага, аниқ билолмадим. У кўнглидаги нарсаларни биров-



лар билан ўртоқлашиб ўтиришни хушламайдиганлар хилдан. Айни пайтда бунинг мавриди ҳам эмас.

-Паспортларингизни кўриб қўйсақ бўладими? – сўради орқадан этиб келган милиционерларнинг кичикроғи аллақачон ўрнидан туриб бўлган Зиёд акадан. Милиционер унинг кўзларидаги важохатни кўриб қўшиб қўйди: — Милиция сержанти Толипов!

-Паспортимиз уйда қолиб кетибди, — деди Устоз ўзини хотиржам тутишга ҳаракат қилиб.

-Уйингиз қайда, қўшни республикадами? – сўради учинчи милиционер сафдан орқада қолмайин, дегандай қилиб.

-Қўшни вилоятда. — Устоз уларга бир-бир олайиб қараб чиқа бошлади. Менимча у бу жиноят-қидирув ходимининг қарашлари билан уларга руҳий таъсир кўрсатмоқчи эди. Бироқ милиционерлар ҳам бўш келадиганлар хилдан эмасга ўхшайди. Дастлаб ўзларини ўнғайсиз ҳис этиб қолган бўлишларига қарамай, тезда дадиллашдилар.

-Қўшни вилоятда менинг хотиним ҳам бор, — деди милиционернинг олдинда тургани эски гапни янғича талқин қилишга ҳаракат қилиб. Бироқ бу вазиятга унчалар ёпишиб тушмади. — Яхшиси боридан, нақдидан гапиринг. Бирорта ҳужжат борми ёнингизда шахсингизни тасдиқловчи?

-Йўқ. — Зиёд ака бақрайиб термулиб тураверди. — Ўзим билан олмаган эканман.

-Бу ерга нима мақсадда келгансизлар? – орқада турган милиционер ҳамроҳининг елкаси оша савол берди.

-Мардикорчилик қилиб, озроқ пул ишлаб олмоқчи эдик, — орага мен суқулдим. Кўрқдимки, Устоз шошганда Чалпакнинг расволиги орқали, бўлим бошлигининг тошириғи билан жиноятчини ушлашга келдик, деб юбормасин, деб.

Худди шу билан милициянинг жавоб бериш унчалар қийин бўлмаган, лекин уларнинг мантиғини бир йўналишда ушлаб туриш жуда қийин бўлган бегараз саволлари бошландики, ҳеч қачон бу қадар шошиб қолган эмасман. Ҳатто ўрта милиция мактабида бир пайтлар йигирма беш йил терговчи бўлиб ишлаган, криминалистик тактика фанидан дарс берувчи Кўчқор домла ҳам одамни бунчалар гангитиб ташлолмасди.

Сўхбатнинг охири шу билан якун топдики, милиционерлар бизнинг жавобларимиздан шубҳаланиб қолишди, чунки биз турилган жойимизни ўз исм-шарифимизни ва нима мақсадда келганимизни ҳам тўғри айтолмагандик. Устозга олдинроқ келишиб олайлик, бирор тайинлироқ афсона тўқийлик, деганимда устимдан кулганди. Оқибати мана нима бўлди. Менинг гапимни шу ернинг ўзидаёқ Устоз рад этиб, бошқа бир нарсани айтиб ўтирибди. Ҳатто исмларимиз борасида ҳам бир-биримизни рад этганимиздан кейин милиционерларнинг сабр косаси тўлиб, машиналарига таклиф қилди. Эргашишдан ўзга чорамиз қолмаганди.

Кейинги бир ой давомида шахси номаълум дайдилар сифатида қабул қилиш-тақсимлаш муассасасида ётадиганга ўхшаб қолдик. Устознинг энгини секингина торттиб, “қочамиз” ишорасини қилдим. У елка қисди. Ҳар доимгидай бирор-бир дангал ишга бўйни ёр бермаётганди. Нигоҳлари билан милиционерлардан каттасининг кабурасига ишора қилди. Бу билан у “отиб ташлашлари мумкин, сенга маза, уйланмагансан, менинг эса болаларим етим қолади” демоқчи эди. Мен унга «сингиздан чиқмасин, милициянинг қурол қўллаш қоидаларини яхши биламиз, ахир бир пайтлар, узок ўтмишда бўлсада, биз ҳам милицияда ишлардик, булар қочган одамнинг ортидан отмайдилар» деб жавоб қайтармоқчи бўлдим. Бу гапларнинг барчасини кўзларимга чиқариб, етмаганига қўлларини билан имо қилиб тушунтирдим. Бироқ Зиёд аканинг фаҳми шунақа нарсаларга анча калталик қилади. «Бошлиқлари билан келишамиз», деган ишора қилди. Ким бўлишдан қатъий назар сирни очиб қўйиш миссиянинг чиппақка чиқишига сабаб бўлиши мумкинлигини эса нигоҳларим билан тушунтиришга ҳаракат ҳам қилмадим. Барибир бошқача тушуниб, ваҳимага тушади.

Икки ёнимиздан иккита, олдимизда эса битта ми-

лиционер билан машина томонга жўнадик.

Бахтимизга машина ўзи ўт олмас экан.

-Итариб ўт олдиришга тўғри келади, — дароз қўли билан паканага “машинага ўтир” ишорасини қилиб, ўзи орқа томонга ўтди ва бир чеккани олиб машинани итаришга чоғланди. — Сизлар ҳам ёрдам бериб юборарсизлар. Бу Узақ деганларининг ўзи юрмаса эшакнинг ўлигидан ҳам дардисарроқ.

Биз энг шимариб, юкларимизни йўлнинг бир чеккасига қўйиб, машинани ўт олдиришга киришдик. Милиционер тўғри айтган экан, бу машина эшакнинг ўлигидай оғир ва дардисар экан. Ҳа, деганда ўт олавермади. Бу орада бизлар ҳаллослаганча чойхонадан жуда узоқлашиб кетдик. Кўчаларда чироқлар йўқлигидан атроф жуда қоронғу эди.

Бир пайт ниҳоят машина “пат-пат” қилганча ўт олди. Ҳайдовчимиз газни босганча илдамлаб кетиб қолди. Севинганларидан бутун борлиқни унутган иккала милиционерларимиз унинг орқасидан “тормозни бос, тормозни! У ўртада турибди, ўртада, ўшана бос” — деганларича югуриб кетишди. Қарасам уларнинг кетидан Зиёд ака ҳам севиниб югуриб қолмоқчи. Шартта қўлидан тутдим:

-Орқага қараб олға! — дедим унинг қулоғига секингина.

Биз ён томондаги кўчага қараб югурдик.

Ярим соатгача орқамизга ҳам қарамадик, тўхтамадик ҳам. Ниҳоят ўпқаларимиз оғзимизга тикилиб, бошлиқнинг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосари “спорт, спорт, яна бир бор спорт, ундан кейин ижтимоий-сиёсий дафтар” деганида, ушбу гапнинг биринчи қисми борасида анча ҳақ эканлигига имон келтириб, оғриб бораётган биқинимизни чангаллаганча тўхтадик. Утиравериш роса хом бўлиб кетган эканмиз, қўлларимнинг учидан тортиб, юзимгача жимирлаб совиб кетди. Орқамиздан ҳеч ким қувмаётган экан. Бир дарвоза ёнидаги супагача ўтирдик. Нафасимизни ростлаб олганимиздан кейингина юкларимиз боя қўйган жойимизда қолиб кетганлигини сезиб қолдик. Устоз ўзининг калроқ бошига шаппатлашга тушди. Бу ҳолатидан тушундимки, у ўзининг бутун гардеробини, оиланинг бир ойлик бюджетига қўшиб олиб чиққан экан бу сафарга. Шу жойда Раззоқ бованинг яна бир ҳикмати ўз тасдиғини топди: барча тухумларни бир саватга солма. Ўзимнинг ҳам ҳолатим яхши эмасди. Чўнтагимда икки марта ҳожатхонага кириб чиқишга етгулик чақалар қолганди, холос.

-Яхши иш қилмадик, — деди Устоз кийимларидан, пулидан айрилганига кўнгандан сўнг. — Ҳар ҳолда ҳам-касбларни уялтириш яхши эмас. Уларнинг ўрнида ўзини бўлганда нима қилардик?

-Уларнинг ўрнида ўзимиз бўлганда нима қилишимизни билмадимку, бироқ анграйиб ўтираверганимизда ҳозир уларнинг қўлида бўлардик. Бу дегани ё миссиянинг фош этилиши ёки бир ойлик қабул қилиш-тақсимлаш муассасасида дайдилар билан ҳамтовоқ бўлиб, шахсимиз аниқлангунча ётиш дегани эди.

-Нима дединг? Миссиями? — Устоз менга ўқрайиб термулиб олди. — Топган гапнингичи. Чалпакнинг тўрига илиниб бу томонларда сарсон бўлиб юрибсан. Ҳеч қанақа миссия-писсия деган гап йўқ, тушундингми?... Ўзича шу бўлмағур ишга баландпарвоз ном қўйиб олганига ўласанми бунинг...

Устоз асабийлашган пайтда яхшиси жим турган маъқул. Барибир у бундай ҳолатларда бирорта ҳам гапнингичи эшитмайди. Қулоғи том битиб қоладими, нима бало. Шундай бўлишига ва мен буни жуда яхши билишимга қарамай ҳар доим унинг гапини тескарисини билдириб туришни хуш кўраман. Аслини олганда мана шундай, менга ўхшаган бир муҳолифатдаги киши бўлмаса ишимизнинг олға силжиши қийин.

-Чалпакнинг тузоғи дейсиз, қўйсангизчи бўлмаган гапни. Буларнинг барчаси ўзингиздан чиқмаганмиди? Ёдингиздан дарров кўтарилиб кетдими?... Замира опани кўрганда кўзларингиз ўчиб-ёнадиган бўлиб қолувди.

Менинг бу гапларим елга совирилгандек кетиши кенарак эди, бироқ жувоннинг исмини эшитдию Устознинг



хаёли паришон бўлиб қолди.

- Йўлга тушиш керак, - деди ниҳоят у ҳам бўлиб қолган бошини кўтариб. - Нима бўлишидан қатъий назар топшириқни бажариш лозим.

У яна тўрт-беш дақиқа шу ҳолича, жим ўтираверганида, мудраб қолган деган хулосага келган бўлардим. Йўқ, уйғоқ экан.

- Қайга қараб кетамиз? Сув ости кемасидагидай тўрт томонимиз қибла бўлиб турибди-ку. Қайга бориш керак, манзилимиз қай томонда, билмаймиз-ку. Бахтга қарши атроф қоронғу бўлса. — Менинг тушкун кайфиятдаги бу гапларим Устозни шаштидан қайтаролмади. У ўз фикрида қатъий турарди.

Биз шу яқиндаги дарвозани тақиллатиб, Чандир деган қишлоққа қандай бориш мумкинлигини сўрадик. Бир барзанги, мўйловли эркак майкачан чиқиб, олдинга роса саволга тутди, кейин юрагида ёнаётган рашк ўти пасайиб, бизга Чандирга қандай бориш кераклигини ярим соат тушунтирди. Бахтга қарши биз туман марказининг ўша қишлоққа тескари бўлган томонида эканмиз. Йўлга тушганимиздан сўнг, Устоз қочишни бошлаганим ва йўлни шу томонга солганим учун бироз койиди. Гапига қараганда у нариги томонга қараб қочмоқчи бўлган эмишқу, бироқ мен отнинг бошини бу томонга буриб, ишни расво қилиб қўйибман. "Шу пайт қишлоққа етиб олган бўлардик", - деди у узундан узун айблов гапида. Мен эса чидашга мажбурман. Бўлмаса қочиш унинг хаёлида ҳам бўлмаганлигини, мен кетиб қолаётганимни кўриб, бир ўзи қолишга кўрқиб ортимдан эргашганини юзига солиб, шармандасини чиқарсам бўларди. Бироқ барибир фойдаси йўқ, деган хулосага бордим: шусиз ҳам атроф қоронғу, уялгани билан юзининг қизарганини кўрмасам не фойда деган тўхтамга келдим.

\*\*\*

Милициялар юриши мумкин бўлган асосий йўллари паналаб, туман марказидан ташқарига чиқиб олдик. Унгача ҳам тўртта уйни безовта қилиб, қайга кетаётганимизни аниқлаштириб олишга тўғри келди.

Туман марказидан чиққанимиздан сўнг, бийдай дала бошланди. Бу кишини анча чўчитарди. Шаҳарнинг ёруғ кўчаларида юравериб, ҳаёт мана шунақа, кечалар эса шундай ойдин бўлади, деган хаёлда эканмиз. Аслида эса далаларни ҳеч ким ёритиб қўймас экан. Аксига олгандай бу томонларда ой ҳам чиқмаскан. Жуда қадри билинди. Қоронғуликдан дастлаб менинг, кейин эса Устознинг ичига титроқ кирди: олдинда, орқангда, ёнингда ким борлигини билиб бўлмайди, манави ёнингда кетаётган шарпа аслида Зиёд аками, ёки арвоҳ, аниқломай шубҳаланиб қоласан. Ҳақиқатан ҳам ҳаммаёғи қоп-қора, юлдузларнинг хира ёруғида кўзлари совуқ ялтиллади, холос. Оёғининг остида тупроқ деб ўйлаганинг кўлмак, кўлмак деб сакраб ўтмоқчи бўлганинг тупроқ уюми бўлиб чиқади.

Эртақларда айтиладиган йўл юрди, йўл юрса ҳам мўл юрди, дейилган гап айни пайтдаги бизнинг ҳолатимизга тўғри келарди. Кетаяпмиз, кетаяпмиз - йўлнинг, тўғрироғи йўлсизликнинг охири кўринмаяпти. Бу орада уйқумиз келиб, кўзларимиз ачишиб, калла остига секинлик билан олов ёқилаётган чойнак каби қизишга тушди. Оёқлар толиб, бизларга бўйсунини бас қила бошлаганди.

Бир-икки марта дам олдик. Натижа кутилгандай бўлмади. Қоронғуда билмай, қумурсқаларнинг ини устига ўтириб олган эканмизми, тезда ичимизда нималардир гимирлай бошлади. Йўлга тушишга мажбур бўлдик. Ўз ҳолимизча кимларнидир бўралаб сўкканча кетавердик. Мақсадимиз нима, кўзлаган манзилимиз қайда ва аслида бизларнинг ўзларимиз киму бу худо урган, пайғамбар ҳам ҳассаси билан туртиб ўтган бийдай даштда нима қилиб юрибмиз - билмаймиз. Уйқусизликдан каллаларимиз гувиллаб, идрок қилиш қобилиятини бутунлай йўқотиб бўлди.

Ниҳоят иккалаимиз ҳам бундан ортиқ юролмаслигимизни ҳис этиб қолдик. Шу пайтда бахтимизга бедазорга дуч келдик. Унинг бир чеккасига беда боғлари фарам қилиб уйиб қўйилган экан. Ёнига бордим, теска-

ри ўгирилиб, орқам билан ўзимни отиб юбордим. Устоз ҳам шундай қилди. Бироқ унинг бахтига танасининг қайси жойигадир тикон тўғри келиб қолган экан, чинқириб юборганича ўзини қанчалар тез отиб юборган бўлса, шунчалар тез туриб кетди. Менинг унга ёрдам берадиган, қарашадиган, ёки ҳамдардлик билдирадиган ҳолим йўқ эди, ётавердим. Бир томондан ўнғайсиз, Устоз орқасини чангаллаб зир югуриб юрсаю, сен унга ёрдам бериш учун орқасидан қолмасанг. Шу сабабли ҳам кўзимни юмганча, кўрмайин ҳам, куймайин ҳам, деган услубни қўлладим.

- Бу ерларда илон бўлмайдами? - сўради ниҳоят Устоз. Назаримда унинг орқасини ачишгани тўхтаганга ўхшайди, бошқа нарсаларнинг ташвишини қилиб қолди.

- Калтакесаклар учраши мумкин, илоннинг эса фақат кўзойнаклиси бор, бошқалари тоғолди туманларида унча кўп учрамайди, - тасалли бердим унга.

Устоз гимирлаб қолди.

Шу ётишимизда тезда кўзларимиз илинибди. Тушимга бир тўда итлар кирибди, улар гала бўлиб, оёғимни ғажишаётган эмиш. Хайдайман - кетмайди, урайин десам кўлим, қочайин десам оёғим қимирламайди. Ҳатто тушимда ҳам Зиёд ака мени тарк этгани йўқ - уни ҳам кучуклар ғазаб билан талаб ётганмиш. У эса қичқиради, бақиради. Чораси йўқ. Итлар ғажиыверадилар. Шу азобда анча тўлғониб ётдим. Бир пайт кўзларимни очсам, росдан ҳам Устоз бақиряпти.

- Ҳа?! - ҳайрон бўлдим мен. Ҳали уйқум тўлиқ очилмаганди - Менинг тушимдаги нарсага сиз нимага бақириб ётибсиз?

Устоз олайган кўзлари билан (қоронғуда яққол кўришни турарди) пастга ишора қилди. У томонга қараб, эсхонам чиқиб кетай деди: лоф бўлса ҳам йигирмага яқин кучук ириллаганча Устознинг пастга осилиб турган оёғини тишлаб, тортқилаяпти, унга эса бу сира ёқмаётганди. Бундай қарасам, менинг ҳам почамга уч-тўрттаси ёпишган, судрашга ҳаракат қилаяпти. Типирчилиб, оёқларимни тортишга, уларни тепиб юборишга уриндим, бироқ бу ҳаракатларимни олдин - уйқудаги пайтимида ҳам қилганман, чамаси, кучукларга зарача таъсир этмади, эпчиллик билан тепкиларимга чап бериб, ўз ишларини давом эттирдилар.

Ёнимдаги тол таёқни олиб уларни ҳайдашга ҳаракат қилмоқчи бўлгандим, оёғим беда боғининг устидан тойиб, боғлар орасига кириб кетиб, мувозанатимни йўқотдим ва умбалоқ ошиб нақд итларнинг оғзига кулаб тушдим. Улар мендан бу қадар жасурлик ва шижоатни кутишмаганди, чўчиб, ўзларини орқага олдилар. Қўлимдан калтагим учиб кетиб, юзтубан йиқилганим ҳолда, Устозга бақириб гина қилдим:

- Қарамайсизми бундай! Булар мени тириклай ғажиб ташлайди-ку. Таёқни олиб, ҳайданг.

Устоз шошиб, ёрдамга отилди. Итлар ундаги бу бо-тирликни кўриб, чекиндилар.

Устознинг ёрдамида ўрнимдан турдим. Бир-икки ерим лат еганди. Бироқ улар итлар ғажиб ташлаган бўлиши эҳтимоли мавжуд оёғим ваҳимаси олдида ҳеч наса бўлиб қоларди. Шимимнинг йиртиқларини жуда яхши кўриб турганим ҳолда, оёғимнинг жароҳати қай даражада эканлигини билмасдим. Оғриқ деярли сезилмаётганди, бироқ шимнинг йиртилган почаси конга ёпишиб қолиб, анча ваҳимали туюлаётганди мен учун. Ўрнимдан туриб олганимдан сўнг миямга энди оёғимни кесиб ташлашсалар керак, деган ташвишли фикр келди. Бироздан кейин ўзимга тасалли беришга ирода топдим: эҳтимол қутуриш билангина чекланиб қоларман.

Мен ўзимнинг ташвишим билан банд бўлиб турган бир пайтда биздан бу каби жасоратни кутмаган итларимиз давра бўлиб, ҳаракатларимизни кузата бошлади. Кейин улар ҳам хаёлларини йиғиб олишдиларми, тишларини ғижирлатиб, хужумга шайландилар.

- Чалпагингни ейин Чалпак, бизни не куйларга солдинг? - Устоз қўлидаги калтакни шайлар экан қаттиқ сўкинди. Кейин менга тасалли бергандай бўлди. - Ҳавотир олма, агар бизни мана шу махлуқлар ғажиб таш-



лайдиган бўлса, хизмат вазифасини бажариш чоғида ҳалок бўлган, деган хулоса чиқарадилар. Бола-чақа кўчада қолмайди. Улимимиздан сўнг медал ҳам беришлари мумкин...

- Менда бола йўқ, орқамдан йиғлаб қоладиган, яхшиси тирик қола қолайин. Оввора бўлиб ўтираманми. Бу ярамас очофатлар бир кишига тўйсалар керак. Сизнинг анча ёғингиз бор... Кейин, хизмат текшируви ўтказилаётган чоғда, тушунтириш хати ёзиб бериб турадиган кимдир бўлиши лозим, Инспекция келиб манавилардан тергов олмайди-ку. Тўғрими?

Биз ўзаро келишганимиз билан, итлар билан тиллашиб бўлмасди. Уларни на менинг ориқлигим, на Устознинг серёғлиги ва на Инспекция қизиқтирарди. Бир амаллаб, секин-аста кичкинагина беда фарамининг устига чиқиб олдик.

- Булар илқан кучуклар, — деди Устоз овозига бироз дадиллик бағишлаб. Энди унинг кўнглида ўлимидан сўнг медал олиш илинжи сўниб, медалсиз тирик қолишга рози эди. — Эрталабгача шу ерда мудрофаани ушлаб турсак бўлди, марра бизники. Кундузи булар унчалар ҳам ваҳший бўлмайди, хонадонларнинг эркатой кучукларига айланадилар... Анависини қара, важоҳат билан ириллагани билан қулоғи ҳам, думиям кесилган. Уйдан қочиб чиққан-да бу. Самоволка, дейдими бундайларни армияда. Худди шунга чиққан. Эгасидан алами бўлса, шуни биздан олишяпти.

Биз мудрофаани қаттиқ олгандик. Итлар тезда бу ҳолат билан қиқишишга мажбур бўлдилар ва беҳудага тишларини иржайтириб, важоҳат қилишдан чарчадилар. Бир-бир атрофимизни ўраб, ётиб олдилар. Биз сал қимирладик, дегунча барчалари бирдан ўрнидан туриб, важоҳат қила бошлади. Шу сабабли тақдирга тан бергунча тонгга қадар қимирламай, беданинг устида ўтириб чиқдик. Оёқларимизнинг тишланган жойлари ачишаётган бўлишига қарамай, чидашга мажбур эдик. Лекин улар жуда ваҳимали тарзда ғажиб таланмаганга ўхшайди, бўлмаса мен ҳам, Устоз ҳам жойимизда ўтиролмай қолган бўлардик.

Тонг ёришган сари итлар бир-бир бўлиб, қуршовни тарк эта бошладилар. Ва ниҳоят қуёш чиқиб келаётган пайтда фақат биттагина — ўша Устоз қулоғи ва думи кесилган, хонаки ит деган барзанги итгина ётган жойини тарк этмади. Олдинги икки оёғини узатиб, тумшугини чўзиб, уларнинг устига қўйиб олган ҳолича бизга, мушук сичқонни томоша қилгандай, ҳавас ва қизиқиш билан термулиб ётаверди.

Ўйқусизлик ва чарчоқ бизни бутунлай ҳолдан тойдирганди. Устоз итга нафрат билан термулар экан, уни ҳайдаш учун озроқ ҳаракат ҳам қилиб кўрди. Бу кўнмайдиганлар хилидан чиқиб қолди, қўлни баланд кўтардинг, ириллаб, ташланмоқчи бўлади.

- Бор, уйингга кетсангчи, - Зийёд ака унга ялинишга тушди. — Ҳаром қотгур эган ҳам излаб қолгандир... Қаттикроқ занжирга боғлаб қўйса ўларканми... Оқшом билан уйни кўриқлаш ўрнига, қизлар билан ялло қилиб юрганингдан хабар топса, оқибати яхшилик билан тугамайди. Кўрдинг, бизни ҳеч нарса қилолмайсан, шунга кўнгин-да, энди. Кет, бор. Биз ҳам бироздан мизғиб олайлик, кўзларимиз ачишиб кетди...

Бироқ ит унинг бу гапларини сарик чақага ҳам олманган ҳолда, бақрайиб ётишини бас қилмасди. Эҳтимол менинг овозим уни инсофга чиқариб қолар деган умидда, сўз навбатини олиб, роса ўн дақиқа нималарнидир гапирдим. Ўзимнинг ҳам шунчалар нотик эканлигимни билмаган эканман. Сўзлар, денг бир-бирига май асалидай уланиб, қўйилиб келаверади. Ўзим ҳайрон қолдим. Назаримда нутқим итга ҳам ёқиб тушаётгандай эди. Тўғри-да, бу сизга Зийёд аканинг дўриллаган, дағал овози тузсиз, маънисиз гапи эмас. Шу ўринда бир фикр хаёлга келди: агар эсон-омон шаҳарга қайтсак, бошлиқнинг шахсий таркиби билан ишлаш бўйича ўринбосарига илтимос қилиб, маърифат дарсларидан бирини ўзим оламан. Иқтидорни нафақат итларга, балки бошқаларга ҳам намойиш этиш лозим.

Шу ўтиришимизча Устоз иккалаимиз кейинги ишларнинг режасини қила бошладик. Ҳаёт давом этмоқда эди

ва у зиммамизга юклатилган вазифаларни бажаришга мажбурламоқда. Устознинг фикрича, ҳозирок, манави сурбет итдан қутилганимиз ҳаманоқ бориб, Мақсудни топиш ва бир амаллаб унинг ишончига киришимиз лозим эди. У мени таниб қолиши мумкин, деган эътирозимга эса, "айни пайтда сени туққан онанг ҳам танимайди", деган мавҳум бир жавобни берди. Фикримча эса бу бизнинг ақлимизга келиши мумкин бўлган энг аҳмоқона йўл эди. Беда боғига ўтириб олганимча, унга ўзимнинг мукамал гоёмни ўқтира бошладим. Ҳаёт жуда оддий эди: қишлоққа борганимиздан кейин дастлаб ўнг келган одамга мардикор бўлиб ёлланамиз, уч-тўрт кун унинг ишончини қозонамиз, кейин эса у орқали Мақсудга чиқамиз. Буни қандай амалга оширамиз, ҳозир аниқ билмайман, бироқ вазият ўз-ўзидан ойдинлашиб кетаверади. Мен бунга ишонардим. Тўғри, мен таклиф қилаётган усулда биз ортиқча уч-тўрт кунни йўқотишимиз мумкин, бироқ Устознинг фикри бўйича йўл тутганимизда ишни бутунлай расво қилиб юборишимиз мумкин. Ниҳоят Зийёд акани мен айтган режа бўйича ҳаракат қилишга кўндирдим.

Чамамда қуёш чиққанидан кейин ҳам бир соатлар атрофида бу барзанги, оч жигарранг кучукка маъруза ўқидик. Бошлиғимиз шунча вақт ичида дунё воқеаларини икки марталаб айтиб чиққан ва бизга бир аравадан иш ҳам топширган бўларди. Асосийси эса, унинг важоҳатю ваҳималарига қарамай, бизлар ҳам ниманидир тушуниб олардик. Бу ярамас ит эса шу ётганча ётибди. Қимир этса-чи.

Ит кетавермагач, биз ўзимизнинг ҳолатимизни кўздан кечира бошладик. Устознинг тешиклари аллақачон қорамойга тўлиб кетган ёзги туфлисини итлар шунчалар тешиб ташлашибдики, буларни энди нафақат қорамой билан, балки мум билан ҳам ямаб бўлмайди. Менинг формага қўшиб берилган туфлигим унқини олдида обрўлироқ бўлишига қарамай, барибир кийса ҳам, отиб юборса ҳам бўладиган ҳолатда эди: бунга қандай ақллари етишган, билмайман-ку, бироқ туфлининг остини ҳам, устини ҳам тешиб ташлашган. Унинг ичидаги оёқ эса нисбатан бутун, яъни тешиб ташлангани йўқ. Лекин тирналиб, қонаб ётибди. Устознинг шимини эса қарагулик ҳоли қолмади — энгилгина матодан тикилган эмасми, тортиқлашганида нақ тепасигагача йиртилиб борибди. Менинг жинси шимим эса йиртилиб очилиб: худди шаҳарлик олифталар кийиб юрадиган шалворга ўхшаб қолибди. Оқ иплари осилиб, почаси йиртилган, байроқдай хилпираб қолибди. Шимнинг аҳволига ачинишимга қарамай, унинг бу ҳолатидан бироз қувондим ҳам. Ҳар ҳолда ўзимдан билиб шундай қилишга кўзим қиймаган бўларди. Уни кийиб юришга эса унчалар узун бўлмаслигига қарамай, ақлим йўл қўймасди. Фақат энди анави барбосни бир амаллаб қувиб юбориб, буни ҳаракатда синаб кўриш лозим эди. Бундан ташқари ҳали оёқларимиз юришга чидайдими, йўқми, аниқ билмасдик. Кўринишидан жуда ваҳимага ўхшайди — ҳаммаёқ қон. Оғриқ эса унчалар сезилмаяпти. Бир пайтлар "криминалистика"дан дарс берадиган домларимиз кўп қон ҳали ҳаммаси тамом дегани эмас, қон кетаётган пайтда асосийси — кўркувдан ўлиб қолмаслик. Қолган барчаси ўзидан ўзи ҳал бўлиб кетади, деб ўқитиришганди. Шунга ишониб, индамай ўтирибмиз, бу ёғи нима бўларкин, деб.

Бир пайт узокдан бир эшак ва унинг устида аллақимдир кўринди. Устоз ҳашманлаб, каттароқ беда боғининг устига чиқиб, қўлидаги калтакни ҳавода серпаганча қичқира бошлади:

- Эй, бизлар бу томондамиз! Эй-й-й!

- Кимсасиз оролга тушиб қолган Робинзондай бақирасиз, а? — мен унинг ҳолатидан кулмаётган бўлишимга қарамай, вазиятга ҳушёр кўз билан қараш лозимлиги хусусида огоҳлантириб қўймоқчи эдим. Чунки энди, итларнинг овқатига айланиб кетмаганимиздан, ўлимимиздан сўнг медаллар олганимиздан кейин, эртага ишга қайтиб, бошлиқнинг ғийбатидан чарчаган пайтларимизда албатта кўрган-кечирганларимизни муҳокама қиламиз. Ана шунда юзи қизариб ўтирмасин, дейман-да. — Яхшиси сиз оёғингизнинг остига қаранг, йиқилиб тушиб, шусиз ҳам яхши бўлмаган вазиятни янада оғир-



лаштириб, оёқни синдириб ўтирманг. Семизлигингизни қаранг, кўтариб кетолмайман. Партизанлар урушида, биласизми, оёғи синганларни жойида отиб ташлашган. Менинг эса, бахтга қарши тўппончам йўқ, навбатчилик қисмида қолиб кетган.

Менинг гапларимни қулоғининг ёнидан эпчиллик билан ўтказиб юборишга ҳаракат қилаётган Устоз ҳушёр тортди:

- Бу нима деганинг, отиб ташлайман, демокчимисан? - Зиёд ака бир бақрайиб қарадио, мен билан овора бўлиб ўтирса нарёқдаги эшакдаги киши бошқа томонга кетиб қолиши мумкинлигини ўйлаб, қўл силтаганча яна эшак томонга бақира кетди. - Бу ёққа қараб ҳайданг эшагингизни! Манави олапардан кутқаринг бизни, ғажиб ташламоқчи. Кутурган бўлса керак. Милтиқиям олиб келинг, отиб қутилмасак, бошқа иложи йўқ.

Эшакдаги киши ҳам бизларни кўрди, чамаси, уловнинг бошини шу томонга бурди. Ҳар ҳолда катта бир эркакнинг беда ғарами устига чиқиб олиб, нимабалолардир деб бақариб ётиши қизиқ туюлган бўлса керак. Унинг келаётганини кўриб Устоз бироз ўзини босиб, ўтириб олди. Зиёд аканинг нимага бундай қилаётганини тушунмай, ғазаб билан ириллаб ётган ит ҳам тинчиди. Эшаги тушмагур сал қарироқ эканми, юриши қийин кечди. Ҳали ўтирибмиз, ҳали ўтирибмиз, қани энди яқинлашса. Интиқ бўлиб қараб ўтирибмиз, унинг оёқ босишини санаб. Лекин эшаканикидан кўра унинг устида турган чавондознинг оёғи кўпроқ қимирларди. Дарров ҳаёлимда Раззоқ бованинг "от минганнинг оғзи, эшак минганнинг оёғи тинмайди", деган ибратли гапи келди. Машойихлар билмаса бир гапни айтмайди, деб кўйдим ўзимга ўзим башарамга ақллилик тусини беришга ҳаракат қилар эканман. Буни қанчалар ифодалай олдим - билмайман, қўл остимда айна дамда ойна йўқ эди.

Эшак минган халоскор ниҳоят афт-башарасини аниқ кўрса бўладиган даражада яқинлашди. Бу пала-партиш ўсиб кетган соч-соқоли оқарган, бир парча бўлиб кўришиб турган юзи офтобда қорайган, буришган, жиккаки-на киши экан.

- Нима қилиб ётибсизлар бу ерда? - сўради у бизнинг аҳволимизни кўриб, ҳайрон бўлганча. - Эгаси келиб қолса бедамнинг гулини тўкиб ташлабсанлар, деб роса жанжал қилади. Ўзи Содиқ қални танийсанларми?

Унинг охири гапидан ҳайрон бўлиб Устозга термулдим: бу чол нимага шайма қилапти? Ахир қалнинг олдида кал деб бошқаларни ҳам масхара қилиш одобдан эмас. Этикани яхши билмас экан.

- Биз ҳеч кимни танитаймиз, Содиқни ҳам, сизни ҳам. - Устоз ётган жойида тишларини гижирлатди. Унинг бу одати аввалдан борлигига қарамай, кечаси билан итлардан уларни бошқачароқ - ваҳималироқ гижирлатишни ўрганиб олибди.

- Кечирасиз, - деди ҳалиги киши Устозга яхшилаб разм солар экан. - Билмай қолибман, сиз ҳам кал экансиз.

Йўқ, бу чол этикани биларкан-ку, бироқ сал бошқачароқмий. Домласи бошқа бўлган, шекилли. Устознинг тишлари газиллаб кетди, тура, унга ташланиб қолмоқчи эдику, бироқ ўртада ётиб олган барбос халақит бериб турарди. У негадир анави эшак минган чолга қайрилиб ҳам қарамаётганди. Бизларнинг бегона эканлигимизни шуям билиб турибди.

- Биз сиз, сассиқ чолни йўлни кўрсатиб юборинг, деб чақиргандик, масхара қилишга эмас. - Зиёд аканинг ҳам ҳақиқатан-да жаҳли чиқди.

- Сен эш-шак! - чол ўдағайлади. Бироқ Устознинг, важохатини кўриб шаштидан қайтди. - Ўзи минганмисан?

Зиёд ака турган жойида қотиб қолди. Аввалига гапнинг мазмуни нима эканлигини яхшироқ тушунгани ҳам йўқ. Шундан энди қандай ҳаракат қилиши лозимлигини ҳам билмасди. Икки ўртада турган олапар ҳам ўрнидан туриб, тишларини кўрсата бошлади. Бу эса Устозни ақл ишлатишга мажбурлади. Акс ҳолда, чолнинг ёқасидан олишдан ҳам қайтмайди деган ҳолатда эди.

- Қанақа эшак? - Устоз тараддудланди. - Мен тушун-

мадим, бу билан нима демоқчи бўлаёпсиз?

- Йўлимиз бир бўлса эшакка миндириб кетмоқчийдим, - деди чол ҳовуридан тушиб.

Чол биринчи қарашда кўринганидай, унчалар ҳам жаҳлдор, бетайин одам эмас экан. Зудлик билан эшакдан тушиб, қанчадан буён бизни ҳатто ўрнимиздан туришга ҳам қўймай, кўрқитиб ётган итни ўзининг халачўпи билан ҳайдаб юборди. Раззоқ бова айтгандай, зўрдан зўр чиқса, зўр кетини қисаркан. Шунча ваҳимаси билан, бу ит чолнинг бир дўқига писиб қолиб, (думини қисиб, демокчийдим-ку, бироқ унинг думи қисиладиган даражада узун эмасди) анча нарига қочиб бориб, ўтириб олди.

- Бизга Чандир деган қишлоқ керак эди? - деди Зиёд ака бироз шаштидан тушиб, бироқ қош-қовоғини очмасдан. - Кечаси адашиб қолдик.

- Тоғнинг остида кўриниб турган қишлоқ Чандир бўлади. - Чол кўли билан тоғ тарафга ишора қилди. - У ёқларда нима ишларинг бор? Меҳмондорчиликками?

У саволни шунчаки, йўлига бериб тургани афтидан кўриниб турарди. Чунки бизнинг туришимиз меҳмонга кетаётган кишиларни эслатмасди.

- Мардикорчилик қилмоқчимиз, - дедим мен шошиб, Устоз ҳаммасини расво қилиб қўямасдан бурун айтиб қолайин деган мақсадда. - Айтишларига қараганда шу томонларда мардикорларга яхши ҳақ тўлашар эканлар. Эшитиб келаяпмиз.

- Бўпти, кетдик, мен ҳам шу томонга, - деди чол эшагига қайтиб миниб олар экан. - Бахтларинг бор экан, менга йўликдиларинг. Бу ернинг одамлари одатда бир жойни сўрасанг тескари томонни кўрсатиб юборишди. Бизникилар юртларига бегоналарнинг келганини ёқтиришмайди.

Биз чолнинг орқасидан ликонглаб йўлга тушдик. Оёқлар унча жиддий лат емаган бўлишига қарамай анча зарар кўрганди, ҳар босганимизда, оғриқ мияга зириллаб етиб борапти. Анча юриб қўйганимиздан сўнг, орқамизга қарасак, бояги ит ҳам бизнинг орқамиздан эргашиб келаяпти.

- Ит роса қариган экан. - Изоҳ берди чол унга ҳайрон бўлиб қараб қўяётганимизни кўриб. - Қариялар мана шунга ўхшаб ҳеч кимга керак бўлмай қоларкан...

Унинг бу гапидан ичида дарди кўп эканлигини англадик-ку, индамай қўя қолдик. Устоз чолдан барибир хафа эди: боя эшакка миндиришга, шошиб қолганидан бўлса ҳам, ваъда қилиб, энди эгардан тушмай кетаётганига ўзини алданган ҳисоблаб бормоқда. Мен унга "ёш боламисиз, эшакка минмаганингизга хафа бўласиз", деб дакки бермоқчи бўлдим, ўзимнинг ҳам пиёда юргим келмаётгани сабабли индамай қўя қолдим.

Қишлоқ яқингина кўринган бўлишига қарамай, анчагина йўл юришга тўғри келди. Чолнинг эшаги юришини тезлаштирди, шиппиллаб кета бошладики, биз Устоз иккаламиз ўзимизнинг ярадор оёқларимиз билан лўққиллаб зўрға етиб борапмиз. Орқада қолиб кетишга эса кўнглиб бўлмаяпти. Биринчидан бояги ит ҳамон бизни кузатиб келмоқда, иккинчидан эса бегона қишлоққа сўппайиб боришни ўзимизга эп кўрмаётгандик. Биров билан эски кадрдонлардай гурунглашиб кириб борганда, кўрган кишига ҳам бошқача таъсир қилади. Ҳар ҳолда улар биздан унчалар ҳам бегонасирамайди.

Чолнинг исми Келди бова экан. У ўзини шундай деб таништирди. "Бова" деган қўшимча аслида қўшимча эмас, исмининг давоми экан. Устоз ўзини маданиятли кишилардай тутиб, бир-икки марта Келди ака, деганди, чолга ёқмади: менинг исмим Келди бова, агар жуда хоҳласангиз Келди бова ака, десангиз ҳам бўлади, деб дакки берди. Кейинчалик билсак, унинг болаликдан исми шунақа экан. Лекин паспортига шундай деб ёздирилмаганмиш.

- Селсоветдагилар кўнмади, - деди унинг ўзи, - бошпўртга аммасиям, тоғасиям ва ҳатто холасиям ёзилмайдди, деб туриб олишди. Кўндиролмадим. Бели синмаган қизил ўнталикни тикиштирдим ҳам бўлмади. Қайтанга пулдан айрилиб қолдим.

Биз ҳам шунга кўниб, чолни "Келди бова" дея қолдик, "ака"синиям қўшиш, ёки яна битта "бова"ни ёпиш-



тириб айтиш ўнғайсиз.

Чол қишлоққа кириб борганимиздан кейин, хайр-ўшлашиб, ўз йўлида равона бўлмоқчи эди, Устоз унинг енгиздан ушлади:

- Сизларнинг томонларингизда меҳмонни кўчанинг ўртасида ташлаб кетишаверадими? - Аслини олганда Зиёд ака унчалар сурбет одам эмас, бироқ айна пайтдаги ҳолатимиз шуни талаб қилиб турибди. Агар шу чолни ҳам индамай қўйиб юбораверсак кечаси яна итлар куршовида, беда фарамларининг устида ухлаб чиқишимиз аниқ. - Бизларни бирор-бир бойваччаларингизга таништириб қўймайсизми?

Чол унча кўнглидан инсонлардан эмас экан, йўл чегида тупроқ чанғитиб, ўйнаб ўтирган бир болани чақириб, бизни Тўракулниқига олиб боришни тайинлади:

- Бу акаларинг шу одамниқига меҳмонга келишарми экан, — деб тушунтириб қўйди гапининг охирида ва индамай эшагига хала бериб, жўнаб қолди.

Биз етти ёшлардаги, ярим яланғоч, иштони кир босган болакайга эргашиб кетиб бораяпмиз, ҳамма бизга қарайди: иккаламиз икки томонга қараб оқсоқланиб бораяпмиз, менинг шиминг унчалар беобрў эмас, Устозники нақ тепасигача йиртилиб борган, оппоқ, жундор сонлари кўриниб кетаяпти. Бунақасини американинг киноларида ҳам кўрмаган бу қишлоқнинг одамлари, ҳайратдан ёқа ушлаб қолмоқда, бирортасининг бизга бир нарса дейишга ҳадди сиғмайди. Жиннилар деса, сал ўшамайроқ турибмиз — башараларимиз ақллигимиздан дарак беради, соғ одамга эса умуман ўшамаймиз. Кишиларнинг кўнглидан булар турмадан қочган жиноятчилар бўлсалар керак, деган хавотир ҳам борга ўхшайди. Шу сабабли ҳам гап отишга чоғланишолмаяпти.

Қишлоқ анчагина катта экан. Бироқ худди ер етмай дигандай уйлар бир-бирига қапиштириб, пала-партиш қилиб қурилган, йўл ҳам, ариқ бир жойда, яъни йўлнинг ўртасидан шарқираб сув оқиб ётибди. Тоғ тағида жойлашган эмасми, ҳаммаёқда тош — деворлар, кўчалар, уйлар ва ҳатто тоқзорга ўрнатилган кўриқчилар ҳам тошдан. Бундай бир жойда биз — икки мардикорни боқишга лойиқ пули бор бойнинг борлигига ҳам шубҳалана бошладим. Ҳали очликдан ўлиб кетмасак майли эди шу юртларда, деган хавотир кўнглига тинчлик бермай қўйди. Айна пайтда овқатни ўйлашимнинг асосий сабаби, ўлардай очикқан, оёқларимдан мадор кетганиди. Зиёд аканинг ҳоли ҳам меникидан яхшироқ эмасди.

Тўракул ака деганлариники анча ҳашаматли иморат экан — ҳатто шаҳарда ҳам бунақасини топиш қийин: икки қаватли уй оппоқ тошдан, чиройли ва текис қилиб кўтарилган. Тошнинг атрофига терилган пишиқ гишларга шу қадар ихлос билан ишлов беришибдики, ялтираб, кишининг кўзини қамаштиради. Темир дарвозаси ҳайҳотдай — бутун бошли КамАЗ сиғиб кетавераси.

Индамасак болакай, орқасига қайтиб кетмоқчи. Уни шаштидан қайтаришга тўғри келди. Ичкаридан уй эгасини чақириб беришни сўради. Уйда ҳеч ким бўлмади, унда нима қиламиз. Чўнтақда пул йўқ, ҳеч кимни танимаймиз. Назаримизда мана шу етти яшар болакай бизнинг халоскоримиздай туюлаётганди. Гўёки у кетиб қоладиган бўлса дунёнинг бу гўшасида бизлар кимсасиз қоладигандай.

Болакай ердан каттароқ тошни олиб, дарвозага ура бошлади. Тезда ичкаридан бир жувоннинг қичқириви эшитилди:

- Кўлгинанг сингурлар, ҳозир чиқиб ушлаб оладиган бўлсам, териларингга сомон тикаман.

Бунақа овоздан кейин, кишининг кўнглидаги ҳар қандай ширин хаёллар чўчиб, ҳар ёнга учиб кетишади. Айна пайтда ҳам шундай бўлди. Хаёлларга қўшилиб, болакай ҳам, "бўлмас мени кетдим, ҳозир эшикни очишади", деганича шаталоқ отиб қочиб қолди. Иккаламиз бир-биримизга термулганча, нима қиларимизни билмай, қотиб туравердик. Бир хаёл болакайга қўшилиб, қочмоқчи бўлдиқку, бироқ қувиб, етиб олишса, шарманда қилишлари аниқ, бунинг устига болакайдан фарқли ўлароқ, бизларнинг борадиган жойимиз бўлмаси, охириқабатда барибир шу ерга айланса келади деганга ўхшаймиз. Соғлом ақл бизга шуни маслаҳат берарди.

Кўп ўтмай, дарвозанинг ўртасидаги кичкина эшиги очилиб, бир жувоннинг боши кўринди. Илк қарашда унинг қизми, кампирлигини аниқ билолмадим. Биринчидан кўрқиб тургандим, иккинчидан эса очликдан кўзларим хиралашиб бораётгандики, тасвир бошлиқнинг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосарининг хонасидаги, алақачонлар экрани "ўтириб" қолган рангли "Радуга" деган телевизорниқидан ҳам хиралашиб кетганди.

- Ким таққиллатди? — жаҳл билан сўради ҳалиги бош.

- Биз эмас... — Устоз яна нимадир деб чиналдию, лекин овозининг қолган қисми ичидан тўлиқ чиқмади.

- Вой, бу нима юриш?! — калла ўзини ичкарига олди.

- Жинимисизлар ёки алкашми?

- Соғмиз, фақат қорнимиз оч, — дедим мен дарров. Гапни аниқ ва лўнда айтмасам эшикни ёпиб кетиб қоладигандай туюлди. — Шошманг, кетиб қолмай туринг, сизга зарур гапимиз бор эди...

- Ийртиқ иштон билан бировнинг уйига келгани уялмидларингизми? — эътибор берсам, ичкаридан келаётган овоз жуда жарангдор экан.

Шу гапдан кейингина Устозга қарадим, у ўнг оёғини олдинга қўйганча, сояда оқариб кетган сонларини кўрсатганча гердаиб терибди. Унга "оёқни ёпинг" деган ишорани қилдим.

— Бизларни кучуқлар талади, — дедим овозимга ғамгинлик тусини бағишлашга ҳаракат қилиб.

— Сал қолди, суяқларимизни ҳам ғажиб ташлашларига. Бу ерларда бизларнинг танишларимиз йўқ эди...

- Кимнинг кучуги қолди? — ичкаридаги кишининг биз билан гаплашиш хоҳиши борлиги сезилиб қолди.

- Билмайман, далада дайдиб юрган бир гала кучук ўртага олиб, роса торқилашди. Бизларга ўхшаб улар ҳам оч экан. — Гапни айлантириб мақсад сари буриб борардим.

Шу пайт қутилмаган ҳолат рўй берди: орқамиздан ваҳима билан итнинг вовуллаган овози эшитилди. Қайрилиб, ўзимиздан уч одим нарида бояги итни кўрдик. У энди аввалгидай тажовуз қилмаётганди, бироқ афт-ангори кўрқинчли эди, ким билади унинг кўнглида нима-малар кечаяпти. Лекин унинг хуриши жуда ўрнига тушганди. Дарвоза орқасидаги киши унинг овозини эшитиб, қизиқиши ортиб кетди, чамаси, яна дарчани очиб, мўралади. Мен фурсатни қўлдан бермасликка ҳаракат қилдим:

- Ана кўрдингизми, бу ярамас орқамиздан қолмасдан, эргашиб юрибди, қачон булар йиқилиб қоларкану, мен суяқларини ғажирканман, деб. Биз эса аноийлардан эмасми, унча-мунчага йиқиладиган эмасми. Бироқ агар ҳозир сиз ҳам ҳайдаб юборадиган бўлсангиз, унда аниқ манави қари итга ем бўламиз. Чамаси буяқ бизлардан-да очикқан кўринади.

Гапириш жараёнида дарчадан кўриниб турган бошга яхшилаб разм солдим: йўқ, бу кекса эмас, балки бўй етган қиз экан — буғдойранг юзлари тўлишган, кўзлари чақнайди. Тим қора сочи пешонасига тушиб турибди. Уятданми, қизиқшданми, икки юзи қизариб турибди. Енгилгина табассум қилганди, оппоқ, садафдек тишлари ярқираб кўринди ва менинг хаёлимни қочирди. Бу каби табассумга кишининг дош бериши қийин эди. Нигоҳларни айтинг, нигоҳларни — ҳали умрим бино бўлиб бунақасини учратган эмасдим. Менга негадир улар табассум қилаётгандай бўлиб туюлди.

Устоз ўзининг жунли сонларини беркитиб олган эмасми, қиз бу сафар яширинмади:

- Кимнинг кучуги бу? — негадир унинг саволи айна дамда ўнғайсиздай туюлди — ким очдан ўламан деяпти, ким эса ит билан қизикади.

- Бунинг кимлигини билмаймиз, ҳали танишганимиз йўқ, — дедим мен тиржайишга ҳаракат қилиб, ҳар ҳолда шаҳар кўрган йигитимиз, қизлар билан мулоим гаплашиш лозимлигини биламиз, айниқса уларга ишингиз тушиб турганда жуда эҳтиёткор ва маданиятли бўлиш лозим. — Агар уйларингиздан бирорта нон олиб чиқиб бермасангиз, танишолмасак ҳам керак.

Қиз, "ҳозир" деганча ғойиб бўлди. Бундан Устознинг кайфияти тушиб кетди: буяқ қочиб қолди, яна ҳеч кимга



керагимиз йўқ бизларнинг.

Менимча эса бу қиз қайтиб келиши керак эди, негадир унинг кўзларига қараб, унинг раҳмдил эканлигини, бизларни шу ҳолимизча ташлаб қўймаслигини, ҳеч бўлмаса яримта нон олиб чиқиб беришини ҳис қилдим, шунга ишондим, ишонгим келди. Ахир шу ҳолимизча, кўчада қолиб кетмасак керак-ку, кимдир барибир яхшилик қилиши лозим. Фикрим тўғри бўлиб чиқди: тезда дарича очилиб, ҳалиги қиз кўринди – кўлида яримта, ялтираб, қизариб турган тандирда ёпилган нон. Шаҳарда бунақасини пиширмайдилар. Болалигимда онам пишириб берардилар бунақасини – роса ширин бўларди. Бир ютуниб қўйдим. Шудан кейин, қиз ташқарига чиққани сабабли ҳам, унга қарадим – у кўлидаги нондан-да ширин туюлди мен учун: эгнида кичик-кичик зангори гуллари бор, қизил читдан тикилган, энгсиз кўйлак, оёғида калиш, узун сочини битта қилиб ўриб қўйган, ўзига жуда ярашиб турарди. Қомати тик, бугдойранг тусли қўлининг териси бир текис ва тоза эди. На бир тақинчоғи бор ва сирғаси бор эди. Юрагим ҳалқариб кетди. Ўзига оро бермай, оддийгина кийиниб олгани уни шунчалар улуғвор ва гўзал қилиб кўрсатиб турардики, чопиб бориб, кучоқлаб олгим келди. Ҳали умримда ҳеч қачон ҳеч кимни шунчалар яхши кўриб кетмаганман. Шаҳарнинг олифта қизлари бу қизнинг мана шундай туришини бир кўрсалар эди, дейман ўзимга ўзим, юраклари ёрилиб ўлиб қолардилар.

Мен анқайиб турганимда қиз итни чақира бошлади:

- Ма, баҳ-баҳ.

- Эй, нима қилаяпсиз? – Устознинг ҳуши жойида эди, тўғрироғи қизнинг кўлидаги нонда эди, шу сабабли унинг ниғатини дарров фаҳмлаб, юз бериши мумкин бўлган фавқулода ҳолатнинг олдини олмоқчи бўлаётган экан. Мен буни кейин, ўзимга келганимдан сўнг тушундим.

- Шуни бизга бериб қўя қолинг, – шундай деб Устоз қизга яқинлашди.

- Унга кўчада егулик кўп, камига кечаси билан бизнинг оёқларимизни ҳам фажиб чиққан. Бизларга қийин бўлаяпти. Унинг оёғидан бирор парчасини узиб олайлик десак иложи йўқ, биринчидан жуни кўп, иккинчидан жаҳли тез экан.

Мен Устозга итниқандай бўлмасада, сал камроқ бўлган жунли оёғини яшириб олишни шаъма қилмоқчи бўлгандим, улгурмадим.

Бирок ит ҳам ўзининг ҳақини бировга бермайдиганлар хилидан экан, лип этиб, Устоздан олдинроқ қизнинг ёнига етиб борди ва нонга томон тумшугини чўзди. Қиз Зиёд аканинг важоҳатидан кўрқиб, нонни баланд кўтаргани, Устоз уни олиб қўйди. Ит ириллаб ташланмоқчи бўлдику, бироқ Устознинг жаҳли жуда қаттиқ чиққанди, тўрт оёқда туриб ит билан талашшига ҳам тайёр эди. Буни кучук дарров тушуниб, бироз орқага тисланди. Лекин ириллашини бас қилмади. Устоз унга эътибор бермай, йўл четидаги катта харсангга ўтириб, ҳалигача қизга лол бўлиб термулиб ўтирган мени чақирди:

- Анқаймай бу ёққа ке. Бўлмаса анави ит ҳақингни еб қўяди.

Мен у кишининг ёнига бориш учун бурилгандим, қизнинг кўнғироқдай овози қулогим остида жаранглади:

- Сиз манавини оласизми?

Шарт ўгирилиб, қизнинг менга томон қўл чўзиб турганини кўрдим. Ҳайрон бўлдим, нега бунақа қилаяпти, деб. Яхшилаб разм олсам, унинг кўлида бир совоқ ип ўтказилган игна турарди.

- Акангизнинг шимини тикиб оларсизлар... — шундай деганча қиз яна бир қулиб қўйди.

Игнани олиб, жойимда қотиб турганимда у орқасига бурилиб, уйга кириб кетди. Мен эса ниҳоят очофатдай нонга тармашган Устознинг ёнига келиб ўтирдим. Негадир қорнимнинг очгани ёдимдан кўтарилди, иштаҳам бўлмай қолди. Зиёд ака қизганчилик билан, қўллари қалтираб, бир бўлак нон узатгани, олишимни ҳам, олмаслигимни ҳам билмадим. Олмайин десам, қорним боёқ эди ва яна, агар анави қиз ёдимдан кўтарилса оватчлангим келиб қолади. Олайин десам, иштаҳам йўқ.

Эндигина рад қилмоқчи бўлиб тургандим, бизнинг

рўпарамизга ётиволиб, Устознинг очофатлик билан нон чайнашига ҳавас билан, сўлаги оқиб томоша қилаётган итга кўзим тушиб, шаштимдан қайтдим: нима бўлганда ҳам бу юртларда бизнинг энг эски ва қадрдон танишимиз, айни дамда шу эди. Уям, тадбир бўйича сафарга чиқмаган бўлишига қарамай, бир сабаб билан уйдан қувилган, бечорага ўхшайди. Нонни олиб, унга ташладим. Менинг бу қилигим Устоз томонидан жуда талбий қабул қилинди, айтиш лозим, дастлаб, эҳсонаси чиқиб кетгудай бўлди. Кейин, меникни ҳам тортиб олмасин, деган ўйда нонини маҳкам чангаллади. Мана очлик кишини не куйларга соларкин. Кечагина маданиятли одам эди, ҳатто Моцартнинг куйлари хусусида бир-икки оғиз фикр ҳам билдиргандай бўлувди. Бугун эса отасини ҳам танимайдиган ҳолда, нонга ёпишиб ўтирибди.

Устознинг нафси бироз қондию, очофатлигидан ҳикичок тутиб қолди. Шу ердан шарақлаб оқиб ўтаётган ариқдан бир-икки ҳовуч сув ичгачгина тинчиди. Кейин у игна билан шимини тикишга тушди. Бу борада унинг қўли касовдек бир гап экан. Уликнинг қорнини тикадиган чоклардан қилиб шимни илаштириб чиқди. Бунгача эса тўрт марта сонига игнани тикиб ҳам олди. Менинг жинсимнинг эса тикадиган ҳоли йўқ эди. Унинг балоғини бир йўла узиб олишганди.

Игна бўшагандан кейин, баҳона қилиб, дарвозани таққиллатдим, қизни жуда-жуда кўргим келаётганди. Ичкаридан тезда бояғи қиз чиқди, игнани кўлига тутқаздим ва ўзимнинг кўполдан-кўпол (ўзимга шундай туюлди) овозим билан дедим:

- Кимга раҳмат айтишимиз керак?

- Ҳеч кимга, – қиз ҳайрон бўлди. – Нега раҳмат дейиш керак экан?

- Тушунмадингиз, исмингиз нима, демоқчи эдим. — Англадимки, менинг ўта маданиятли гапим, шаҳарликларнинг услубини қизгина тушунмади.

- Насиба! – деди соддагина қулиб қиз. – Нимаиди?

Нима эканлигини ўзим ҳам билмасдим. Ҳаётдан ҳам норози бўлиб кетдим: шундай гўзал бир қиз дунёда яшаб юрсаю, мен унинг борлигини ҳам билмасам, билсам-да, у билан яқиндан танишолмасам, ўтириб гаплашолмасам. Нега мен айнан мана шу қишлоқда, анави, пастақкина бўлса ҳам, қўшни уйда туғилмаганман?

- Ҳеч нима, – дедим гўлдираб. – Бу уй адангизникими?

- Ўзимизники, — тузсиз саволга тузсизроқ қилиб жавоб берди у. – Дадамни танийсизларми? Нима ишларингиз бор эди?

- Аслини сўрасангиз биз... – гап шу ерга келганда нима дейишимни билмай қолдим. Мардикорчилик қилиб юрибмиз, иш излаяпмиз, дейишга тилим бормади. Қизнинг олдида жуда улуғвор бўлиб туюлгим келди. Милицияда ишлаймиз, жиноятчини қидириб юрибмиз дейиш эса тўғри келмайди, шунча тоат-ибодат бир пул бўлиб кетади. – Биз...

Бошимни қашиганча, нима дейишимни билмай бақрайиб туравердим.

- Биз иш излаб юрибмиз, мардикорчилик қилмоқчи эдик. Кўчада учраганлар сизларникига юборишди. Иш топилади шу кишиникида дейишди. – Устоз ўтирган жойида гап отди. Унга ҳеч нарсага фарқи йўқ эди. Агар Замира опани топадиган бўлсак, бунинг ҳам бир шармандасини чиқармоқчи дилимга тугиб қўйдим.

- Шундай... – тасдиқладим мен ўзга илож қолмаганидан кейин бўйнимни эгиб.

- Билмадим, дадам ҳал қилади бунақа нарсаларни. — Қизнинг юзида ўзгариш бўладими, деб жиддий кузатдим, сезилмади. Унинг учун бизлар гадоими, мардикорми, фарқи йўқ эди. – У киши бозорга кетгандилар. Пешинга яқин қайтадилар... Мен кетдим бўлмаса...

Насибанинг гаплари менга тобора ёқиб қолаётганди. Икки ўртада ҳеч нарса йўқ-ку, кетишга мендан изн сўраяпти.

- Майли, – дедим чўзиб ва мулоимроқ гапиришга ҳаракат қилиб. – Бизлар шу ерда кутиб турсак бўладими адангизни. Одамлар гап қилмайдиларми?

- Йўқ. Нима ишлари бор.

Шундай деганча Насиба дарчани ёпиб, ичкарига ки-



риб кетди. У билан менинг хаёлим ҳам кетиб қолди.

\*\*\*

Эшикнинг тагида кўп ўтиришга тўғри келди. Бу мен учун анча завқли эди. Насиба ана чиқиб қолади, мана чиқиб қолади, деган умид билан кўзларимни дарвозадан узолмай қолдим. Аксига олгандай ундан дарак бўлавермади. Шулар ҳали ҳам ўтирибдимиз, йўқми, деган қизиқиш билан, жўрттага бўлса-да бир мартаям қараб қўймади. Устознинг бироз нафси қониб, тинчланиб қолди. Ҳамон бизга бақрайиб ўтирган итга ҳар хил латифалар айтиб бера бошлади. Аслида уларни мен учун айтаётгандику, менинг қулоғимга ҳеч нарса кирмаётганди. Ит эса жуда берилиб, бошларини қимирлатиб, кўзларини пирпиратиб эшитарди. Зиёд ака ҳар учта латифанинг ўртасида менга кулмаётганимни таъна қилиб қўйгандан кейингина бир тиржайиб, унинг сурбетлигидан қутилиб, яна хаёлларимнинг орқасидан эргашиб кетиб қолардим.

Устоз ит билан жуда жиддий шуғулланиб қолди. Унинг мискин ҳолда ётиши кўнглининг энг нозик торларини чертиб юборганга ўхшарди.

- Бунга ном қўйиб олишимиз керак, — деди Зиёд ака ўзи билан маслаҳатлашгандай қилиб. — Ҳам чиройли, ҳам мазмунли бўлсин. Эшитган одамнинг дарров ёдида қолсин. Меҳри товлаб кетсин...

Бироқ у айтган чиройли ном қайда экан, айна пайтда унинг калласида қандай қилиб "Чалпак" - Воситдан ўч олиш, меникида эса Насиба. Ўйлай-ўйлай тайинлироқ ном тополмади. Овоз чиқариб ўйлашда давом этди:

Ўзининг тили бўлса экан, шартта шу пайтга қадар нима деб қақаришганини айтиб берсаю, бизни бу ташвишдан қутқарса... Афсуски, тили йўқ-да. Айтолмайди... Олапар, Бўйноқ деган номларни қўйсақ бўлардику, бироқ жуда консерватив, замонанинг руҳи сезилмайди, бугунги кун кайфиятини ифодаламайди... Бугунги куннинг модний номлари қандай? Бир пайтлар бизда қўйга ҳам, молга ҳам "Миша" деб исм қўйиб олиш русум бўлганди. Аммо у даврлар ўтди. Энди бунақаси кетмайди. Куннинг долзарб масалаларидан келиб чиқшимиз керак... Нима деб номласак экан... Мана бошогриқ. Агар Чалпак шумлик қилмаганида шу пайт, кечки хизматлар учун куч тўплаб, уйда ухлаб ётган бўлардиқ... Ярамас Восит... Дарвоқе, итга шундай деб ном қўйсақ ҳам бўларкан. Узига хос ва чиройли... Восит, деб эмас, албатта. Унда бу номга нисбатан катта ҳурмат билдириб юборган бўлаемиз. Чалпак, дейилса чиройли чиқса керак, деган ўйдаман. Аммо, итга ҳалол нарсанинг номини қўйиш мумкинмикин? Шунга нима дейсан, Олим, гуноҳ бўлмайдимиз? Умуман олганда, Воситга қўйишганку, гуноҳ бўлмаган. Бунинг нима кам жойи бор. Демак, Чалпак деб атаймиз, бўладими? Олим, яна Олапар, деб одамни шарманда қилиб юрма. Чал-пак! Зўр, замоннинг, кайфиятнинг руҳи келиб турибди.

Шундай қилиб итимизга ном қўйиб олдик. Устоз итга бир-икки марта шу ном билан мурожаат қилганди, у тилини ялаб, ютиниб қўйди. Демак ёқиб тушди. Бўлмасачи, айна пайтда ичига пиёз қўшилган, ёғда қип-қизил қилиб пиширилган, юмшоқина, иссиққина чалпак бўлганда ким йўқ дерди, ўзимнинг ҳам сўлагим оқиб кетаяпти-ку.

Пешин қайтгандан кейин торгина муюлишда деворларга тегиб кетай деганча оҳиста чайқалиб оқ тусли ГАЗ-31 машинаси кўринди. Бу, шубҳасиз Тўракул ака бўлиши керак. Мен шундай тўхтама қолдим. Ахир бу чекка қишлоқда иккита бой бўлмаса керак.

Айтганимдай бўлиб чиқди. Машина келиб, дарвозага бурилди ва сигнал берди. Тезда даричадан Насиба кўринди ва дарвозани ланг очди. Машина ичкарига кириб кетди ва қиз менга ўзининг ўша сеҳрли табассумини ҳада қилганча, дарвозани ёғди. Бирор нарса деёлмай қолдим.

Тезда Тўракул ака деганлари чиқиб келди. Мен ўйлаганчалик, қориндор, кекса бир киши эмас экан. Аксинча, ўрта ёшлардаги, қорачадан келган, оқ оралаган сочларини орқага тараб олган, юзи тўладан келган, кичикроқ бағбақаси сезилиб турибди, эғнида Reebok фир-

масининг сўнги русумдаги, оқ ва қорамтир ранглар уйғунлигидаги спорт кийими, оёғида кичкина ялтиратиб артилган қора тусли туфли.

- Мени сўрадиларингизми? — бизга яқинлашиб, кўришиш учун қўл узатди у. — Хизмат?

- Биз, иш излаб юргандик, — чайналди Устоз. — Одамлар сизникини кўрсатиб юборишди.

Биз, илк бор шу иш билан шуғулланаётганимиз сабабли ҳам, ўзимиздан ўзимиз уялиб бормоқда эдик. Устознинг юзлари қизариб кетганидан, унга ҳам осон бўлмаётганини англаб турардим. Ўзи тенги, ёки нари борса ўзидан тўрт-беш ёш катта бўлган кишига ялиниб, иш сўраш унинг учун ҳазм қилиб бўлмайдиган ҳолат эди. Менга ҳам унча ёқмаётганди бу. Аммо иложимиз қанча эди, буйруқни бажариш лозим.

- Қўлларингиздан нима ишлар келади? — Тўракул ака дарров мақсадга кўча қолди.

- Бизга жисмоний иш бўлса, дегандик. — Устоз яна чайналди. Мардикорчилик нуқтаи назаридан бизнинг қўлимиздан ҳеч нарса келмасди, шу сабабли ҳам мужмаллашишдан ўзга чорамиз йўқ эди. — Шунақа ишларга ихтисослашганмиз.

- Демак жисмоний иш? — Тўракул ака кулимсиради. Сездикки, у бизнинг ҳеч вақога ярамайдиган дангаса, иш ёқмас кишилар эканлигимизни пайқайди. — Кунига қанчадан сўрайсизлар ўша жисмоний иш учун?

Назаримда у бизнинг устимиздан кулаётганга ўхшарди. Чунки биз унинг дарров бу масалага кўнчилини сира кутмагандик. Ҳар ҳолда бойваччалиги шундай кўриниб турибди. Дарров пулдан олади. Биз эса бу каби саволларга тайёр эмасдик, ҳали бу қишлоқларда ўзимизнинг кунлик баҳоимиз қанча бўлиши тўғрисида ўйлаб ҳам кўрмагандик.

- Билмадик, - деди Устоз ўйлиниб. — Биз оддий мардикорлардан ўн беш-йигирма фоизга камроқ ҳақ олиб ишлашга розимиз. Мусофир инсонлармиз. Икки кун ишсиз қолсак, бозоримиз касод бўлади...

Бизнинг мақсадимиз пул ишлаш бўлмаганлиги сабабли ҳам Устоз тўғри йўлни танлаганди.

- Биз томонларда усталар фақат қоринбай ишлайдилар. — Тўракул ака деганлари роса туллаб кишига ўхшайди. Устоз бойлардан бекорга нафратланмайди.

Устоз "қоринбай" деган гапнинг маъносини дарров чақиб ололмади. Бироз кўзларини пирпиратиб тургач, фаҳмига етди чамаси, лабини тишлади. Шартлар жуда тенгсиз ва ўнғайсиз эди. Мардикорчилик, хизмат ўз йўлига, ҳеч бўлмаганда хизмат жойига қайтиб кетишга лойиқ пул ишлаб топишимиз керак. Аслида энди бизни мардикорчиликка эмас, малайликка ёллашаётганди.

- Бошқа иложи йўқми? — Зиёд ака бошини қашлади. — Бизда бола-чақа бор... уларни боқиш, деганди.

- Бизда эмас, фақат бу кишида, — ўртага суқилдим мен. Ҳар ҳолда, олдини олиб қўйган маъқул. Ким билади, ҳали воқеалар ривожини одамни қайси қирғоқлар томонга олиб кетади.

- Билмадим, - елка қисди Тўракул ака. — Ҳозирча мен сизларга таклиф қила оладиганим шу. Балки кейинроқ миждозлар чиқиб қолар... Менинг ҳам ошиб-тошиб ётган пулим, қолиб кетаётган ишим йўқ. Фақат ўзларингиз келганликларингиз учун, кўчада қолиб кетишмасин, деган мақсадда бир-икки кунга қоринбай иш таклиф қилишим мумкин, холос. Бўлмаса, ўзларингиз биласизлар. Зўрлаш йўқ.

Бизнинг ўзга чорамиз йўқ эди. Тўракул ака ҳам буни жуда яхши англаб турарди. Розини бўлдик. Менга қолса бундан-да оғирроқ шартларга кўнардим.

Бизни ичкарига таклиф қилишди. Икки кундан буён илк бор ўзимизни инсон ҳис қилиб, остона ҳатлаб ҳовлига кирдик. Бу ҳақиқатан ҳам бойнинг хонадонини эди: уйнинг олдида узунлиги ўттиз метрдан ортиқроқ, эни олти метр келадиган супа текис қилиб бетон плитчалар териб чиқилган, дарвозахонанинг ўзиданоқ кишини ваҳима босди — деворларга чиройли қилиб табиат манзаралари чизилган, ҳатто шифтга ҳам мачитларда бўладигандек гулли нақшлар солинганди. Атроф ёғ тушса ялағудек қилиб супирилган. Узун айвоннинг олди бутунлай ойнаванд қилиб ташланган, дарвозахонанинг тепа-



сидаги болахонага чиқадиغان зинапоя шу қадар меҳр билан ишлангандики, кўриб анқайиб қолдим. Бунақасини вилоятимиз банкининг биносидида ҳам учратмайсиз – оқ ва қора мрамардан ишланган.

Бизни шу ердаги улкан ёнғоқ остидаги супага ўтқаздилар.

- Ҳа, аслида эртароқ қайтишим керак эди, - деди Тўракул ака дастурхон ёзиш жараёнида ўртада ноқулайлик юзага келишининг олдини олиш мақсадида. — Лекин машинанинг камири ёрилиб, анча сарсон бўлдим... Дарвоқе, сўрамабман ҳам, отларингиз нима?

Ҳа, аслида эртароқ қайтишим керак эди, - деди Тўракул ака дастурхон ёзиш жараёнида ўртада ноқулайлик юзага келишининг олдини олиш мақсадида. — Лекин машинанинг камири ёрилиб, анча сарсон бўлдим... Дарвоқе, сўрамабман ҳам, отларингиз нима?

Ҳа, аслида эртароқ қайтишим керак эди, - деди Тўракул ака дастурхон ёзиш жараёнида ўртада ноқулайлик юзага келишининг олдини олиш мақсадида. — Лекин машинанинг камири ёрилиб, анча сарсон бўлдим... Дарвоқе, сўрамабман ҳам, отларингиз нима?

Ҳа, аслида эртароқ қайтишим керак эди, - деди Тўракул ака дастурхон ёзиш жараёнида ўртада ноқулайлик юзага келишининг олдини олиш мақсадида. — Лекин машинанинг камири ёрилиб, анча сарсон бўлдим... Дарвоқе, сўрамабман ҳам, отларингиз нима?

Ҳа, аслида эртароқ қайтишим керак эди, - деди Тўракул ака дастурхон ёзиш жараёнида ўртада ноқулайлик юзага келишининг олдини олиш мақсадида. — Лекин машинанинг камири ёрилиб, анча сарсон бўлдим... Дарвоқе, сўрамабман ҳам, отларингиз нима?

Ҳа, аслида эртароқ қайтишим керак эди, - деди Тўракул ака дастурхон ёзиш жараёнида ўртада ноқулайлик юзага келишининг олдини олиш мақсадида. — Лекин машинанинг камири ёрилиб, анча сарсон бўлдим... Дарвоқе, сўрамабман ҳам, отларингиз нима?

Ҳа, аслида эртароқ қайтишим керак эди, - деди Тўракул ака дастурхон ёзиш жараёнида ўртада ноқулайлик юзага келишининг олдини олиш мақсадида. — Лекин машинанинг камири ёрилиб, анча сарсон бўлдим... Дарвоқе, сўрамабман ҳам, отларингиз нима?

Ҳа, аслида эртароқ қайтишим керак эди, - деди Тўракул ака дастурхон ёзиш жараёнида ўртада ноқулайлик юзага келишининг олдини олиш мақсадида. — Лекин машинанинг камири ёрилиб, анча сарсон бўлдим... Дарвоқе, сўрамабман ҳам, отларингиз нима?

Ҳа, аслида эртароқ қайтишим керак эди, - деди Тўракул ака дастурхон ёзиш жараёнида ўртада ноқулайлик юзага келишининг олдини олиш мақсадида. — Лекин машинанинг камири ёрилиб, анча сарсон бўлдим... Дарвоқе, сўрамабман ҳам, отларингиз нима?

Ҳа, аслида эртароқ қайтишим керак эди, - деди Тўракул ака дастурхон ёзиш жараёнида ўртада ноқулайлик юзага келишининг олдини олиш мақсадида. — Лекин машинанинг камири ёрилиб, анча сарсон бўлдим... Дарвоқе, сўрамабман ҳам, отларингиз нима?

Ҳа, аслида эртароқ қайтишим керак эди, - деди Тўракул ака дастурхон ёзиш жараёнида ўртада ноқулайлик юзага келишининг олдини олиш мақсадида. — Лекин машинанинг камири ёрилиб, анча сарсон бўлдим... Дарвоқе, сўрамабман ҳам, отларингиз нима?

Ҳа, аслида эртароқ қайтишим керак эди, - деди Тўракул ака дастурхон ёзиш жараёнида ўртада ноқулайлик юзага келишининг олдини олиш мақсадида. — Лекин машинанинг камири ёрилиб, анча сарсон бўлдим... Дарвоқе, сўрамабман ҳам, отларингиз нима?

Ҳа, аслида эртароқ қайтишим керак эди, - деди Тўракул ака дастурхон ёзиш жараёнида ўртада ноқулайлик юзага келишининг олдини олиш мақсадида. — Лекин машинанинг камири ёрилиб, анча сарсон бўлдим... Дарвоқе, сўрамабман ҳам, отларингиз нима?

Ҳа, аслида эртароқ қайтишим керак эди, - деди Тўракул ака дастурхон ёзиш жараёнида ўртада ноқулайлик юзага келишининг олдини олиш мақсадида. — Лекин машинанинг камири ёрилиб, анча сарсон бўлдим... Дарвоқе, сўрамабман ҳам, отларингиз нима?

Ҳа, аслида эртароқ қайтишим керак эди, - деди Тўракул ака дастурхон ёзиш жараёнида ўртада ноқулайлик юзага келишининг олдини олиш мақсадида. — Лекин машинанинг камири ёрилиб, анча сарсон бўлдим... Дарвоқе, сўрамабман ҳам, отларингиз нима?

Ҳа, аслида эртароқ қайтишим керак эди, - деди Тўракул ака дастурхон ёзиш жараёнида ўртада ноқулайлик юзага келишининг олдини олиш мақсадида. — Лекин машинанинг камири ёрилиб, анча сарсон бўлдим... Дарвоқе, сўрамабман ҳам, отларингиз нима?

Ҳа, аслида эртароқ қайтишим керак эди, - деди Тўракул ака дастурхон ёзиш жараёнида ўртада ноқулайлик юзага келишининг олдини олиш мақсадида. — Лекин машинанинг камири ёрилиб, анча сарсон бўлдим... Дарвоқе, сўрамабман ҳам, отларингиз нима?

Ҳа, аслида эртароқ қайтишим керак эди, - деди Тўракул ака дастурхон ёзиш жараёнида ўртада ноқулайлик юзага келишининг олдини олиш мақсадида. — Лекин машинанинг камири ёрилиб, анча сарсон бўлдим... Дарвоқе, сўрамабман ҳам, отларингиз нима?

Ҳа, аслида эртароқ қайтишим керак эди, - деди Тўракул ака дастурхон ёзиш жараёнида ўртада ноқулайлик юзага келишининг олдини олиш мақсадида. — Лекин машинанинг камири ёрилиб, анча сарсон бўлдим... Дарвоқе, сўрамабман ҳам, отларингиз нима?

Ҳа, аслида эртароқ қайтишим керак эди, - деди Тўракул ака дастурхон ёзиш жараёнида ўртада ноқулайлик юзага келишининг олдини олиш мақсадида. — Лекин машинанинг камири ёрилиб, анча сарсон бўлдим... Дарвоқе, сўрамабман ҳам, отларингиз нима?

Ҳа, аслида эртароқ қайтишим керак эди, - деди Тўракул ака дастурхон ёзиш жараёнида ўртада ноқулайлик юзага келишининг олдини олиш мақсадида. — Лекин машинанинг камири ёрилиб, анча сарсон бўлдим... Дарвоқе, сўрамабман ҳам, отларингиз нима?

Ҳа, аслида эртароқ қайтишим керак эди, - деди Тўракул ака дастурхон ёзиш жараёнида ўртада ноқулайлик юзага келишининг олдини олиш мақсадида. — Лекин машинанинг камири ёрилиб, анча сарсон бўлдим... Дарвоқе, сўрамабман ҳам, отларингиз нима?

Ҳа, аслида эртароқ қайтишим керак эди, - деди Тўракул ака дастурхон ёзиш жараёнида ўртада ноқулайлик юзага келишининг олдини олиш мақсадида. — Лекин машинанинг камири ёрилиб, анча сарсон бўлдим... Дарвоқе, сўрамабман ҳам, отларингиз нима?

Ҳа, аслида эртароқ қайтишим керак эди, - деди Тўракул ака дастурхон ёзиш жараёнида ўртада ноқулайлик юзага келишининг олдини олиш мақсадида. — Лекин машинанинг камири ёрилиб, анча сарсон бўлдим... Дарвоқе, сўрамабман ҳам, отларингиз нима?

Ҳа, аслида эртароқ қайтишим керак эди, - деди Тўракул ака дастурхон ёзиш жараёнида ўртада ноқулайлик юзага келишининг олдини олиш мақсадида. — Лекин машинанинг камири ёрилиб, анча сарсон бўлдим... Дарвоқе, сўрамабман ҳам, отларингиз нима?

Ҳа, аслида эртароқ қайтишим керак эди, - деди Тўракул ака дастурхон ёзиш жараёнида ўртада ноқулайлик юзага келишининг олдини олиш мақсадида. — Лекин машинанинг камири ёрилиб, анча сарсон бўлдим... Дарвоқе, сўрамабман ҳам, отларингиз нима?

Ҳа, аслида эртароқ қайтишим керак эди, - деди Тўракул ака дастурхон ёзиш жараёнида ўртада ноқулайлик юзага келишининг олдини олиш мақсадида. — Лекин машинанинг камири ёрилиб, анча сарсон бўлдим... Дарвоқе, сўрамабман ҳам, отларингиз нима?

ишончлироқ чиқди. Мен шундай хулосага бордим. Раззоқ бова айтганидай, шундай йўқ эди, бовам бозордан келди.

Тўракул аканинг энг шубҳаланган жойи бу бизнинг териларимиз бўлди. Улар офтоб кўрмаганидан пахтадай оппоқ ва қўларимиз эса аёлларникидай юмшоқ эди. Булар эҳтимол аслида унчалик ҳам оқ ва юмшоқ эмасдир, аммо бу қишлоқ одамларининг ранги ва қўли олдида шубҳасиз шундай эди. Эътибор бериб қарасам, менинг билагим, Насибанинг юзидан-да оқроқ экан. Аммо барибир тақдирини синаб кўрмоқчи бўлди, чамаси.

Бизни шу куннинг ўзидаёқ ишга солиб юборишди. Тўракул ака ҳовлининг тўридан янгича, катта бир ҳаммом кўрмоқчи экан. Шунинг пойдевори учун белгилаб қўйилган хандақларини қазигишга киришдик. Умрим бироқ бўлиб бу қадар оғир ишни кўрган эмасман – тоғ яқин эмасми, ер деганларида тошдан ўзга нарса йўқ. Озроқ қина тупроқ ҳам тошларни цементдай мустаҳкамлаш учунгина хизмат қиларкан. Фарҳод каби чўкич билан тош ўйишга киришиб кетдик. Бу ҳолат Устозни унчалар қувонтирмади. Тўнғиллай-тўнғиллай уч даққа ўтиради, бир дақиқа ишлайди. Ишламай, десак бўлмайди, энди бу хизмат учун эмас, балки ўзимиз учун керак, вазиятнинг қулига айланиб қолганлигимиз сабабли ҳам, шундай ўзга чорамиз йўқ. Жиноятчини кузатиш ва тутиш тўғрисидаги фикрлар аллақачон хаёлимиздан ҳам кўтарилиб кетди. Ва, ҳатто бир пайтлар милицияда ишлаганимизга ҳам шубҳалана бошладик. Айтишганидек, бу анча бурун содир бўлган ва ёлғон эди. Биз ҳаётимиздаги бундай, бир юз саксон градуслик ўзгаришни ҳазм қилолмай қолгандик. Шунинг учун ҳам ё олдингисига, ёки айни пайтдагисига ишониш лозим эди, уларнинг иккиси ҳам рост бўлиши ақлимизга сиғмаётганди. Чунки бунга умуман тайёр эмасдик. Ахир уч кун бурун ҳам, биз бир бойваччанинг қўлида, фақат қорин тўйдириш учунгина қора терга ботиб ер қазимизни хаёлимизга ҳам сиғдирилмасдик. Аммо мана, шундай қилиб ўтирибмиз.

Кечга бориб, Устоз иккаламиз бутунлай чарчаб қолдик. Қўлларимиз, оёқларимиз қалтираб, тириша бошлади. Қўлимизга ҳеч бало кўринмайдиган ҳолатга келдик. Фақат мен, ҳовлида Насиба кўринди, дегунча чўкичга ёпишаман. Зўр бериб, уни ерга ура бошлайманки, тошлардан олов чақнаб кетади. Устоз эса менинг бу ҳолатимга эътибор ҳам бермайди. Мен Устозчалик тушқунликка берилганим йўқ. Ҳатто шу ерларда бир умрга қолиб кетишга ҳам рози эдим. Бу каби аҳмоқона фикр ҳали ҳеч қачон менинг калламга келгани йўқ эди, менга нималар бўлаётганини яхшироқ тушуниб етолмай ҳайрон бўлиб турибман. Зўр бериб, чарчаганимга, толиқганимга ҳам эътибор бермай, ишларканман, икки кўзим уй томонда – Насиба кўриниб қолармикан, нима ўш қилаёттикин, деган ўй менга сира тинчлик бермайди. У ўзининг қизил чиг қўйлагини хилпиратиб чиқиб қолди дегунча, юрагим дупирлаб қолади. Югуриб бориб, бағримга босгим, сочларини силагим келади. Нега? Билмайман. Ўзимнинг бу ҳолатимдан норози бўлиб кетаман. Мен у учун кимман? – деб ўзимга ўзим савол берман ва жавоб ҳеч қачон тинчлантирадиган даражада бўлмайди. Ҳаётки Насиба билан яқиндан танишмай, мана шундай узоқдан тўрт-беш кун кўриб, кейин кетиб қолсак ва у биз аслида ким эканимизни ва нима мақсадда бу томонларга келганимизни ҳам билмасам. Одамга алам қилиб кетаркан. Ахир мен фақат қорни учун ишлаб юрадиган, ўз қадрини билмайдиган, ватансиз алкаш эмасман-ку. Буни эса Насиба билмайди, хаёлига ҳам келтирмайди. Унинг учун мен оддий бир хизматкор. Ҳатто, ҳозирнинг ўзидаёқ менинг яшаб юрганимни унутиб юборган бўлса керак. У учун менинг биғиллаб юзига қўнган чивинчалик аҳамиятим йўқ. Куйиб кетаман.

Ичим ёниб, Устозга қарасам, у оҳ-воҳ қилиб, осмонга термулиб ётган бўлади. Уч кун бурун Замира опанинг ишқиди ўлдим-қуйдим қилиб юрган эркакнинг ётишини қара, дейман ўзимча. Менинг назаримда бировни яхши кўрган эркак бунчалар бўш, йиғлоқи ва тез шарчайдиган бўлмаслиги лозим. Яхши кўрган одам қандай бўлиши-



ни эса аниқ билмайман, бироқ манавинга ўхшамаслиги лозим.

Бизга ўша қари ёнғоқнинг остига жой қилиб беришди.

Биз учун ташлаб кетишган тўшаклар унчалар оҳорли деб бўлмасди. Бунақа тўшакларда, ҳатто ишхонамизда ҳам ётмаган бўлардик. Аммо, ҳар ким ўз ўрни ва ўз жойини билгани дуруст экан. Буниси етмагандай, эгнимиз ҳам тупроққа ағнайвериб, расво бўлиб кетганди. Индамай тўшакка кирдик.

Кечаси бу томонлар роса совуқ бўларкан. Бундан ташқари ёзнинг ҳовури босилган, куз келмоқда эди. Ярим кечасидан кейин жуда совуқ бўлиб, иккаламиз ҳам қалтираб чиқдик.

Уч кун деганда биз ҳаммомнинг остини қазиб, пой-девори учун бетон қуйиб бўлдик. Шу кунлар давомида она сутимиз ҳам оғзимизга келди. Бошқа бирор йўлини топайлик десак, имконимиз йўқ. Биров бизга пулик иш таклиф қилмайди, борэ, деб бу хонадондан кетиб қолгандай бўлсак, овқатсиз ва шу эски тўшакларсиз кўчада қолиб кетишимизни ўйлаб, шайтонга ҳай берамиз. Иш жонга теккан пайтларда Чалпақни сўкаётган чоғимизда бу юртларга нима учун келганимизни ҳам ёдга олиб қоламиз. Шунда, ишга киришимиз лозимлигини бир-биримизга уқтириб, ўзимизча ҳаракат қилган бўламиз, натижа эса кўринмайди. Бир-иккита кўчадан ўтган одамларни гапга тутиб, бирор нарса аниқлаб олмақчи бўлгандик, натижа чиқмади: биз аниқроқ қилиб сўролмадик, кўрдик, улар эса бизнинг сермаъно гапларимизнинг мазмунини илғаб олишолмади.

Бу кунлар давомида бизнинг энг яқин сирдошимиз йўлда йўлиққан кучугимиз – Чалпақ бўлди. Унга маза, биз ишлаймиз у томоша қилади, кейин овқатга чиққанимизда эса, узокдан турганича, Насиба итни ёқтирмас ва бу жонзотларни айвонга яқин йўлатгани кўймас экан, вовиллаб, ўзига ҳам овқат келтиришимизни талаб қилади. Бу аллақандай олифта, қолсуяк кучуққа ўхшарди. Бунинг жинсдошлари дала-дашларда ўзига егулик қидириб, топиб, кун кўриб юрибди, у эса берсанг ейман, урсанг ўламан, қабилида ётволади. Уни айнан мана шу – олифталиги учун ҳам уйдан қувиб юборишган бўлсалар керак. Биз унинг бу хусусиятини қанчалар ёмон кўрмайлик, барибир овқатлантиришга, боқишга мажбур эдик. Ҳолбуки, уни бу дунёда биздан-да яхшироқ ва аниқроқ тушунадиган одам ҳам, ит ҳам йўқ эди. Бизларнинг тақдирларимиз уйқаш эди.

Мени шу кунлар ичидан инсон қанчалар осон малайга айланиб қолиши мумкинлиги фалсафаси қизиқтирди. Ҳа, айнан малайга, мардикорга эмас. Мардикор деганлари ўз қадр ва нархини билган одам. Малай эса бизга ўхшаб на нархини ва на қадрини билади. Биладию, имконини тополмайди. Кўнгли бўшлиқ қиладимми, ёки бизга ўхшаб хизмат вазифасини бажарадимми, ишқилиб, бу ҳолатга тушиб қолиш жуда осон экан-ку, чиқиб кетиш қийин. Шундай пайтларда бизга фақат Горькийнинг ҳаётигина тасали берди. Устозга: “хавотир олманг, шу ёзувчига ўхшаб кун келиб бизлар ҳам зўр одам бўлиб кетамиз”, - десам, “нима, миждиядан бўшаймизми?” деб саволни кўндаланг қилиб қўяди. Шундан кейин унга бошқа ҳеч нарсани тушунтиролмади қоламан. Йўлини тополмайман, ақлим етмайди. Унингча “одам бўлиш” милициядан ташқарида юз беради.

Хуллас оғир ўйлар қуршовида уч кун деганда топширилган ишни бажардик. Насиба эса бу кунларда бизга нон-чой ташиб турди. Кўринишидан қувноқ, маҳмаданага ўхшаб кетса-да, биз билан унча гаплашмасди. Келади, дастурхон, нонни қўйиб, кулибгина “чой ичингизлар” дейдию, қайтади. Бирор нарса сўрасам, аниқ ва қисқа жавоб бериб, “майли” деганча бурилиб кетади. Бутун борлигим билан англайманки, мен унинг учун йўқ нарсаман, ҳеч ким эмасман. Агар менинг ўрнимга отаси битта эшакни олиб келиб қўйган тақдирда у эътиборлироқ қараган, қизиққан бўларди.

Учинчи кун кечки пайт биз бетонни қуйиб бўлдик. - Усталар, - деди Тўрақул ака кечки овқат пайтида. Бу томонларда мардикорларни камситмаслик учун “уста” деб аташарканлар. Биз эса буни тушунмай, бир

кун кечгача қайси соҳани дўндириб қўйганимизни аниқ билмасак-да, мағрурланиб юрдик, ер қазийда ҳеч ким бизга тенг келолмайди, деган ўйда. – Бизникида иш тугади... Лекин мен айтмоқчи эмасман, сизлар жуда яхши ишладиларингиз, деб. Бу ишларни Қодирнинг Қоляси бир кунда бажариб ташларди. Аммо, нима ҳам дердик, бориға барақа. Сизлар ҳам кўчада қолиб кетмангизлар, дедим... Ўзларингиз биласизлар, бизнинг замонда икки кишини боқиб ётиш анча қийин... Эртага сизларни ҳашарга айтишган. Борсаларингиз ёмон бўлмасди, қоринни ҳам тўйдириб келардингизлар. У ёқда вино ҳам бўлади. Бунисига мен кафил.

Ҳам хизмат, ҳам тўхмат деганлари мана шу бўлса керак. Сезишимча, бу бизни кўш ҳайдайдиган ҳўкизлар каби ижарага бера бошлади. Бунисига чидаш қийин, аммо мажбуримиз. Ипсиз болганга, деганлари аслида бизнинг ҳолатимизга жуда мос тушади. Мени чўчитгани бошқа нарса эди – агар биз бу ердан кетиб қоладиган бўлсак, Насибани қандай қилиб кўраман, қандай қилиб унга ўзимни таништираман. У билан ҳали бирор марта тузукроқ гаплашмаган бўлсам-да, унинг хаёли мен учун энг асосий нарса бўлиб қолганди. Ахир унинг мен ҳақимда мана шундай хулосада қолишини истамайман.

Муҳаббат хусусидаги романларда ёзишганидек (шуларда ҳам рост гап бўларкан, баъзида) икки ўт ўртасида ёна бошладим – бир томондан зиммамизга юкланган вазифани бажариш лозим. Иккинчидан эса муҳаббат ҳам ўйинчоқ эмас. Ақам ака айтганидай, агар ароқ ишлашга ҳалақит берса, ишни ташлаш лозим. Мен булардан қай бирини ташлайин?

Буларнинг барчаси етмагандай Тўлақул аканинг устимиздан масхаралагандай гапиришлари ортиқча. Бу одам бизларда ҳам кўнгил борлигини унутиб қўйган. У ўйлайдики бизлар бир умр мана шундай – бировларнинг эшигида, қорин тўйдириш илинжида хизматкорлик қилиб юрганмиз. Унинг гапларидан кейин, Устозга зимдан қараб қўяман ва раҳмим келади: ахир бу инсоннинг уйларида бир этак боласию, битта бўлса-да хотини бор. Ишдан кеч қайтган пайтлари эшикдан кирар экан, хотини эса осмондан келиб, бақиради, болаларига у-бу нарсаларни таъқиқлайди, дўқлайди. Ва улар ҳам ўйлайдиларки, мана шу одам, Зиёд ака - оталари дунёдаги энг зўр, кучли одам. Бу ёғини сўраб келадиған бўлсангиз бу шўринг қурғур менга қўшилиб, икки коса пиёва илинжида кун бўйи меҳнат қилиб юрибди. Қўлга ўргатилган мушукчадай мўлтайиб қараб, бировнинг ҳар хил сассиқ гапларига кўнмоқда. Дунё қизиқ экан.

Эртасига эрталаб, Раззоқ бова айтгандай, ҳали сўфи кетини ювмасдан бурун, бизни ётган жойимиздан тургазиб, ҳашарга олиб кетишди. Биз бунақа муомилаларга ҳали кўникиб улгурмаганимиз сабабли ҳам анча ўнғайсиз бўлаётганми. Кеча кечга қадар ўлардай ишлаганимиз (итдай дейиш лозим эдику, бироқ бизнинг Чалпагимиз умуман ишламай, биздан қолган сарқитларга кун кўриб юрганлиги сабабли ҳам ушбу иборанинг тўғрилигига шубҳа билдира бошладим), кечаси эса унчалар ҳам узок эмас. Яхшилаб ҳордиқ чиқаришга улгурмадик ҳам. Топамизда гўдайиб бир башара турибди, худди тўрт сўм бериб, тилимизни қисиб қўйгандай, итдао қилади:

- Тушгача ётаверасизларми энди?

- Ҳали қуёш ҳам чиққани йўқ-ку! – Устоз кўзларини очишга эриниб, гап отди.

Мен эса ўрнимиздан туришдан ўзга чорамиз қолманглигини англаб, кўзларимни очдим. Бу қора, қалин мўйловли, башараси рапидадай келадиған, чўтир бир киши эди. Устозни туртдим. Турмасак бугун оч ва кўчада қолиб кетишимиз аниқ эди.

Ўзларимизни чала ювиб, уйқусираганча бизларнинг акамиздай бўлиб, ҳашарга чақириб келган кишининг орқасидан эргашдик.

\*\*\*

Бугунги қиладиған ишимиз томнинг орқасига тўкилган бир уюм тупроқдан лой қилиб, акахонимизнинг оғили томини суваб беришдан иборат экан. Аммо бу иш айтишга осон, тупроқ уюмини кўрганамиз ҳамонку кўзларимиз косасидан чиқиб кетгудай бўлди. Яхшиямки том-



нинг қай даражада катта эканлигини кўрмагандик, бўлма-са юрагимиз тўхтаб қолган бўлармиди. Лой ишларининг нақадар оғирлигидан жуда яхши хабардор эдим – ёшлигим шунақа ишлар билан шуғулланиб ўтган. Бироқ бугунги кунга келиб булардан анча чиқиб қолганман. Милиция мактабидаги ўқишлар, кейинги хизматлар менинг қарашларимни бутунлай ўзга соҳаларга буриб юборганди. Устоз эса бунақа ишни умри бино бўлиб кўргани йўқ. Шу сабабли ҳали ҳақиқатнинг бутун бўй-бастини англамай, оғзини катта очиб, эснаб турарди. Унинг учун олдинда турган вазифадан кўра, орқада қолган бузилган уйку аҳамиятлироқ бўлиб кўринаётганди.

Биз иккаламиз бу ишни эплай олмаслигимизни айтгандик, бояги киши тасалли берди:

- Хавотир олмангизлар, кўпчилик бўламиз. Энг асосийси Коляни айтганман, унинг бунақа ишларга суяги йўқ. Улар кейинроқ келади, унга сизлар лойни қориб кўйсаларингиз бўлди.

- Барча замонавий қишлоқларда томларни шифер билан ёпиш амалиёти кўлланилмоқда. Сизлар ҳам бир тажриба қилиб кўрсаларингиз бўларкан, — дедим мен ишга бўйиним ёр бермай.

- Кўнглим бору кетим йўқ, дейди машойихлар, — иккита катта-катта кетмонларни кўлимизга тутқазар экан деди уй эгаси. — Ёпиб ташласак ҳам бўлади-ку, ҳозирги кунда шифернинг баҳоси қанчалигини биласизларми? Бунинг устига мени том ёпиш ниятим борлигини сезиб, тираклар ҳам тезроқ ўсмай кўйган.

Биз бошқа гапириш ортиқча эканлигини англаб, овқатимизни ҳалоллаб ейиш мақсадида ишга киришдик.

Тезда Коля ҳам келиб қолди. Бу сариқ сочи патак бўлиб кетган, бўйи анча кичикроқ, бироз букчайиброқ юрадиган, ориқдан келган, лекин суяги бакуват, эғнидаги оқ-қора йўлли кўйлаги ва спорт шими, эскириб, кир бўлиб кетган, кўп жойлари тешилган, йиртилган, оёғига ости пачоқ бўлиб, едирилиб кетган резина шиппак кийган, сигарет тутуни таъсирида кўнғиртоб тусга кирган мўйловчи ориқ, учбурчак башарасига унча ярашмай турган бир инсон эди. У келгани ҳаманоқ менинг кўлимдаги кетмонни олиб, ишга тушиб кетди. Иш қилишига қараган киши, ҳайрон қоларди: ҳашарга келган одам шунча куч-қувватни қайдан олиши мумкин. Шундай оғир ва файзсиз иш бўлган лойга қандай қилиб илҳом билан киришиш мумкин? Биз уларни тушунишимиз мушкул.

Бир нарсага эътибор бердимки, бу қишлоқнинг одамлари Коля хусусида гап кетганда, аллақандай гурурни ҳис қиладилар. Йўқ, бу Колянинг ўзидан фахрланиш эмас, балки уларнинг ҳам қишлоқларида ўзга миллат кишиси яшашидан фахрланиш эди, назаримда. Гўёки улар бу билан ўзларининг жуда унчалар чекка эмаслигини уқтирмақчи бўлишади. Ва айтишмоқчи бўладиларки, нафақат сенларнинг шахарларингизда, балки бизнинг қишлоқда ҳам ўзга тиларда гапирувчилар бор.

Бу Коля деганларини уч кун давомида бизнинг олдимизга келган, ҳорманг-бор бўлинг қилган барча одамлар бизга айтиб, роса маннатгандилар. Шундан унинг шахсига нисбатан жуда қизиқиб қолгандик. Кучли, ваҳимали ва аллақандай сеҳрли деб тасаввур қилгандик. Аммо ҳар доим бўлганидек дастлабки тасаввурлар бу сафар ҳам алдади - бу пакана одам онгимиздагисига сира тўғри келмас экан. Кейин, уни бизга тенглаштирганлардан нафратлана бошладим. Ахир биз бунга ўхшаган ўй-санб бир алкаш эмасмиз-да.

Коля тилни яхши билмаскан, бузиб гапирарди, тили синиб кетай дейди. Шу бўлишига жуда маҳмадана экан. Тинимсиз сонайдикки, унинг бу дунёда кўрмагани, билмагани йўқдай.

Пешинга яқин биз Устоз иккаламиз иссиқда қолган кучаклардай тилларимиз осилиб қолди. Коля эса тиним билмасди, ҳали лой қоради, ҳали томга узатади, ҳали тепага чиқиб, лой ташиб қолади. Худди дам бериб кўйилган соатга ўхшайди: тиним билмасдан юраверарди. Гапига қараганда, бу қишлоқ одамлари хусусида жуда кўп нарса биладиганга ўхшайди. Бошқаларни яхши билмаганимиз сабабли, улар бизни ўзларига тенг кўрмасдилар ҳам, уни гапга олмоқчи бўлдик. Раззоқ бова айтганидай, тенг тенг билан, тезак копи билан –

мардикор мардикор билан чиқишади-да. Қолганлар бизларни унчалар хушламайди, ишонимсизмайди ҳам. Ишонимсизларни унча тинимсиз бир йил бу юртларда текинга ишлашимиз лозимга ўхшайди. Шунда ҳам обрўга эмас, озроқ ишончга эга бўласан, холос. Бу орада эса бошлиқ бизни ишдан, нафақасиз ҳайдаб юбориши аниқ.

Якка қолган пайтларимизда мақтаб, авраб, сўраб, билиб олдиқки, қишлоққа яқинда шахардан бир йигит келган экан. Ўзи олдиндан куриб кўйган, шу пайтгача ҳеч ким турмайдиган уйда яшаётганмиш. Унинг афтангорини секингина суриштиргандик, Максудга ўхшаб кетди. Унинг-да хотини бор экан. Фақат ёшлари бир-мунча ўтиб қолган бўлишига қарамай, фарзандлари йўқлигини айтиб қолдики, бу нарса мен учун ҳам, Устоз учун ҳам қутилмаган ҳолат эди. Ахир биз шу пайтга қадар Замира опанинг боласи бор-йўқлиги билан умуман қизиқмаган, бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмаган эканмиз. Ўтириб бир тўхтамак келдикки, фарзанди бор жувон ҳеч қачон Замира опага ўхшаб эрининг орқасидан кузатиб юрмаса керак.

Коля тасвирлаган жувон Замира опага жуда ўхшаб кетарди. Фақат у бу жувонни анча баджаҳл, бобиллаган, деганида, Устознинг ранги ўзгарди ва ушбу фикр билан чиқишмади:

- Бўлиши мумкин эмас, — деди у алам билан. — У бунақа аёл эмас.

- Сан кургани аёлни, яки ман? — Коля ажабланди. — Шунча яқши билсанг, мандан нега сурайсан?

Устоз индамай, тилини тишлади. Ахир яна уч марта мана шундай гаплардан қиладиган бўлса бутун ишнинг бошига етади. Секинлик билан ундан ушбу оиланинг қолган тафсилотлари билан қизиқа бошладик. Энг асосийси уларнинг уйларида ҳали иш кўп эмиш. Лекин эри анча хасис бўлганлиги сабабли ҳам, Коля уларникида ишлашни хохламапти — винога пул бермасмиш.

Пешинга қадар Коля билан жуда чиқишиб кетдик. Биз бу ерга келиб мардикор бозорида катта рақобатни юзага келтириб, унинг нонига шерик бўлгандик. Бирок бу содда, беғараз инсон учун буларнинг аҳамияти йўқ. Унга шу бугун, ағни дам ўтса бўлди экан, қолгани билан иши йўқ.

Тушлиқдан кейин уй эгаси бизга озроқ дам берадиган бўлди. Шусиз ҳам ишнинг орқаси кўриниб қолган ва кечга қадар уни бемалол тугаллашимиз аниқ бўлиб қолганди. Уй эгаси қайгадир ғойиб бўлди, биз кўчада қолиб кетдик.

Биз - уч мардикор, уч "уста" йўл четида, шолчага ёнбошлаганча ўтган-қайтганни кузатиб ётардик. Уйдан чиққанимизга анча кун бўлгани сабабли ҳам, мени ва Устозни аёллар масаласи кундан кунга кўпроқ қизиқтира бошлади. Нима хусусида гаплашмайлик, айланади бориб уларга тақалаверарди. Ахлоқнинг оддий қоидаларига кўра, бу масалада жим ўтиришимиз лозим бўлган ҳолатларда ҳам, барибир ўзимизни тийиб туролмайдиган бўлиб қолдик. Аммо ушбу мавзу негадир Коляга қизиқ эмасди. Биз гапни айлантириб ушбу масалага келтириб тақайверамиз, у эса усталик билан спиртли ичимликлар мавзусига ўтказиб кетишга ҳаракат қилади. Айни пайтда ҳам Устоз иккаламиз аёллар хусусида гаплашиб ўтирардик. Устоз, "мен бир жувон билан танишиб, ресторанга таклиф қилганимда..." - дейиши билан Коля гапни илиб кетди: "ресторанда арак масаласи оғир. Культура мешаёт. От души ичолмайсанг, что-то эзиб туради, рабочий ошхона бошка масала, и арзон, и чувствуешь, что в своей тарелке".

Устоз юмшоқлик билан Колядан қандай қилиб ўша хонадонга яқинлашиш мумкинлигини ётиги билан сўраб-суриштира бошлади. Янги ҳамкасбимизнинг айтишига қараганда бу жуда осон экан, унинг уйда ҳали қилиниши лозим бўлган минглаб ишлар бор экан-ки, у ҳар қандай эшакнинг ҳам белини чиқариб юборармиш. Уйнинг эгаси эса, Коля унинг исмини эслолмади, жуда хасис одам экан, бир тийин чиқаргиси келмасмиш. Унга қолса ҳаммаси текинга тушсаю, уйга чақирилган "усталар" ҳам роботларга ўхшаб овқатланмасаям, чекмасаям, ичмасаям, фақат ишласа, шуни истар экан. Коля бунинг афтига бир қарашда билиб олибди. Шунинг учун ҳам кўп



ишламабди.

- Унинг уйида яна тўрт кун ишласам, очликдан силлам куриб қолади, - деди у охириги "и"ни чўзиб талафуз қилганича. - Гепардни биласан? Бир марта юз метр югуриб, бизонни тутолмасам, кейинги сафар чопишга кучи етмай қолиб, очликдан ўлиб қолади. Мен ҳам шунга ўхшайман. Икки кун вино ичмасам, яхши овқатланмасам, учинчи кун ишга ярамайман. Кейин очликдан ўлиб қоламан.

Унинг фикрлаши менга ёқди. Аммо у қандай қилиб шундай бир шароитда ўз хоҳиши билан ишлаб юрибди. Ахир биз бир қорин тўйдириш ғамидагина хоҳлаган ишга розилик билдирмоқдамиз-ку. Бу эса овқатдан ташқари, чекиш, ичишни ҳам иш эгаларининг зиммасига юкламоқда. Унга ҳавасим келди. Ҳатто унинг ҳолатини етишиб бўлмайдиган бар нарсадай ҳис қилдим. Биз, бир умр шу ҳолатда - қорин тўйдириш илинжида бировларнинг эшигида малайлик қилиб юрадиганга ўхшардик. Бу ҳолатда кишига тасалли берадигани - бу қишлоқда Насиба исмли қизнинг мавжудлиги ва қайси бир кун у билан яна учрашиб қолиш илинжи. Бу қиздан оддий бир табассумдан ортиқ бирор нарса талаб қилмасам-да, бунга ҳаққим ҳам йўқлигини ҳис қилиб турардим, барибир у ҳақидаги ўйнинг ўзиёқ яшашни ўн-ўн беш баробар енгиллаштириб юбориш билан бир қаторда, кишини ўзига бўлган ишончини юзлаб марта сўндириб қўярди.

Мен жимгина Насиба хусусида ўйга берилаётганимда, Зиёд ака Мақсуднинг уйига кириб олиш режасини ишлаб чиқараётган экан.

Қоля эртага айрим окахонлари билан бу масалада суҳбатлашиб кўрадиган бўлди ва иккаламизни ҳам Мақсудникига ишга жойлаштириб қўйишга ваъда берди. Эндиги худого ёлворганимиз - ишқилиб нима бўлса ҳам ўша одам Мақсуд бўлиб чиқсин-да, бўлмаса, камида ўн кун давомида беш-бегона инсоннинг уйида малайлик қилишга тўғри келади.

Салим аканинг йўнғичқапоясидан сал каттарок бўлган томни суваб бўлиб, кечки овқатни еб бўлганимиздан, тўғрироғи томоша қилиб бўлганимиздан кейин, Тўрақул аканикига қайтдик. Борадиган жойимиз шу эди. Бу ерда шундан ўзга кишини яхши танимасдик. Томини суватган одамга эса, иш тамом бўлгани сабабли умуман керагимиз йўқ эди.

Бу томонларнинг одамлари қизиқ экан. Суҳбатларининг асосий мавзуси ё аёллар ёки овқат ҳақида. Мечкайларни оддийгина қилиб, "лағмон", деб аташарканлар. Дейлик Тоғай лағмон. Бу уларнинг энг асосий мечкайи. Тоғайнинг ўзи иштирок этмаётган давраларда шу исмнинг ишлатилиши "лағмон" сўзининг синоними сифатида ўтиб кетавераркан. Бу икки бир бирини алмаштириб кетаверадиган сўзларни барчага нисбатан қўллаш мумкин экан. Бахтимизга қарши, биз ҳашарга келган уйга кечки пайт ҳашар ошига Тоғай лағмон ҳам ташриф буюриб қолди. Унинг исми шунақа эканлигини, унинг қораси кўриниши билан томнинг устидагилар уф тортиб юборганию, орқасидан ғийбатни бошлаб юборишганларидан сўнг билиб олгандим.

Бахтага қарши, Тоғай лағмонни йиғилганлар энг содда ва бирор-бир нарса дейишга ҳаддимиз сизмайди-ган мен ва Устознинг ўртасига ўтқазиб қўйдилар. Бу қандай юз берди, тушунолмай қолдим. "Ўтинг, ўтинг" қилишдию, орамизга ўтқазиб қўйишди. У пайтда ҳали мен Тоғай деган исмнинг асл мазмунини тўлиқ англаб етмасдим. Назаримда унчалар катта бўлмаган, икки юзи қизариб, бироз осилиброқ турган бу инсон унчалар ҳам мечкайга ўхшаб кўринмаганди, қорни ҳам раисларникидай эмас, сезилар-сезилмас. Пишиллаб, олдимиздаги нонларни олиб, чойга ботириб, узумга қўшиб, ейишни бошлаганида бироз ғижиндимку, бироз севиндим ҳам: ёқимсиз-ку, бирок ош келгунча қорни тўйиб қолдиганга ўхшайди, бир мазза қилайлик-ки... Қорин ўлардай оч эди. Бўйдоқчиликни бошдан кечирган мендай йигитга қориннинг оч юриши одатий ҳол, бирок бу ерда - тоза ҳаво қўйнида эртадан кечга қадар лой қориган инсонгина очликнинг қанақа бўлишини тўлиқ англаб етаркан. Бизнинг шаҳарда олифтачилик қилиб, шусиз ҳам токнинг кундасидек бўлиб кетган фигурани бузмай-

лик, деганча оч юришимиз, худди тўқ юришимиз каби, аслида ҳеч нарса бўлмай қоларкан. Буларнинг барчаси ёш боланинг ўйинларидай бир гап экан.

Шундай қилиб, Устоз, Лағмон ва мен бир лаганга тушиб қолдик. Лағмон деганлари уятни ҳам билмас экан, лаганлар келиб, дастурхонга қўйилиши билан, ҳеч ким сўрамаганлигига, мажбурламаганлигига қарамай, қўлларини бир-бирига ишқалаб гап бошлаб қолди:

- Қўймадиларингиз, қўймадиларингиз-да. Ўзимнинг қорним тўқ эди-ку, майли, нима ҳам дердим, усталар хафа бўлмасин деб, бир-икки ошам оламоиз-да, а?

- Биз хафа бўлмаймиз, - унинг вояҳотини кўрган Устознинг капалаги учди. - Ҳеч уялманг.

- Раҳмат, раҳмат. - Лағмон Устознинг гапини ошга марҳамат дегандай тушунди. Ёки тўғри тушунган бўлса-да, без бўлиб, ўзини шундай талқин қилгандай кўрсатмоқчи бўлдими, енгини росманасига шимариб, ошга панжа урди. Бу пайтда тепадаги бир парча гўшт ҳали тўғралмаганди ҳам.

Манзиратни кутиб, индамай турган Устоз иккаламиз, ўзимизни англаб олганча, Лағмон лаганнинг ярмини ошаб бўлганди. Иккаламиз икки ошамдан ош олгунча, лаган бутунлай тозалаб қўйилди. Роса алам қилди, оғиз "ана-ана", қорин "қани-қани" деганча қолаверди. Лағмон, лаганнинг остида қолган ёнғиларни олдин кўтариб ичиб, кейин нон билан тозалаб ялаётган пайтда, биз одоб билан қўл артаётгандик. Ҳар ҳолда шаҳар кўрган йигитлармиз, одоб сақлаган маъқул.

Ғира-шира қоронгу тушаётган пайтда, биз Тўрақул аканики томонга қараб кетаётгандик. Қорин очроқ эди. Бораётган жойимизда ҳам чой қилиб беришлари даргумон. Бугун уларникида ишлаганимиз йўқ. Шу сабабли бунга даъво ҳам қилишга ҳаққимиз йўқ. Ҳали жой берса ҳам катта гап. Шу сабабли йўл-йўлакай деворлар орқали осилиб турган ҳар бир шоҳга, егулик бирор нарса бормикан, деган умид билан осилиб кетардик. Ниҳоят тош деворга осилиб, ичкарида, пишиб ётган кечпишар олмалардан бештасини олиб олдим. Олдинига "бу ишинг ўғрилиқ, бас қил бўлмаса, шаллоқ ейсан" (Устознинг бу қишлоққа келиб, ўрганган энг яхши гапи шу - "шаллоқ" бўлди. Бу тарсаки, дегани экан. Билмайман нимаси Зиёд акага ёқиб қолган бунинг) деб бораётган одам, олмани олиб, ариққа ювганимдан сўнг қўлимга ташланиб қолса бўладими. Яна биттасига кўнмайди..

Тор кўчада иккаламиз олмага таллашиб, Тўрақул аканинг уйига яқин келиб қолганимизни ҳам сезмай қолиб-миз.

- Ассалом! - шундай ёнгинамдан майин ва таниш овоз жаранглаб эшитилдики, ўзимни ташлаб юборишимга оз қолди. Бу кун бўйи ўйлаганим - Насибанинг овози эди. Бирдан шу томонга қарадим: бизга - енгисиз, қизил чит қўйлагини кийган, қомати келишган Насиба, майин табассум билан қараб турарди.

Кутилмаган ҳолатдан довдираб қолдим. У билан учрашишни кун бўйи орзу қилгандим, учрашдим дегунча шундай дейман, бундай дейман, деганча эрталабдан буён ҳар хил суҳбатларнинг сценарийларини тузиб, режалаштириб олгандим. Бирдан уларнинг ҳаммаси тум-тарақай бўлиб тарқаб кетдию, мен ўзимнинг бу хумкалла бошим билан яккама-якка, ёлғиз қолдим.

Шу пайтда мен ўйламаган, кутмаган ва режалаштирмаган ҳодиса рўй берди. Агар шу содир бўлмаганида, эҳтимол, кейичалик мен ўз йўлимда, Насиба ўз йўлида жимгина, тақдирга тан берган ҳолда, кетаверармикдик. Кейинчалик эса бу дунёда Насиба исмли қиз борлигини ҳам унутиб юборган бўлармикдим, ҳа, айнан шундай бўларди. Бу менинг умримда учратган энг гўзал ва ўзига хос қиз эди. Бирок, шу ҳолат бўлмаганда, барибир уни унутиб юборардим. Чунки орамиздаги фарқ жуда катта. У ўз қишлоқлари микёсида бўлса ҳам, бойнинг қизи. Унинг бой қизилиги ҳеч нарсага ифодаланмас, балки айнан ўзини бойнинг қизилигини ҳис қилиши жуда кўп нарсага белгиларди. Мен эса нафақат шу қишлоқ микёсида, балки мамлакат даражасида ҳам, оддий бир йигит эдим. Қишлоқ микёсида эса, тан олиш нақадар оғир, оддий бир малай эдим, холос. Мен ич-ичимдан наҳотки эски замонлар келиб, одамлар бой ва камбағалга ажралиб қол-



моқда, деган хавотига тушиб қолгандим.

Насибани учратишни хаёлимга келтирмаганим сабабли ҳам нима қилишимни билмай, ўзимни йўқотиб қўйдим. Қўлимда Устоз тортиб олишга ҳаракат қилган бироқ уддалайолмаган икки дона олма қолганди, олмаки, сувли, тикис, ялтираган ва кўм-кўк. Олдинига уларни орқамга яширмоқчи бўлдим, аммо Насибанинг нигоҳлари шу олмаларга қадалгани сабабли яширишга ҳаддим сифмади. Уғрилиқ устида кўлга тушган бола сингари, кўлимдаги олмаларни унга узатдим: Манг!

Менинг ўйим ва фикрим нима эди, бу билан нимани кўзлагандим, ўзим ҳам билмайман. Қилаётган ишим учун ўзим жавоб бермасдим. Аллақандай ички бир туйғу ҳаракатга келтириб турганди.

Насибанинг чап кўлида иккита бўш челақ бор эди. Ўнг кўли эса бўш. У менинг кўлимдаги иккита олмани секингина олди:

- Менгами? – унинг саволи юрагимни титратиб юборди. Савол жуда мискин бир тарзда, худди буни бир умр орзу қилгану, энди эришиб, ўзи ҳам ишонмаётгандай бир тарзда эшитилди.

- Олаверинг, сизга, – тилёғламалиқ қилди Устоз. – Олимга менга бер, сен еб қўясан, хўжайиннинг кизига олиб борамиз, у киши олмани яхши кўради, деб келаётгандим. У эса ўзимиз еймиз, деяётганди.

Бу одамни сира тарбиялаб бўлмади. Ҳар доим, менинг тақдирим ҳал бўлаётган бир пайтда, ўзининг жундор бурнини суқиб, бефаҳмларча ишни расво қилиб ўтиради. Мени шарманда қилишга урингани етмагандай, “Олим” дейишга бало борми? Аммо Насиба ҳам унинг бу гапларини маъни мохиятига етмади, чамаси, кўзлари чақнаганча, миннатдор нигоҳларини менга тикиб тураверди. Нима дейишни билмай, сўрадим:

- Отангиз уйдадилар?.. Сувга кетаяпсизми?

- Отам чой ичаяптилар, бораверингизлар. Уйда сув қолмаган экан.

Шундай деганча, у ўз йўлида давом этди.

Бўлган воқеа шу. Юзаки қараганда, бунинг киши тақдирига таъсир кўрсатадиган ҳеч қандай ўзига хос жойи йўқдай, аммо мен учун аҳамияти Бойқўнғирдан кўп марта фойдаланиладиган “Бўрон” кемасини учиритганларидан кўра, Америкада “Челленджер” кемасининг портаб кетишидан-да аҳамиятлироқ эди. Насиба менинг кўлимдан олмаларни олганди, ва демакки, мени ўзи тенги одам эканлигимни тан олди. Мендан жирқаңмаслигини, балки кўп қатори оддий бир инсон сифатида қабул қилишини кўрсатиб қўйди. Бу менга катта куч бағишлади. Шунингдек менда ўзимга шундай – жуда паст бир назар билан қараётган айни пайтларда ҳам, тенг кўз билан қараб, ўзимга ишонччи уйғотди.

- Бизлар бораверайликми? Ёки... – Насиба тўрт одимча ўтиб кетганидан сўнг, орқага ўгирилиб, сўради. Аслида маданиятли одам бунақа савол бермайдик, бироқ этика деган гапга бало борми? Бу қишлоқ бўлса, ҳар ким хоҳлаганини қилса.

- Бораверингизлар, дадам уйдлар. Мен ҳам тезда қайтаман. – Насиба ёнгилгина кулги ҳадя қилиб, ўз йўлида давом этди.

Унинг ҳар бир гапидан менинг юрагим боши юлиб ташланган бедана каби типирчилаб қолади. Бироқ бу жуда таъсир қилди. У “мен тезда қайтаман”, деб нимани айтмоқчи эди? Бизга ҳисобот бермоқчимиди ёки бирор зарур гапи борлигини билдирмоқчимиди? Мен саволлар исканжасида қолдим. Олдинига эътибор бермагандим, кейинроқ қарасам, Насибанинг ҳар бир гапини таҳлил қилиб кетар эканман, унинг остидан қизнинг аслида хаёлига келганим, келмаганим, минглаб хулосалар топаман, Фрейд онг ости жараёнлари билан қизикқан бўлса, мен унинг сўзларини остида қандай маънолар ётганини аниқлагим, биливолгим келаверади.

Тўракул ака бизни унчалар хушламай қабул қилди. Демак, унинг бизларга қилдирадиган иши қолмаган. Унинг хотини – семиз, бадқовоқ, қорачадан келган жувон ҳар доимги супага бизларга жой қилди. Бу одмигина тўртта кўрпача ва иккита тандирда ёпилган нондан

иборат дастурхон эди. Шунисига ҳам хурсанд бўлдик. Орқамизга қайтариб юборганда нима дердик.

Тезда Насиба ҳам икки челақ сувни кўтариб, келиб қолди. У дарров қоронғу тушаётганлигига қарамай, боғдан бир лаган узум, олма, шафтоли териб чиқиб, ювиб келиб олдимизга қўйди. Бундан битта нонни синдириб, хотинининг қовоғига қараб ўтирган Тўракул ака ҳам сал жонланиб қолди, узумни манзират қилди. Биз эса кутиб турадиганлардан эмасдик – бояги олмалар ҳам ичимизни ачитаётганди. Тишимиз қамашиб бораётган бўлишга қарамай, овқатланшга киришдик.

- Энди эртага нима иш қилмоқчисизлар? – сўради Тўракул ака бизнинг очофатлардай нонга тармашишимизни томоша қилиб тураркан.

- Билмадик, - деди Устоз бироз ўйланиб турганидан кейин. – Коля деган бир йигит ишларкан қишлоқларинингизда. Шу яқинда бу ерга шаҳардан бир киши кўчиб келганини, уйда иш жуда кўплигини айтиб қолди. Шуникига ёлласакми, деб турибмиз.

- Бўлади. – Тўлакул аканинг хурсанд бўлгани сезилди. – Бироқ унинг икки кишини боқишга қурби етмаса керак. Аҳволидан жуда яхши хабарим бор. Бирмунча камбағал. Шунинг учун битталарингиз бизникида қолаверсаларингиз ҳам бўлади. Пуллик ишлар чиқиб қолгунча, рўзгордаги майда-чуйдаларга қарашиб турардиларингиз, ейишга овқат, бошпана бўлади ҳар ҳолда.

Бу менинг кўнглимдаги гап бўлди. Уша Мақсудникига сира боргим келмай турганди. Ахир у мени бир марта кўрган, таниб қолиши ҳам мумкин. Холбуки, ҳозир ўша пайтлардаги Олимдан “о” ҳарфи қолмаган. Бу малайликда юришлар тинкамани қуриб юборган, оппоққина териларимиз офтобдан ва лойдан қорайиб, ёрилиб кетган, ювинмаганимиздан, сочлар патакка айланиб қолганди. Ҳатто Устознинг сийрак сочлари ҳам ўзига хос бир тарзда, кулаган сариқ итнинг жунидек бўлиб қолганди. Соқоллар келганимиздан буён олингани йўқ. Устоз афғон мужоҳидларининг ўзи бўлиб қолган, фақат салла етишмай турибди. Ўзим эса ойнага қараган пайтимда, чўчиб тушаяпман – бурунлар қип-қизил бўлган, эндиликда ёрилиб кетган икки бетим ва ҳайрат билан боқиб турадиган думалоқ кўзларимни ҳисобга олмайдиган бўлсак, ҳайвонот боғидаги мартишканинг ўзи бўлиб қолибман. Биз душманлар орасида эмасмиз, фош бўлиб қолган тақдиримизда ҳам, ҳаётимиз гаровга тикилмаган, бироқ барибир хушёр бўлиш лозим.

Бир томондан Устоз билан йўлимизнинг айро тушиши яхшиликка олиб келмаслиги мумкин. Ким билади, калламизга қандай гаплар келадию, бир-биримиз ҳақимизда нималар демаймиз. Кимлардир уларни таққослагиси келиб қолиши мумкин. Ҳозир эса адашадиган бўлсак, дарров тўғрилаб оламиз. Аммо энди шундан ўзга чора йўққа ўхшайди.

Эрталаб, Коля айтганми, ёки Тўракул ака хабарлашганми, Мақсуд дарвоза олдида пайдо бўлди. Бу ўша – биз орқасига тушган киши эди. Бирозгина қорайганини эътиборга олмаганда, деярли ўзгармабди. Мен имкони борича унга яқин бормасликка ҳаракат қилдим. Бир томондан таниб қолиши мумкин, иккинчи жиҳатдан эса Устозни эмас, мени ўзи билан олиб кетиб қолса-чи. Бу ерда танноз қизлар каби танлаб ўтириш имконияти йўқ. Ҳозирги ҳолатимиз совуққонлик билан ҳаракат қилишни талаб этади.

Йўқ, кўркувларим беҳуда кетди. Жон-жон деб турган эканми, Устоз Мақсуд билан кўп ҳам баҳслашиб ўтирмай, боришга рози бўлди. Мен хурсанд бўлиш билан бир қаторда, ўзимизни мол бозоридаги эшақдай ҳис қила бошлагандим. Мақсуд эшақ қилаётган кишидай муомала қилаётганди-да. Тилида бунга ишора қилувчи бирор нарса демадику, бироқ ўзини туттиши буни яққол намоён қилиб турмоқда эди.

Устоз мен билан кўл сиқиб ҳайрлашганча, Мақсудга эргашиб, кетди. У жуда мискин кўриниб қолганди. Мен Замира опа буни кўриб, жанжални бошлаб юбормасга гўргайди, деган хавотирга тушиб қолдим.

(Охири келгуси сонда)



Тилак ЖУРА


# Муножоти мансур

## Достон

I

Чори чолнинг нимаси қолди...  
Офтоббардор кунларнинг бирида  
Ёзига ғўза соясини ялак қилиб,  
Жон берди жўякка эгилиб  
Чори чолнинг жондан ортиқ ўгли...  
Эгатлардан ўрмалар ҳовур,  
Ўрмалар кўз қорачиғидан  
милдир-милдир,  
Лаблардан сачраган қондан ўрмалар,  
Жонсиз танадай шалпайган,  
Ғўзаларнинг япроқларидан,  
Япроқлардай ҳолсиз-мажолсиз  
Эриниб-эриниб оққан  
Ирмоқлардан ўрмалар ҳовур,  
Ирмоқларга термулиб  
Букилган бутуқлардан ўрмалар,  
Ўрмалар чумчуқларнинг чугурлашидан,  
Букри толнинг қарғишидан,  
Чигиртканинг чириллашидан  
Рухимни бир нидо сим-сим чақишидан,  
Олис-олисларда бир нигоҳ  
Мунғайиб мунғайиб боқишидан,  
Чори чолнинг бўғзида,  
Менинг бўғзимда  
Нимадир, нимадир чопишидан,  
Ва вужудга ўт ёқишидан  
Ўрмалар ҳовур...  
Еру кўк ёнаётган шундай бир кунда  
Кетмондастага қўллари илондай чирмашиб,  
Чирмашиб бўғзига жон,  
Лабларига қон,  
Кўзларига армон  
Жон берди -  
Чори чолнинг жондан ортиқ ўгли!  
Қоракўз, қорасоч, ботир ўгли  
Жон берди!  
Биз қизга шивирлаб дардин айтмаган,  
Райҳонни ҳидлаб-ҳидлаб,  
Уйига жилмайиб қайтмаган,  
Тунлари ойга термулиб  
Кўрпани иякка тортмаган -  
Жондан ортиқ ўгли жон берди Чори чолнинг...  
Фаниммас, ғурбат билан,  
Олишиб ўлган болам!  
Кўз кўрмас кулфат билан  
Олишиб ўлган болам!  
Тупроқ тарс-тарс ёрилиб,  
Шивирлар бу аламни,  
Ахир, уруш-жанг эрмас,

Алам олди боламини...  
Алам-алам, алам-о  
Алам олган болам-о,  
Тарс-тарс синиб синмасми  
Қўлларимда қалам-о...  
Чолнинг ўгли ёш эди,  
Ҳам қалам қош эди,  
Чолдан кейин уйида  
У бўлажак бош эди  
Ётар энди чўзилиб,  
Ғам-аламдан узилиб,  
Ғўзалар орасида,  
Лабидан ҚОН тизилиб,  
Кўзлари хиёл очиқ,  
Очиқ қора кўкраги,  
Кўкрагига урилар  
Ғўзаларнинг кўсаги...  
Гивирлар юзларида  
Нафасга зор чумоли,  
Чумолини чимчилар  
Саратоннинг шамоли.  
Чимчилар ва шивирлар бир даҳшатни,  
Шивирлар жон берган ўғлоннинг,  
Умиднинг, армоннинг нидосин,  
Чори чол ўғлига айтолмаган,  
Ўгли Чори чолга айтолмаган  
Дилларнинг мунгли-мунгли видосин.  
Чори чолнинг ўғиллари кўп эди,  
Бирини ситам олди,  
Бирини авгон олди  
Яна бирини...  
Кетмон дастасига илондай чирмашиб,  
Илондай тўлғониб жон берган,  
Ғўзасига сув  
Қон берган.  
Чори чолнинг кенжаси эди,  
Кундузи-кечаси,  
Чарчаб даладан қайтганда  
Очиқ дарчаси эди Чори чолнинг!  
Энди у ҳам йўқ!  
Уни олиб кетди  
Чори чолнинг оппоқ пахтаси,  
Ўпкаси иринглаб доридан,  
Замин инграниб зоридан,  
Уни олиб кетди -  
Чори чолнинг оппоқ пахтаси.  
Йўқ энди  
Чори чолнинг Ойша кампири,  
Қишнинг узун кечаларида,  
Кўрпани иякка тортиб -



Эшитадиган бирор сири,  
Йўқ, Чори чолнинг...  
Боқиб кимнинг оғзина,  
Жонини фидо қилсин  
Эриб, кўнгил-нозина,  
Қандайн дуо қилсин?

## II

Сўлгин юзларидай,  
Сўлгин кунларнинг бирида  
Ўгли жон берган далага  
Боқиб-боқиб,  
Ютиниб-ютиниб,  
Ўзин сувдан олиб,  
Ўтга отиб,  
Дока рўмолини юзларига ялак қилиб,  
Бағрини тилиб-тилиб, элак қилиб,  
Эланиб-эланиб жон берди  
Чори чолнинг Ойша кампири.  
Бирдан бир суянган тоғи-қир  
Жон берди Чори чолнинг.  
“...Қалам-қалам қошларинг, вой болам,  
Қаландарлар қилди мени, вой болам,  
Хумор-хумор кўзларинг, вой болам,  
Хуморлар қилди мени, вой болам.  
Йиглаб айтай қайга кетдинг,  
Гули райхоним болам, вой болам.  
Бу онангни ташлаб кетдинг,  
Оқилу доногинам, вой болам”.  
Умидлари кўп эди Ойша кампирнинг  
Умидлар ёнди,  
Ёнди вужудидай пушти,  
Суражак даврону гашти,  
Ёнди Ойша кампирнинг,  
Сандигида тахт-тахт  
Келини киёлмаган сарполар,  
Ўглининг тўйида бир тўйиб  
Ўйнар муроиди ёнди.  
Ёнди этагига осилолмаган неваралари  
Сандикдаги тугундай,  
Тугун кетди кўнгли Ойша кампирнинг.  
Чори чолнинг айтар сўзлари қолмади,  
Қолмади қайтар излари:  
... Ой боқиб омон-омон,  
Билмам, қачон бўзлади,  
Энди ҳилол ой бўлиб,  
Билмам, қачон кезади!  
Шамол эсар,  
Манзаримнинг очиқ ойналарини  
Чил-чил синдириб  
Бундан огоҳ кўшнимизни  
Кулдириб-кулдириб эсар шамол!  
Ташларимда тишлаб ўкинчим,  
Ўлтираман жим.  
Ойнинг ярим ўроғи  
Булутларга ўралиб.  
Чори чолдай даладан,  
Қайтар гўё судралиб.

... Бу кунларнинг нидосидан,  
Ой бўлмайин ҳилол йиғлар.  
Бу куннинг минг хатосидан  
Кун кўрмаган иқбол йиғлар.

Қай бурчақда тумшайганча,  
Мени кутиб висол йиғлар.  
Кундан-кунга ошар гуссам,  
Толиққан тўрт девол йиғлар.

Ўзлимни излаб ўзим,  
Тополмайман босган изим,  
Айтолмайин айтар сўзим,  
Руҳимда бир малол йиғлар.

Ўз уйимда ўзим зорман,  
Хаёлимда фақат борман,  
Ўз умримга ўзим дорман,  
Кўнглимда бир савол йиғлар.

Йўлга чиқсам соям йўқдир,  
Тик боқмоққа қоям йўқдир,  
Ночорликдан чорам йўқдир,  
Бошим силаб шамол йиғлар.

Нима бордир қўлларимда  
Ортимга ҳеч чўзолмасман,  
Ўзи туғиб йўллариди  
Муштипар бир аёл йиғлар.

Бошдан учиб ақли-хушим,  
Мендан қочган камол йиғлар.  
Ўнгдан келмай сира тушим,  
Мендан кечган хаёл йиғлар...

Бу кунларнинг нидосидан,  
Титрайди еру осмон,  
Титрайди ботин жоним  
Аждоларимдан қолган туманли шоним  
Титрар...  
Жимирлаб саратоннинг саробидай,  
Чори чолнинг унсиз хитобидай,  
Чунгул'нинг халқобидай,  
Жимирлар суяк-суяқларимда -  
Бир оғриқ, бир алам,  
Ерга изи ботмайин,  
Бир йилда жон бермиш  
Ўттиз уч минг болам!  
Бу кунларнинг нидосидан,  
Бошларим эгик, болам,  
Бу кунларнинг хатосидан,  
Белларим буқик, болам!

Бу аламини -  
Ютиб-ютолмайман,  
Кечиб-кечолмайман  
Зарпечакдай қўлларимга ўралган,  
Ҳалқа-ҳалқа,  
Йўлларимга ўралган,  
Ўралган, томиримга, қонимга,  
Наштар каби ботиб-ботиб жонимга,  
Ўралган ҳар кун, ҳар онимга.  
Мен ундан кечолмадим,  
Кеч деган тугунни ечолмадим, болам.  
Кечолмагандай,  
Чори чол гўзасидан, пахтасидан,  
Кечолмагандай,  
Мен ундан кечолмадим...  
... Ой боқиб омон-омон,  
Йўлларимни ёритмас,  
Бу, ахир, қандай замон -  
Дардларимни чиритмас...  
Бу дунё ганимдир,  
Бу дунё гурбат,



Осмондай кенг ҳовлида,  
 Осмонга тенг ҳовлида,  
 Ёлғизгина Чори чол:  
 Сўлгин-сўлгин хаёли билан,  
 Қўлларида ўрмалаган чумоли балан,  
 Қилади суҳбат:  
 “Чумолига яхши,  
 Бир қавақда мингтаси яшар,  
 Мингтаси ошар,  
 Чумолидан яралганда эди башар...  
 Эҳ, чумоли ҳам булолмадим,  
 Чумолининг чумолилари бор,  
 Бир-бирини етаклар,  
 Ўрмалар-ўрмалар,  
 Гивирлар-гивирлар,  
 Ҳасратини бир-бирига шивирлар,  
 Шивирлар ёмғир бўлиб,  
 Майсаларга осилиб,  
 Гивирлар.,  
 Демак, мақсадлари бор,  
 Бордик муродлари -  
 Гивирлар...  
 Бир уйни мингтаси қазир,  
 Бир хасни мингтаси ташир.  
 Э, хас дедими, хас -  
 Балки мен бир хасдирман,  
 Кимнингдир оёгин остида,  
 Балчиққа, лойга ботган,  
 Кимнингдир оёгин остида  
 Ётган. Бир хасдирман, бир хас!  
 Балки, шу ҳовлимнинг бир бурчагида,  
 Чумолилар судраётган бир хасдирман,  
 Балки, оғир,  
 Балки, енгил,  
 Балки,  
 Орзуқулнинг, Шодиқулнинг,  
 Турдиқулнинг, Бердиқулнинг,  
 Кенжам Бахтиқулнинг  
 Пошнаси теккан бир хасдирман,  
 Илашиб кетолмай остонада қолган,  
 Бу ғариб вайронада қолган,  
 Бир хасдирман -  
 Ойша кампирим супура олмаган,  
 Гармсел учира, олмаган,  
 Бир хасдирман бу дунёда!  
 Йўқ! Йўқ! Хас ҳам бўлолмадим,  
 Хасдан ўт чиқар, дуд чиқар,  
 Мендан нима чиқар,  
 Анқиган тердан бўлак,  
 Кўксимдаги дарддан бўлак,  
 Мендан нима чиқар?  
 Оҳ урсам, оҳим йўқ,  
 Бир кулиб,  
 Ўлар чоғим йўқ!  
 Чори чол!  
 Ҳолинг қалай деган,  
 Сўроғим йўқ,  
 Фамларим буй чўздилар,  
 Ўрарга ўроғим йўқ,  
 Кўзларимни кўр қилгали,  
 Сочгали тупроғим йўқ!..”  
 Чори чолни тебратиб эсар иссиқ шамол,  
 Эсар,  
 Ҳовлисида қовжираб қолган  
 Райҳонларни юлиб-юлиб,  
 Очиб-ёпиб эсар шамол...  
 Қўшни уйда анқиган ёғ ҳидини

Димоғига сочиб эсар,  
 Социб ўчоқнинг кулини,  
 Бахтиқулнинг  
 Ишқомга осиглик  
 Тўнини силкиб эсар...  
 Қуриган дарахтни силкитиб,  
 Силкитиб дорга осиб бўм-бўш челакни,  
 Ҳовли бўйлаб гилдириб элакни  
 Эсар саратоннинг шамоли.  
 Ланг очиб эшиклардан,  
 Бир гурбат мўралар,  
 Чори чолнинг кўзларидагидай  
 Бир даҳшат мўралар -  
 Бу ёруғ, водариғ, оламга,  
 Бу қутлуғ, бағри тиг оламга,  
 Бир даҳшат мўралар!  
 Узун-узун жўяқлар айланиб қабрга,  
 Ўттиз уч минг мурғак жон,  
 Ўттиз учун минг митта тиг,  
 Мўралар бў оламга.  
 Мўралар менинг кўзларимдан бу алам,  
 Зирқираб суяк-суяқларимда,  
 Мўралар Бахтиқулнинг қип-қизил қонидан,  
 Ойша кампирнинг тугун тўла маржонидан,  
 Чори чолнинг унсиз тебранган ҳар онидан  
 Мўралар бу оламга, бу алам...  
 Бу аламдан кечиб-кечмаслар,  
 Янчиб-янчмаслар,  
 Кечиб-кечмагандай Чори чол,  
 Гўзасидан, пахтасидан,  
 Кун аро буй чўзаётган гуссасидан,  
 Кечмагандай...  
 Офтоб юзини ўраб, чирмаб,  
 Шамол айланар тўзонга,  
 Гармсел юзларга солар човут,  
 Чори чол остонасида ўлтирар,  
 Сақлаб сукут,  
 Тизасини ишқаб,  
 Нигоҳин ерга қадаб,  
 Чори чол сақлар сукут...  
 Куёшга боқмас уялиб,  
 Уялиб миттигина соясидан,  
 Хаёлига келган  
 Чумоли, хас ҳикоясидан,  
 Кичрайиб жуссаси,  
 Юзларига уриб гуссаси,  
 Чори чол сақлар сукут!  
 Киприқларида ўрмалар оппоқ чумоли,  
 Ўрмалар юзларига,  
 Соқоли, тизларига  
 Ўрмалар оппоқ чумоли.  
 Ўзларидаги чумолини учуриб эсар шамол,  
 Тўзон халқобида гир-гир айланар,  
 Ойша кампирнинг доқа рўмоли,  
 Рўмолга термулиб,  
 Чори чолнинг кўзларида  
 Тизилар оппоқ, илиқ чумолилар...  
 Оёқлари қалтираб Чори чол  
 Зўрға қўзғалар.  
 Олар кетмонини елкасига,  
 Елкасини чўқир қарғалар.  
 Қарғалар-тўзон қоплаган куёш тигидир,  
 Қарғалар-фикрни қоплаган алам туғидир,  
 Чори чол кетмонини елкасига олар,  
 Олгандай Шодиқулнинг,  
 Орзиқулнинг,  
 Бердиқулнинг,

Турдикулнинг,

Бахтикулнинг, Ва Ойша кампирнинг тобутини  
 Елкасига олгандай,  
 Оғир-оғир қадам ташлаб,  
 Юрар Чори чол даласига,  
 Қора қаргалар қўниб елкасига...  
 Чори чолнинг нимаси қолди,  
 Оқ пахтаси,  
 Оқ соқолидан бўлак,  
 Чори чолнинг нимаси қолди...  
 Ой боқиб омон-омон,  
 Йўлларингни ёритмас,  
 Бу, ахир қандай даврон,  
 Фамларингни чиритмас!  
 Менинг ҳам нима қолди,  
 Кўзимдаги ёш,  
 Бағримдаги тошдан бўлак,  
 Менинг ҳам нима қолди.  
 Оёғим остидаги омонат ердан бўлак,  
 Рухимдаги тумонат  
 Шёрдан бўлак,  
 Менинг ҳам нима қолди.  
 Кўзларимни қоплаган тумандан,  
 Қўксимда инграган гумондан бўлак,  
 Ўзимни ғаним имонимдан бўлак  
 Нима қолди,  
 Илтижо қолдими кўқларга,  
 Танамда қон қолдими  
 Юртимда бирор бир шон,  
 Жонимда бирор бир жон,  
 Умидда бирор бир имкон қолдими?!  
 Суяк-суяқларимда зирқираган оғриқми,  
 Хаёлимда кишнаган йўрғаму - тўриқми,  
 Қулогимда шангиллаган товушми,  
 Пешонамдан парча-парча болишми,  
 Сим-сим деган, олис-олис хонишми,  
 Тирноқларим тешган калишми,  
 Лабларим пичирлаган қарғишми -  
 Билмам, менинг ҳам нима қолди?  
 Фамларим эрмас, тоғларим емирилар,  
 Орзуларим, боғларим емирлар,  
 Емирлар диёнатли диёрим,  
 Номусим, орим емирилар,  
 Ҳали тўқиб-тўқимаган,  
 Ўқиб-ўқимаган ашъорим емирлар,  
 Бирор жойга қочолмасман,  
 Борар бўлган жойим емирлар!  
 Кундан-кун кичрайиб  
 Дарёларим-уммонларим,  
 Кўқда куним, ойим емирлар!  
 Кичрайган сингари Чори чолнинг жуссаси,  
 Кичрайиб борар оёғим остидаги ер,  
 Бошимдаги осмон,  
 Қўлимдаги имкон...  
 Хўш, нимасин айтсин, нимаси қолди,  
 Чори чолнинг,  
 Тилак Жўранинг,  
 Мунгли-мунгли нигоҳидан бўлак,  
 Сизга айтар шу оҳидан бўлак,  
 Нимаси қолди?...  
 Ой боқиб омон-омон,  
 Йўлимизни ёритмас.  
 Бу, ахир қандай замон,  
 Лабдан гамни аритмас!

Мард дор остида ҳам сўзидан қайтмайди. Балки энг кескин, энг ҳақгўй гапини бошини кундага қўяр арафасида айтади. Амалда мардликни васият қилади.

Тилак Жўранинг “Муножоти мансур” достони боис бошланган бу фикр эҳтимол зоҳирга боқиб, ботинни кўрмаганга эриш туюлиши мумкин. Чунки ҳаёт учун курашда зоҳирий манзара ўзгарди. Аниқроғи XX асрнинг иккинчи ярмида собиқ Иттифоқ куллигида қисмати дорга тортилган халқларнинг ҳеч бири очикдан-очик дор олдига судраб борилгани йўқ, лекин зимдан, руҳиёна бир зулм учоғи аланга олдирилдики, бу зоҳирий зўравонликдан минг карра оғир бедодликка маҳкум этилди. Уни фақат кўз билан кўриш учун ҳам онгда идрок этиш керак эди.

Асл ва хокисор шоир Тилак Жўранинг “Муножоти мансур” достонида ана шу хунрезликнинг, кўринмас қатағоннинг ўзбек миллати бошига солинган мусибати шунчалик самимият билан айтилиб, гиря қилинадик, беихтиёр бу гиряга кўшилмасиз. Ҳеч тўсиқсиз юрагингиз эриб оқади. Бу марднинг, юраги дарё марднинг, хислари тирик марднинг, истеъдодли шоирнинг азбаройи халқи учун алам ўтганидан йиғиси, яратганга нажот сўраб фарёд қилиши... деб қабул қилмоқ керак. Ахир муножотнинг маъноси шу. Достоннинг аслиги ҳам унинг бутун руҳида ана шу муножот — Оллоҳга ёлбориш, ҳақиқатни кўшиқ қилиб айтиш жамулжам.

Тилак ака даҳрий бир замонда туғилди, яратгани таниш, унга суяниш таъқиқланган даврда яшади. Аммо бир дарвеш сингари уни таниган, унга талпинган экан. Бу зулм ва хўрликлар ўткинчи эканлигини англаган экан. Бунинг исботи унинг сўнгги асари, “Муножоти мансур” достони.

Ҳаққа ишонгангина унга муножот қилади. Ҳаққа ишонгангина ҳақиқатни айтади. Лекин дилбар, гўзал қилиб, ўзи учун эмас бутун бир халқ учун муножот ҳаммининг ҳам кўлидан келавермайди. Чунки муножот топинишларнинг, илоҳга юзланишнинг энг чўққиси. Унинг мазмуни, унинг моҳияти ҳар қанақа шаклга ҳам сиғмайди. Ҳар қанақа қолиплар унинг учун торлик қилиб қолади. Биргина Ҳазрат Навоийнинг “Муножот”ини эслайлик. Аслида Навоийнинг бутун ижоди ўзи муножот. Лекин умрининг сўнггидаги муножоти Ҳаққа алоҳида юзланиш, ҳар қанақа санъатий йўналишлар ва услубларни унутиб, товба-тазарру қилиш, оху-фигон билан илтижо қилишидир. Моҳият салимлик бўлгани боис ҳам шёър, ҳам наср бирдан келади. Ҳамма жанр восита, асл мақсад нажот тилаш бўлиб қолади. Шу боис ҳар бир шахс ўз ботини учун Навоийни ўқиса, унинг муножоти билан кечмишнинг ҳисоб-китобидан қайғурса... муродга етгусидир.

Лекин Т. Жўраникени унга солиштирмоқчи, ўхшатмоқчи эмасмиз. Навоий саодатманд, замони доруломон бўлган. Иймон хурлиги қолиб, миллат куллиги йўқ бир замонда яшаган даҳо шоир инсон учун энг катта масала икки дунё саодати учун Оллоҳга ёлворади ва бир шахс сингари ўзини очик-ойдин тафтиш қилади. Тавбаси қабул бўлган бўлсин.

Тилак Жўра-чи?

Унинг достони бой берилган инсон армони. Бой берилган миллат муножоти. Шу боис у бизни йиғлатади. Дор остидаги сўз бўлиб жаранглайди, боши кундага қўйилган марднинг қисмати сифатида ўзбек халқининг XX асрдаги кўргилиги бўлиб ҳали кўп замонлар кўнгилни изтиробга чулғайди, руҳиятини поклайди. Ақлни зулмнинг хийлалари кўплигинидан огоҳлантириб туради. Шу боис бу дoston Тилак Жўра кўзи очиклигида ёруғлик юзини кўрмади. Руҳиятга босқин уюштирилган, унинг таянчлари — миллий-диний устунлари қулатилган бир замонда нашр этилиши мумкин ҳам эмасди. Мана ниҳоят “кўлэзмалар ёнмаслиги”, ҳақиқат исиз кетмаслиги яна бир бор тасдиқланди. Кўнгил хурлигига шарафлар бўлсин. “Муножоти мансур” ни Тилак Жўранинг кўнгил хурлиги, ҳақсизликка қарши гўзал исёни тукқандир.

Вафо Файзулло





# УСЛУБЛАР



«Ёшлар» телеканали иш бошлаган дастлабки кунда (1 сентябрь 1998 йил) Ўзбекистон Телевидениесида кўкка қараб интилаётган ниҳол рамзи пайдо бўлди. «Ёшлар» телеканали маркасини ифодалайдиган ушбу рамз нафис ва муносиб равишда компьютер безаги билан уйғунлашганди. Кун давомида бир неча бор такролландиган ушбу рамз бугунга келиб, каналнинг умумий қиёфаси учун прототип бўлиб қолди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатларидаги машҳур телестанциялар ҳам томошабин ёдида қолиш учун бир хил фон, шакл, ранг ва ҳарфлардан фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Ва бу билан томошабинларга таниш белгиларга нигоҳлари билан «ёпишиб олиш» имкониятини берадилар.

Телевизион имиж яратиш масаласи АҚШда қарийб 50 йилдан буён мавжуддир. Зотан, биз буни яхши англай бошлаяпмиз - бутун дунёда телевидение саноати эркин бозор иқтисодиёти шароитида фаолият кўрсатади. Рақобат эса телестанцияларнинг умри, келгуси фаолиятга яроқли-яроқли эмаслигини белгилайди.

1947 йилга келиб телевизор деган кичкина қутича ҳар бир америкаликнинг уйи тўрига чиқиб улгурганди. Шубҳа йўқи, айна шу йилларда телевидение мўъжизасини яхши англаган катта-кичик телестанциялар реклама бозоридан жой йўқотмаслик учун ўз ташқи қиёфалари ҳақида жиддий бош қотира бошлаганлар.

Тан олиш керакки, ўз қиёфасига, ўз телетомошабинига эга бўлган «яхши телевидение»ни яратиш ниҳоятда машаққатли ишдир. Чунки бугун томошабини масофалар билан таъқиқлаб бўлмайди. Уйига кабель ёки «Камалак»ни ўрнатиб, хориж теленакаллари томоша қилишни хуш кўрадиган томошабини бундай имкониятлардан мажбуран маҳрум ҳам қилиб бўлмайди. Томошабин яхши телеканални томоша қилишга ҳақли.

Ижтимоий тадқиқотларнинг натижаси шуни кўрсатадики, Ўзбекистон Телевидениесининг «Ёшлар» телеканали мухлислар томонидан энг кўп томоша қилинадиган канал сифатида қабул қилинган. Ва, бунинг ўзига хос сир синопсислари - «Ёшлар» телеканали «услуги»да ўзига хос бутунликнинг мавжудлигидадир.

Бугунги телевидение албатта, кечаги - 80-90 йиллар телевидениесидаги анча илгарилаб кетди. Монолог ёки диалогга қурилган жуда кўп кўрсатувлар билан бугун томошабини узоқ вақт ойнаи жаҳонга миҳлаб бўлмаслиги сир эмас. Яширишнинг ҳожати йўқ, ҳаммамиз ҳам қўриб турибмиз - бугун телевидениеда студияда тайёр-

## ЖИЛОСИ

ланадиган, мухлислар билан мулоқатга қуриладиган кўрсатувларга эҳтиёж жуда ҳам катта. Қолаверса, борлари ҳам талаб даражасида эмас. Тўғри, «Янги авлод», «У ким, бу нима» сингари кўрсатувларини санаб ўтсак бўлади. Қандайдир даражада бу кўрсатувларда студия дастурининг моҳият-мазмунига кўра безатилганини инкор этиб бўлмайди.

Студиянинг яхши безатилишига бутун дунёда деярли барча телестанцияларда жуда катта эътибор беришларининг ҳам ўзига яраша тилсими бор. Яхши безатилган студия кўрсатув олиб борувчига мавжуд бўлиб туриш учун майдон, умуман станцияга эса - телевизион «қиёфа» бағишлайди.

Айнан шундай ечими «Катта танаффус» кўрсатуви декорациясида ҳам мавжуд. Саҳна туридаги катта кемаса мактаб даврини эслатадиган символ сифатида дарров томошабин нигоҳини ўзига тортади.

Ранг - бу ҳарф, расм ва рамзлар сингари дизайннинг бир қисми ҳисобланади. Ва ундан маълум мақсадларга эришиш учун фойдаланиш лозим. Рангдаги туслар ҳис-туйғулар тусланишига мутаносиб келади, улар шодлик-хурсандчиликни ҳам, қайғу-аламни ҳам ифодалай олади. Бизнинг бугунги кун телевидениемизда жуда кўп кўрсатувлар зангори рангда ишланади. Тўғри, зангори ранг ёрқин ва рангдор ранг, у жозоба таратиб туради. Айниқса, «Олтин мерос» туркумидан ёзилаётган қўшиқлар студиясига танланган тўқ кўк ранг ижрога ўзига хос салобат ва кўркамлик бағишлаб туради. Тўқ кўк ранг - тун белгиси - классик шеърятимизда кечани бедор ўтказётган ошиқнинг дил оҳларига мос келади.

Албатта, телевизион дизайн, студия безатиш сингари телевидениенинг зарур унсурлари гарчи «Ёшлар» телеканалда куртак ёзган бўлса-да, бугун уларга Ўзтеле-радиокомпаниянинг бошқа каналларида ҳам эътибор берилмоқда. «Ахборот» дастурининг янги жиҳоздаги студияда иш бошлагани, «ТВ-1» канали учун ишланган янги логотиплар томошабин нигоҳига янгилик олиб кирмоқда. Лекин шунга қарамай, телевидение бугун давр талабига қанчалик жавоб берапти? Ёшлар нега вақт ўтган сари кабель орқали узатиладиган хусусий дастурларга ва хорижий каналлар ресурсларига билан шугулланадиган «Камалак»ка кўпроқ эҳтиёж сезяптилар, бундай ҳолат мамлакатимиз аҳолисининг хорижий телеканалларнинг таъсирига тушиб қолишига ва бегона ғоялар ва кадрларнинг асири бўлишига олиб келади...

Ғарб телесаноатида шундай бир ташбеҳ бор: «Мамлакатнинг салоҳияти унинг телевидениесида намоён бўлади». Буни унутмайлик.

*Илмира РАҲМАТУЛЛАЕВА*



Собира БЎЛДИЕВА

# ОЛАМ ЭШИГИДАН

## КИРАЁТИР БАХТ

\* \* \*

Бодом гулларига кўнглимни очдим  
 Аёз лабларида кун илимаган.  
 Офтоб нурларини кафтимда тутдим,  
 Бир кўшиқ сўрадим қушлар билмаган.  
 Бодом гулларига ёшимни тўқдим,  
 Япроқ юрагида шабнам бўлди из.  
 Олам эшигидан кираётир бахт  
 Баҳор қайтаётир лабларида дарз.  
 Бодом шохларида илиқлик, ҳавас,  
 Бир кўшиқ келади тилимга тенгсиз.  
 Орзу қўнаётир гулларга ғуж-ғуж,  
 Мавжлари қамрайди кўнглимни унсиз.

\* \* \*

Мен кетиб қишлоқда армонлар қолди,  
 Дарахт шохларига илинган умид.  
 Енглари узун у кўйлақларимла,  
 Қалбимда исиниб юрибди бир дид.  
 Рухимда момоннинг исиріқ дудлаб,  
 Тонгларнинг муборак азонлари бор.  
 Кўнглимга илоҳий салобат юклаб,  
 Қишлоқнинг айтилмас тўзонлари бор.  
 Ариқдан ҳатласам бир қадам дунё,  
 Ҳовучим тўлдириб ичгайман уни.  
 Қишлоқда шивирлаб, шивирлаб ёмғир,  
 Ибтидо яратган ҳар лаҳза, онни.  
 Мен кетиб ҳовлимда арғимчоқ учар,  
 Жимгина ўйларга ботиб айвонлар.  
 Ин қўяр мусича, қалдирғоч келар,  
 О, менинг ортимда қолган боғбонлар.  
 Қишлоқда энг аввал қуёш чиқади,  
 Осмоннинг этаги шу ерда тугар.  
 Қишлоқнинг сеҳрли гўшаларида,  
 Бодомлар гуллайди билсангиз агар.

### Шашмақом

Тушумга киради минг йиллар бурун,  
 Соғинчда титраган қадимий чинор.  
 Карвонлар келади саҳролар ошиб,  
 Барига машғала тугур бир Минор.



Хаёлда Мажнундай юрар бир йигит,  
 Саҳрода қумларга ботиб этаги,  
 Чашмами излаши, шошмақомми-ё,  
 Куйларга лиқ тўла эди юраги.  
 Қўлида бормиди танбур - рубоби,  
 Ишқига ошино эди бу чўллар,  
 Бедил юрагида куйлар яшарди.  
 Саробми, умидми эди бу йўллар.  
 Етаклаб кетди сўнг куйчисин дунё,  
 Менинг юрагимга ўтмиш бўлди жо.  
 Ўша дил рангида қолди шашмақом  
 Ва қалб тугёнига гувоҳ Бухоро.

\* \* \*

*Баҳор бир йилда бир марта келади.*

*Баҳор каби ёшлик фасли ҳам инсонга бир марта бериллади. Ҳаётининг эрта баҳориди турмуш ўртоғидан айрилиб, бир умр севгисига содиқ қолган, қалбимга яқин бир аёл ҳақида.*

Қарғиш синдирдими, бахтингни дунё,  
 Эшигинг олдида букилиб ётар.  
 Ҳижрон тирналаган кўнглингда синглим,  
 На қуёш бордай-ю, на тонглар отар.  
 Оқшом йўлагинга ой нурун тўқар,  
 Ҳиргойи қилади шамоллар такрор.  
 Балки мазориди уйғониб кетар,  
 Сени қаттиқ кучиб ухлолмаган ёр.  
 Маънос наматақлар гуллар руҳингда,  
 Оқшом паллалари уйғонар ҳали.  
 Сени севиб-севиб ҳижрон майини,  
 Тўкиб кетар борлиқ пойинга балки.  
 Аллага ўхшайди бир тун кўшиғи,  
 Ой чиқиб ухлайди баланд сайхонда.  
 Қарғиш текканмикан ҳаққушлар келиб,  
 Тушларин босади аҳён-аҳёнда.

### Собира Бўлдиева

Ромитан туманининг Чандир қишлоғидан. Тошкент Маданият институтини тугатган. Ҳозир Ўзбекистон радиосида хизмат қилади.

Шоиранинг "Жавпазак олма", "Бухоро сирлари" шеърий тўпламлари нашр қилинган.



# ТАСВИРНИНГ ТИНИҚЛИГИ

Прозаик нутқда аввало, бадиий тасвирлаш биринчи ўринга сурилади. Бадиий тасвир асарнинг ўзига хослиги ва жозибдорлиги демакдир. Асар бадиийлигининг мезони тасвирнинг табиийлиги, ҳаётийлиги, умумлаштиришнинг ҳаққонийлиги, ҳаёт ҳақиқатининг юксак бадиий йўсинда акс этишида кўринади. Бадиий тасвир асарнинг ғоявий-эстетик қимматини, унинг умрбоқийлигини таъминлайди. Бинобарин, бадиий тасвир асар поэтикasinинг таркибий қисми бўлиб, у қахрамонларни таъриф-тавсифлашда, унинг ички дунёсини таҳлил этиш ва ташқи қиёфасини чизишда, табиат манзараларини ифодалашда, воқеликнинг маълум бир қиррасини очишга ёрдамлашадиган эпизодларни баён қилишда, уни умумий сюжет линияси занжирига улай олишда, персонажлар тасаввурини тиклашда намоён бўлади.

Ёзувчи ўз асаида маълум бир воқеликни қаламга олар экан, уни ўқувчисига ишонарли, таъсирчан, ҳаққоний тасвирлаб бериши зарур. Шу билан бирга ижодкор бу тасвир зиммасига катта маъно ҳам юклай олиши керак, токи ундан ўқувчи ўзи кутганидек кўра кўпроқ маълумот олсин, авторнинг нима демоқчилигини, яъни унинг шу тасвир зиммасига юклаган ғоявий ниятини англаб етсин. Лекин санъаткор бу ниятини ошқора баён қилмай, тасвир организмга шундай усталик билан сингдириб юбориши лозимки, китобхон уни ўзи топсин, шу тасвир устида ўйга толсин, ёзувчининг маҳоратига тан берсин.

Бадиий тасвир асосан автор нутқи орқали яратилади ва бу ижодкор услубини белгилашда муҳим аҳамиятга эга. Ёзувчи ўзи яратаётган тасвир воқеликнинг бирор қиррасини ёрита оладими, йўқми эканлигига, кейинги саҳифаларда шу тасвирда қўлланилган деталь ҳамда омилларни инкор этадиган, хиралаштирадиган ҳолларга йўл қўймасликка эътибор бериши лозим. Кўримли бадиий тасвир ўқувчини тўлқинлантиради, уни воқеалар оқимида, эҳтирослар оламида олиб киради. Киши кўз ўнгиде жонли манзаралар, тирик характерларни гавдалантиради. Аксинча, тасвирдаги сунъийлик, зўрма-зўракилик бутун асарга китобхоннинг ишончини сўндиради.

Барча насрий асарларини бадиий тасвирнинг ажралмас бўғинлари ҳисобланган пейзаж, қахрамонлар ҳолати, кайфияти, тасаввурларини ифодалаш билан бошлаш устоз Ойбек услубининг бош хусусиятидир. Маълумки, санъаткорнинг “Кутлуг қон” романи табиат тасвири ва йўлчининг ҳолати, “Навоий” тарихий романи Ҳиротдаги “Гавҳаршодбегим” мад-расасининг умумий кўриниши ва ундаги толиби илмилар ҳаёти, “Олтин водийдан шабадалар” - бош қахрамон Ўқтамнинг она қишлоғи қиёфаси ва унинг ўйлари, “Куёш қораймас” асари ўрмон манзараси ва жангчилар кайфияти, “Улуғ йўл” романи эса куз тасвири, Оташ дукчининг оғир меҳнати, қалбидаги туганмас ташвишларини чизиш билан бошланади. Мана шу тасвирларнинг ўзидеёқ ёзувчи бутун асарнинг руҳини белгиловчи оҳангни, роман мундарижасига сингди-

рилган ғоявий ниятини бера олади.

Худди ана шундай кўп маънолик хусусиятини истеъдодли ёзувчи Ўткир Ҳошимов ижодида ҳам учратиш мумкин. Унинг “Шамол эсаверади” қиссаси Хирмонтепа қишлоғи, эрта баҳор фаслининг тасвири, “Баҳор қайтмайди” асари Бўстон қишлоғи ва куз фаслининг умумий манзараси, “Нур борки, соя бор” романи Шерзод даволанаётган шифохона палатасининг кўриниши-ю, қиш фаслининг охири кунларини ифодалаш, “Тушда кечган умрлар” романи Рустамнинг “Охири кундалиги”дан олинган ғоят таъсирчан куз кўринишларини тасвирлаш билан бошланади. Шуниси диққатга сазоворки, Ў. Ҳошимов асарларининг бошида келтирилган лавҳалар кўпинча айнан ёки бироз ўзгартирилган тарзда туғалланмада такрорланади ва бу муҳим ғоявий-эстетик вазифани адо этади. Масалан, “Баҳор қайтмайди” қиссасининг бошида Алимардоннинг даҳшатли туши, унинг паст-баланд қоялар орасидан от чоптириб бораётгани, “от алланимага қаттиқ қоқиниб” қоп-қоронғи жарликка тушиб кетгани қисса охирида қахрамоннинг ўнгиде рўй беради. Ўқувчи Алимардоннинг тушини автор бежиз киритмаганини ва бу психологик деталь асар сюжетига изсиз қолмаганини англайди.

Бундай тасвирларнинг асар боши ва охирида такрорланиши жуда катта ғоявий юк ташийди. Ёзувчи тасвирдан қолипловчи элемент сифатида фойдаланиб, асар воқеалари ва қахрамонлар руҳиясининг, шунингдек, оҳанг компонентининг узлуксизлигини таъминлашга эришади. Бу каби бир хил тасвирнинг бир неча ўринда такрорланиб, асардаги ғоявий йўналишнинг давомийлигига эришиш иқтидорли адиб Муроджон Мансуровнинг “Мангу жанг” романида ҳам учрайди.

Устозлар тажрибаси шуниси исботлаб турибдики, бадиий тасвирнинг изчиллиги, ҳаққонийлиги, унинг маъно салмоғи ижодкорнинг нечоғлик маҳорат эгаси эканлигини кўрсатади. Улуғ ўзбек прозаиги А. Қодирийнинг кенг планли эпик тасвири, эҳтиросли адиб Чўлпоннинг ҳис-ҳаяжонли лирик ҳикоя қилиши, камгап санъаткор А. Қаҳҳорнинг ҳар бир иборада, бадиий унсурда асарнинг умумий руҳини ярата олишдек ўзига хос услуби ҳозирги ижодкорлар учун катта сабоқ мактаби бўлиб қолмоқда. Чинакам маҳоратли ёзувчи бадиий тасвирни асарига фақат иллюстрация мақсадида киритмайди, балки унинг зиммасига катта маънавий ғоя юклайди, асарнинг умумий атмосферасини яратишга хизмат қилдиради, акс эттириляётган даврнинг мазмуни ва руҳини сингдириб юборади, унга хос деталларни қўллайди. Фикримизнинг исботи учун мазмунан бир-бирига яқин бўлган қуйидаги тасвирларни солиштириб кўрайлик:

1. *“Тоғлар пастак қоялар билан ўралган. Қоялар учи худди салом бераётгандек эгилиб, қор-ёмғирлардан тўсиб турарди. Бир ён тубсиз эсар. Баҳайбат арчаларнинг қуриган малларанг шохларида кечалари бойўғинининг хунук сайраши эшитилади. Этларни жимирлатиб юборади. Аммо тонг ма-*

ҳали оҳангларга тўлиб кетади. Тонготар пайти булбуллар пайдар-пай сайрайди. Тошдан тошга сакраб кийиклар подаси жарликка сув ичгани ўтиб кетади. Осмонни фалакда бургут қанотини таранг ёзиб учади. Ҳали ҳеч кимга юзини кўрсатмаган қуёш тиги унинг қанотига тушади. Гўё бургут қанотини оловли нурда қайраётганга ўхшаб кетади. Туллаб хунук тортган тулқилар саҳар пайти гафлат босиб мудраб қолган қушларни тишлаб ўтадилар. Ёввойи мушуклар ўзларини офтобга солгани чўққи томонга ўрмалай бошлайдилар...

2. “Қоқ ўртасидан катта сой ўтган улкан қишлоқ, бир-бирига туташиб кетган мевазор боғлар гўё бешафқат ёнгида қолгандай ловуллаб ёнарди. Қирмизранг ўрикзорлар орасида нафис тилларанг бедозорлар, ҳануз кўм-кўк чинорлар, кумушранг япроқлари ҳали тўқилиб битмаган оқ тераклар кўзга ташланар, бунинг ҳаммаси куз офтобининг илиқ нурига чўмилиб, гўё она бағрида эркаланган гўдакдай эркаланар эди. Уй ва қўралар туташ боғлар орасида деярли кўринмас, фақат қишлоқ ўртасида бир маҳаллар “Кент” деб аталган қадимга қалъа ўрнидаги мактаб биноси билан ундан сал нарироқдаги касалхона ва магазин бинолари элас-элас кўзга чалинарди”.

Мазмуни ва тасвир объекти жиҳатидан бир-бирига ўхшаш мазкур парчалар қайси ёзувчи услубига хос эканлигини сезгир китобхон дарҳол пайқайди. Бу мисолларнинг биринчиси Саид Аҳмаднинг “Жимжитлик”, иккинчиси Одил Ёқубовнинг “Оққушлар, оппоқ қушлар” романларидан олинган. Илҳам, лўнда, тугал маъно англададиган манзара ифодаланган, табиат манзараларини шоирона ҳис этиш ва образли ибораларда тасвирлаш, бадиий тасвир воситаларидан иложи борича унумли фойдаланиш “прозанинг шоири” Саид Аҳмад ижодига, қуёш ботиши арафасидаги қуюқ рангларни босиқлик билан узун ва мураккаб гап қурилмаси шаклида бемалол ҳикоя қилиш Одил Ёқубов услубига хос хусусиятдир. Ҳар иккала тасвирда ҳам тоғ ва қир ёнбағридаги манзара ифодаланган. Улардаги автор нутқида қўлланилган ҳар бир сўз тасвирда маълум бир ғоявий-эстетик вазифани адо этади, бир-бирини тўлдирди, бойитади ва давом эттиради.

Мирвалининг хуфёна ишларини амалга ошириш мақсадида тоғ ораллиғида қурдирган иморат атрофи ана шундай кўрқинчли ва аини чоғда файзлидир. Бу парчадаги оҳанг руҳдан англашиб турган ажойиб шоироналик, кўтаринкилик, тасвир қўламини кенгроқ қамраб олишга интилиш, нарса ва предметларга нисбатан сифатлашларни иложи борича кўпроқ қўллаш Саид Аҳмад асарларидаги автор нутқининг ўзига хос фазилатига айланади. Тасвирдаги “настак қояларнинг салом бераётгандек эгилиб” туриши, арчаларнинг баҳайбат танаси-ю, унда бойўглининг хунук сайраши (аслида-ку, бойўгли чиройли сайрамайди-я! Шунинг учун автор “хунук” сўзини ишлатмаса ҳам маъно тушунари бўлаверарди. Лекин шоирона руҳ сусайиб қоларди), “осмони фалакда қанотини таранг ёзиб” учаётган бургутнинг эндигина кўтарилиб келаётган қуёш нурларининг тигига қанотини қайраётгандек кўриниши (бу ерда бургутнинг ҳаракати жуда образли ифодаланган! - қавсдаги барча таъкидлар меники - Й.С.), “Ёввойи мушукларнинг чўққи томонга ўрмалаб” чиқишлари - булар барчаси Саид Аҳмадгагина хос поэтик иборалардир.

Ҳар иккала тасвирда ҳам эмоционаллик билан экспрессивлик кучли бўлиб, уларда қаҳрамонлар кайфиятини илғаб олиш қийин эмас. Гарчи юқоридаги парчаларда персонажлар бевосита иштирок этмаса-да, аини чоғда шу манзараларнинг гувоҳи бўлаётган Жайрона билан Мирвали (“Жимжитлик”), Шораҳим шоввоз ва Ойсулвулар (“Оққушлар, оппоқ қушлар”)нинг ички дунёси, ҳолати ўқувчига осон англашилади. Агар С. Аҳмад яратган тасвирда персонаж нуқтаи-назари умуман сезилмаса, О. Ёқубов тасвирида персонаж нуқтаи назари фалокроқ қатнашади. Негаки, “Жимжитлик” романидаги Жай-

рона ҳозир ўзини игнанинг учиди ўтиргандек сезяпти, ўз ўй-хаёли билан банд, қандай қилиб бўлса ҳам маккор Мирвалининг чангалидан қутилиб чиқишни ўйлайди, атроф-муҳит билан заррача иши йўқ, уларни тамоша қилиш кўнглига сизмайди. Мирвали бўлса, содиқ хизматкори Расулбек тайёрлаган тансиқ таомлардан истаганча тановул қилиб, чет эл коньякларини ичиб, Жайрона билан маишат қуриш иштиёқида, шундан бошқа ташвиши йўқ. Бинобарин, уни ҳам табиат манзараси мутлақо қизиқтирмайди, бунинг устига Мирвали кунда-кун ора шу ерда.

Ҳазрат Уккоша манзилгоҳига зиёратга кетаётган эр-хотин Шораҳим билан Ойсулвулар қир ёнбағридаги Қоровултепа қишлоғига суқланиб қарайдилар. Шу боисдан ҳам О. Ёқубовнинг тасвири батафсилроқ. Автор тасвирда қаҳрамонларнинг аини чоғдаги кайфиятларини параллел равишда баланд руҳ билан ифодалашга ҳаракат қилади. Иккаласи ҳам бир хил туйғуни бошдан кечирадилар. Ҳали сувга етмасданок “Ойсулвунинг сўлағин юзи” тиниқлашиб, енгил тортиб қолганини кўрган Шораҳимнинг ҳам кўнгли тоғдай кўтарилади. Улар гўё ўзларининг дарду ғамларини, ташвишлар турмуш қийинчиликларини бир лаҳзага унутадилар, табиат улар учун бор таровати-ю тухфасини инъом этаётгандек туйилади. Табиат гўзаллиги қаҳрамонлар қалбида илиқ ҳис-туйғуларни, ёшлик хотираларини уйғотади, улардаги севги-садоқат, меҳр-оқибат ҳамда энг яхши инсоний фазилатларнинг намоеён бўлишига таъсир кўрсатади. Адиб қаҳрамонларининг ҳолатига ўқувчини чин дилдан ишонтириш учун тасвирга уларнинг нуқтаи назарини сингдириб юборади, борлиққа уларнинг нигоҳи билан қарайди. Шунинг учун ҳам элас-элас бўлса-да, қишлоқ ўртасидаги мактаб “ундан сал бериоқдаги касалхона ва магазин бинолари”ни ҳам кўрадилар.

Саид Аҳмад қаламига мансуб тасвирда Жайрона билан Мирвали бир-бирига бутунлай қарма-қарши кечинмаларни ҳис қиладилар. Мирвалининг “кўзлари ҳирсиётга тўлган”, унинг фикру хаёли “қаршисида бир жаҳон бўлиб ўтирган тенгсиз гўзал қиз”нинг васлига етиш, Жайрона эса сиртдан осойишта кўринаётгандек туйилса-да, хуркаклик билан ўзини асраш, ҳар қандай зарбага тайёр туриб, рақибидан ўзини ҳимоя қилиш йўллари излади. Худди парчадан ўрин олган “Туллаб хунук тортган тулқи” - Мирвалининг “гафлат босиб мудраб қолган қуш”дек ўлжаеи бўлиб қолмасликини иштади.

Демак, тасвирнинг тиниқлиги ва ғоявий-эстетик салмоғи санъаткорнинг бадиий маҳорати билан чамбарчас боғлиқдир. Бадиий маҳорат эса “чиройли иборалар, чиройли ифодалар, аниққа воқеалар, кулгилли ёки қайғули ҳолатлар топши эмас, халққа айтадиган зарур сўзимизни китобхоннинг қалбига олиб кирадиган образлар яратиш демакдир” деган эди улкан сўз санъаткори А. Қаҳҳор. Устоз ижодкорнинг бу васиятига амал қилиб, шогирдларнинг яхши сабоқ олаётганлиги қувончлидир. Бу жиҳатдан О. Мухтор, М.М. Дўст, Х. Дўстмуҳаммад, А. Дилмурод асарларидаги тасвирлар ибратлидирки, бу алоҳида тадқиқотларни талаб қилади.

Ўзбек адабиётининг ўрта ва кенжа авлоди ўз устозларининг барҳаёт анъаналарини ижодий ўзлаштириб ва бойитган ҳолда давом эттириб, бадиий нутқ шакллариининг янглинашига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Одатда объектив автор баёнида тасвирланаётган ҳаётий воқеа ва ҳиссий-хусусий кечинмалар ёзувчи шахсидан ажратилиши, улар иложи борича объективлаштирилиши лозим бўлади. Ана шундагина тасвир ишонарли ва табиий чиқади.

Йўлдош СОЛИЖОНОВ,  
Фарғона Давлат университети ўзбек  
адабиётшунослиги  
кафедрасининг доценти.



Шерзод АБДУСАМАДОВ

## Фаришталар тушади ерга

Қадаҳ тугсам устимдан кулманг,  
Чексам агар атаманг нодон.  
Йўқ! Сиз мени ҳеч қачон севманг,  
Ахир менинг севганим ёлгон!

Уйғотмангиз ҳар кун эрталаб,  
Турмасам сув қуйманг томчилаб.  
Айтажакман бир кун эркалаб:  
-Ахир менинг севганим ёлгон.

Ана, умрим қаршисида куз,  
Сиз гўзалсиз, дилбарсиз, ойюз...  
Наҳот шуни билмайсиз ҳануз,  
Ахир менинг севганим ёлгон.

Энди мендан ўтиринг юзни,  
Мен ҳам топай ўзга юлдузни.  
Алдолмайман ортиқча сизни,  
Ахир менинг севганим ёлгон!...

\* \* \*

Бугун Ишқ туғилди, сен ҳам кўз очдинг-  
Фамгин юрагимда, бўлиб бир ниҳол.  
Ойдаи рухсорингни кўрди-ю ногоҳ,  
Юзларини сувдан ўгирди ҳилол.

Бугун сен туғилдинг, бўлиб тимсоли-  
Порлоқ Муҳаббатнинг, гўзал севгининг.  
Мен эса турибман, узоқдан боқиб,  
Кўлингни сўрашга ботинмай сенинг.

Сен ахир тенгсизсан, ёруғ дунёга,  
Сенга муносиб зот келмаган ҳали.  
Ўлимни соғиндим, бироқ минг бора  
Қайта туғилардим, сени севгани.

Мен Ишқ сўрамайман ҳатто сендан ҳам,  
Бунга ҳаққим ҳам йўқ - этмасман инкор.  
Бироқ у... мен каби севса қанийди...  
Шунда юзларингга қўнмасди губор.

Бугун фаришталар тушади ерга.  
Ҳуснингни кўрмоқ - чун руҳлар кўшқидан.  
Ҳатто оймомо ҳам чекади фарёд,  
Сендай сулув, дилбар қизнинг ишқидан.

Азизам! Айт-чи сен нима қиласан?  
Яхшиси бир кўшиқ, куйла-ки маҳзун...  
Мен эса тонгтача ичайин тўйиб...  
Нелар юз берганин билмаслик учун.



Гулбахор ОРТИҚХЎЖАЕВА

## Қара, бахт қуёшини турибди пойлаб



### Кўнгил

Қадам кўйиб шеър гулшанига  
Губорлардан мосуво бўлдим.  
Тотиб назмий чашма обидан,  
Иштибоҳдан истисно бўлдим.

Кезиб назм гул галшанини  
Ўзим жуда ожиза билдим.  
Англаб тагин дунё гамини,  
Дилни дарддан покиза қилдим.

Дедим сўнгра илҳом парига:  
Нетай энди шулдир бўлганим,  
Сўзлайми ё шеър кавсарига  
Кўнгил кулбасида кўрганим.

### Мағрурлик

Кечмоқчиман бугун бари-баридан,  
Муҳтож ҳам эмасман кўмақларига.  
Чиқаман аламли кунлар қаъридан,  
Осилиб орзунинг этакларига.

### Шўйғулар

Афсуски, кимгадир ёт бўлиб кетган  
Оқибату меҳр деган туйғулар.  
Шунданми гул бўлмай гунчалигида,  
Хазонга айланар оппоқ орзулар.

### Хаёл қуёси

Сени огушига олди хаёллар,  
Ташвишлардан айро яшашга чорлаб.  
Энди қийнамайди турфа саволлар,  
Қара, бахт қуёшини турибди порлаб.

Бу олам ўзгача, бу олам гўзал,  
Ширин ўйлар билан ўтиб борар вақт.  
Барибир дилингни бир қайғу эзар,  
Фақат хаёлдами сен кутган бу бахт.

Йўқ, азизам, ўзингни қийнама бунча,  
Бир кун келиб гулга айланар гунча.  
Ўзинг бахт қасрини қурмоққа чоғлан,  
Хаёл дунёсида кезавергунча.



Гулбахор Ортиқхўжаева 1982 йилда Тошкент вилояти Чиноз тумани Навоий маҳалласида туғилган. 1999 йилда Собир Раҳимов номидаги 19-сонли ўрта мактабни тугатган. Шеърлари матбуотда эълон этилган. «Ёшликда» биринчи чиқиши



# КОМИЛ ИНСОНГА ИНТИҚЛИК

Эссе ва бади жанрлари бир-бирига тенгми? Келиб чиқиши бирми? Шарқда ва Ғарбда шаклланган бу жанрлар қайси хусусиятлари билан фарқланади? Ёки номлари бошқа-бошқа бўлгани билан аслида айнан битта жанрми? Бу саволларга жавоб топиш учун илмий-назарий адабиётларга, шунингдек, ижодкорларнинг адабий фикрларига мурожаат қиламиз. Ёзувчи П.Қодиров бади жанри ҳақида шундай дейди: «*Ҳозир Ғарб адабиётларида кенг тарқалган эссе ҳам кўп жиҳатдан бадеага ўхшаб кетади... Ҳаммасини мулоҳаза қилиб кўриб, ҳаёт ва адабиёт ҳақидаги ўйларни бадеалар деб юритишни мақсадга мувофиқ топдик*».

Адабиётшунос Н.Раҳимжонов: "...70-йиллардан эътиборан шоир ва ёзувчиларимизнинг ҳаёт ва адабиёт масалаларига доир адабий ўйлари - бадеалардан иборат катта хирмон кўтарилиши", деб эътироф этади. Илмий кузатишларимиз шуни кўрсатмоқдаки, шарқда бади жанрининг илдизлари классик адабиётимизга бориб тақалади. XX асрнинг бошларида шоир Чўлпон ижодида "Клеопатра" номли бади борки, бу асар айнан эссе жанри талабларига жавоб беради. Соф бади шаклидаги асарларни 70-йилларда Ш.Холмирзаев, П.Қодиров, А.Мухтор сингари ижодкорлар ижодий изланишларида учратиш мумкин. 80-90-йиллар ўзбек адабиётимизда эссе ва бади баравар ижод шакли сифатида шаклланганини кўрамиз. Бу даврда Ш.Холмирзаев, Э.Самандаров, И.Ғофуров, Ф.Ҳотамов ижодида эссе ва бади намуналарини кузатиш мумкин. Ҳар иккала жанрда ҳам бош қаҳрамон-ижодкорнинг нуқтаи назаридир. Шу жиҳатдан олганда эссе ва бади бир-бирига тенг жанрдир.

Аммо инглизча энциклопедик луғатда эссега шундай таъриф берилган: "Қисқа прозаик композицияга эга махсус предметга хос мулоҳазалар эссе дейилади". (Таржима бизники - Қ.М.). Чунки бу жанрда фақат адабиёт оламини ёритмасдан, барча фанлар, шунингдек машҳур рассомларнинг абстракт суратларига шарҳ шаклида битилган эсселар ҳам яратилган.

Хулоса қиладиган бўлсак, эссе бадиага нисбатан кенгроқ тушунча. Аммо бу жанрлар бир-бирини инкор этмаган ҳолда бири Шарқда ва бири Ғарбда ўз-ўзича шаклланди. Ўзбек эссе, бадиаларини кузатар эканмиз, жаҳон насрининг оригинал ва бетакрор аъналарини кўргандек бўламиз. Жумладан, Ф.Ҳотамнинг "Эврилиш", "Ўтганлар ва ўйлар ва Флобер мактубининг сири" эсселарида жаҳон эссечилигининг таъсирини сезамиз.

«Флобер мактубининг сири» бадиасида ёзувчининг ўзи бевосита ҳўқоя қилинаётган воқеаларнинг иштирокчисидир. Асарда уч хил сюжет чизиги кўринади. Биринчи сюжет чизиги - француз ёзувчиси Флобернинг бундан бир аср муқаддам севган аёли Луиза Колега ёзилган мактуби ҳақида, иккинчи сюжет чизигида икки зиёли тақдир бадиий акс эттирилса, учинчиси - мумтоз обидалар тасвири ҳақида. Уччала сюжетни бирлаштирувчи ягона ўқ чизик - инсоннинг ижодкорлик кучи, меҳнати тараннум қилинади. Бадиада иккита зиёли тақдир бир-бирига қарама-қарши кўйилади. Ҳар иккаласи ҳам аянчли қисматни бошидан кечирган. Ҳаёт деб аталган синов дунёсини иккаласи икки хил тарзда бошидан ўтказди. Биринчи зиёли файласуф аспирант бўлади. Ҳаёт йўлидаги тўсиқларга дош беролмай, илмий ишини ташлаб кишлоққа қайтади. Илгор фикрли зиёли бориб-бориб ҳеч ким назар-писанд қилмайдиган, афтодаҳол кишига айланади. У ичкиликка берилиб кетади. Ёзувчи қачонлардир фикрларидан ўт қақнаб турадиган бу зиёлининг аянчли қисматга, жожиали

ўлимга сазовор бўлиш сабабларини излашга ҳаракат қилади. Ваҳоланки, у бир вақтлар ҳавас қилса арзийдиган, ақлли, юрагида ўти бор зиёли шахс эди. Ҳатто у мавжуд жамият ҳақида эркин фикр билдира оларди. Чунончи, бу ёзувчи билан суҳбатига кўринади:

*"- Биласизми қандай мамлакатда якка партия ҳукмрон бўлади? - деб сўради у, кейин ўзи изоҳ берди:*

*- Қаерда фашистона диктатура бўлса, ўша ерда якка партия ҳукм суради. Ҳозир бизда, Гитлер даврида Германияда шундай бўлган*".

Аслида у Германиядаги якка партиялик ҳақида сўз юритмаяпти, собиқ иттифоқдаги якка партиявийлик ҳақида гапираяпти. Қора кучлар унинг тақдирини ўзгартириб юборди. У манзилдан адашиб жамиятда кераксиз бир шахсга айланди. Унинг шу аҳволга тушиб қолишига биринчи сабаб - жамиятдаги қора кучлар бўлса, иккинчиси унинг иродасизлиги, кўрқоқлигидир. Ҳатто у ичкиликка берилиб кетганида ҳам ундаги эзгу фазилатлар сақланган эди. Жумладан, у ўзига-ўзи онг ичиб, ичкиликни ташлаганида бирдан хотини бетоб бўлиб қолади. Деҳқончиликдан қилган даромадини сотиб, хотинини даволатади. Хурсандчилигидан яна ичиб кетади. Агар у бутунлай инсонийлик қиёфасидан чиқиб кетганида эди, хотини учун жон куйдирмас, елиб-югурмас эди. Энг ачинарлиси, у хунук ўлим топади. "... у кечга довури бўлиб ичган, дўқондан қайтиб кела туриб ариққа қулаб тушган. Ўша кеча ер музлаган эди, болалари тонг саҳаргача уни ахтаришган ва кун ёришгач топишган, ғалтакка солиб, шиғохонга олиб келишган. Шу ерда узилган". Ичкилик уни мана шундай фожиага олиб келди.

Иккинчи зиёли образи унга қарама-қарши тасвирланади. Чунки ундан кўра кўпроқ азият чеккан, 17 йил қамоқ жазосини ўтаб келган. Уй-жойи, оиласидан ажралиб қолган бўлишига қарамай, кўчаларда ётиб-туриб, мардикорлик қилиб, жаҳон адабиётидан таржималар қилиб, секин-секин жамиятда ўз ўрнини топади. Дарсликлар яратади, илмий унвонларга эга бўлади. Ўзи айтганидек, чиройли ўлим топади. Мана хунук ўлим билан чиройли ўлимга ёрқин бир далил. Назаримизда, масала анча ойдинлашди. Ўтганлардан нима қолади? Буюк Флобердан унинг пок севгиси туфайли муҳаббат оташи билан битилган асарлар қолди. Аждоғларимиздан инсон куч-қудрати, ижодкорлиги туфайли яратилган мумтоз обидалар қолди. Зиёли шахсдан илм-фан қолади. Ёзувчи бу бадиада инсонни буюк меҳнати мангуликка муҳрлайди, деган ғояни илгари сурган. Шу ўринда француз ёзувчиси А.Камюнинг "Санъат - бу қайсидир маънода дунёнинг нотугаллиги ва фонийлигига қарши исён" деган фалсафий мушоҳадасини эслаш жонз. Бадиада инкор қилиб бўлмайдиган бир фалсафа ётади: инсонлар ўтиб кетади, тупроқдан бино бўлиб, тупроққа қоришади. Асарда қабр тасвири борки, бу уч сюжет чизигини айнан шу ерда бирлаштиради. Ёзувчи қабристонни бир дунёга ўхшатади. Мана у нима дейди: "Бу ер - бир дунё. Хотиралар. Уқинчлар. Армонлар... Нам тортиб ётган ҳар бир қабр остида кенг дунёга сиғмаган қанчадан-қанча сирли саноат, ўтган муҳаббат ва ҳасрат, оҳу зор ҳам армон яшириндур". Ёзувчи бу бади орқали ўтганларни, улардан бизга мерос қолган ёдгорликларни эслайди. Инсонни хушёр бўлиб яшашга даъват этади.

Ф.Ҳотамнинг "Эврилиш" эссесидан исзис кетган давр, шунингдек, ўзбек миллатининг ўзига хос руҳияти, характери очилган. Эсседа Ғужбоғ кишлоғи, унга раҳбарлик қилган



Шахс ва ундан кейин колхозни идора қилган раис II, раис III, раис IV, раис VIIларнинг фаолияти, уларнинг амал талашини ва кирдикорлари фожия қилинади. Эссе ғужбоғликлар ичида биринчи бўлиб 13 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган Шахс тақдирининг фожиали қисматиغا ўзбекона бир ачишиш, надомат билан айтилган сатрлар билан бошланади. Ёзувчининг бувиси билан бўлган суҳбатда Ғужбоғ қишлоғи барпо бўлмасидан олдинги она қишлоқ ҳақида, хусусан, унинг киндик қони тўкилган эски кулба ҳақида гап боради. Ёзувчи бадиий тасвиридаги бу кулба - Ватан рамзи дейишимиз мумкин. Мана 80 яшар кампир нима дейди: **“Болам, сенинг киндикингни ана шу уйда кесганмиз... Шундан бери қанча сувлар оқиб ўтди, ҳамон ёдимдаки, шу гапни айта туриб, у бола каби беозор жилмайган, кулбага ишора қила туриб, ҳатто мунчоқдек кўзларида ҳам бир кулеу акс этган. Ушанда унга қўшилиб, беҳстиёр мен ҳам кулганман. Кулмай бўладими, ахир - кулба нурай бошлагач, уни итхонага айлантириб қўйган эдик бизлар!”** Киндик қони тўкилган жой Ватан ҳисобланади. Кампир болаларининг киндикини шу ерга қўмган.

У ўғлини шу ердан урушга қузатган. Кампир учун бу кулба илиқ хотиралар, аччиқ армонлар ва ўкинчлар маскани эди. Кулба - Ватан рамзи бўлса, кампир - ўзбек миллатининг тимсоли. Ғужбоғ қишлоғи - мажбуран, зўрма-зўраки равишда тузилган социалистик тузум тасвири. Зеро, ғужбоғликлар тўп-тўп бўлиб яшашар эди. Ёзувчи шартли маънода Шахс деб атаган киши уларни бирлаштиради. Назаримизда, собиқ иттифокдаги 15 миллат ва уларнинг ягона СССР бўлиб бирлашиши ушбу рамзларда берилган. Асар таҳлилига ўтамаиз, қари мома айтган беҳосият жойга ғужбоғликлар кўчирилади. Сунъий шароит, юзаки муносабатлар қишлоқ аҳлининг аҳволини кундан-кунга ёмонлаштиради. Ёзувчи шундай бир аччиқ ҳақиқатни айтишга журъат этган. Инқилоб бўлди, тузум ўзгарди, хонлиқлар тузумидаги Ўрта Осиё тўғридан-тўғри социалистик тузумга ўтди. Аммо оддий халқ аҳволи эски ҳаммом, эски тослигича қолаверди. Миллат тақдирини туб буришиш ясай оладиган шахслар туғилдими, ўзбек миллати шундай фарзандларни етиштири олдим, деган ҳақиқат саволни қўяди. Зеро, буюк эврилишлар ақлли одамлар томонидан қилинади, деган бадиий-фалсафий ҳақиқат бу эссенинг мазмун ва моҳиятини ташкил этади. Социалистик тузум даврида ўзбек деган миллатнинг ижтимоий-сиёсий, маданий, маънавий ҳаётида ўзгаришлар бўлдим, бу эврилишлар натижасида миллат аҳволи ижобий томонга ўзгардим, деган хулоса чиқаради. 60-70-80-йилларда ҳамон ўзбек деган миллатнинг ҳаёти ўша-ўша кетмон, пахта эди. Юқорида айтиб ўтилганидек, Ғужбоғ қишлоғи то қайта қуриш давригача етти раис томонидан бошқарилади. Назаримизда, етти рақамининг иштироилиши ҳам бежиз эмас. Шарқда етти рақами билан боғлиқ магия ва мифологик қарашлар мавжуд. Етти рақами хошиятли мўъжизакор хусусиятга эга. Гиппократнинг таълимоти, еттинчи рақам буюк ўзгаришлардан дарак берар эмиш. Ф.Ҳотам Шарқ халқларидеги мана шундай мифологик қарашларни ўрганиб, шу маънода шартли етти раис образини яратган. Ёзувчи айнан еттинчи раисдан кейин миллатлар тақдирини хусусан, ўзбек миллати тақдирини эврилишлар бўлишига башорат қилади. Энди раислар фаолиятига назар ташлаймиз. Шахс даврида ҳаёт бирмунча жонланади. Клуб, магазин, мактаб, ошхона, ҳаммом қурилади. Чорвачиликка эътибор қаратилади. Аммо Шахсдан кейин тарих саҳнасига чиққан раис II қишлоқ ҳаётида ҳеч қандай ўзгариш қилмайди. Эсседа унинг маънавий бузуқ одамлиги эл орасида юрган гап-сўзлар орқали сезилади: **“... кундузлари ўғримушук каби исканлар, кечаси бошига рўмол ўраб, бева-бечораларникига зир қатнар экан...”** Унинг даврида қўшиб ёзишлар, қозғаларда ошириб-тошириб планларни бажариш касаллиги авж олади. Режасиз ишлар қилинади, тошлоқ ерларни ўзлаштириб, пахта ерлари очилар режалаштирилади. Бу дегани миллион-миллион маблағ, минг-минглаб ишчи кучи ҳавога совурилди, дегани эди. Ёзувчи бу фожиани шундай тасвирлайди: **“...раис II маҳв бўлган Наполеон каби мийиғида бир илжайди-да, деди:**

**- Зиммамиздаги катта ишни биз бошлаб қўйдик, келажак авлод бундан давом эттиради!”**

Раис II дан кейин раис III ҳокимият тепасига чиқади,

улар аёвсиз амал курсиси учун кураш олиб боради. Ёза-ёз, физку фасод авж олади. Раис IV пихини ёрган ҳийлагар бўлиб чиқади. У раис II билан тил бириктириб, иш кўради. Эсседа бу бадиий тасвир шундай берилди: **“Ўзи шуларнинг арава-сига миниб, шуларнинг қўшиғини айтиб... узоқ кетди”**. Раис VII ҳам ўз устозларидан қолишмайди. Ёзувчининг бадиий нияти Ғужбоғ қишлоғига раҳбарлик қилган бирорта раис қишлоқ ҳаётини кичкинагина бир ислоҳ билан бўлса-да, ўзгартириш киритмаганини кўрсатишдан иборат эди. Эсседа тилга олинган раислар ўз манфаатини халқ манфаатидан устун қўйди. Асарда уларнинг барчасига хос бўлган юлғичлик, маънавий бузуқлик, порохўрлик сингари иллатлар танқид қилинади.

Эссенавис яширин рамзлардан фойдаланади. Чунончи, Тошкент циркидаги психологик этюдлар, гипноз ҳолатининг галати намойишини ҳикоя қилади. Бу намойишда ижрочи ва томошабинлар образи бор. Биз бундан шундай талқин қилишимиз мумкин, ҳукмбардор ижрочи Москвадан туриб буйруқ берувчи империя, томошабинлар миллат тимсоли. Ҳукмбардор уларни гипноз қилади.

Мана у нима дейди: **“Бошларингизни қуйи солинг! Илтимос, мендан бошқага қулоқ солманг!”** Ҳукмбардор ҳукмига сўзсиз бўйсунувчи халқ томошабинлар тимсолида берилган. Чунки собиқ совет даврида халқ шу аҳволга тушган эди. Ёзувчи неча йиллардан бери телевизорда берилган “Сеними, шошмай тур” мультфильмига шундай изоҳ беради: **“Қайсики хондонга бош суқма, шу ҳол. Аёллар кир чяди, бола-бақра қўёнчанинг макрига маҳлиё бўлиб, чапак чалади, овсар бўри-ни калака қилади - 10 йиллардан бери жўн, танбал ҳаёт. Шунга қўнқан булар, юраклардаги ўт сўниб қолган гўё”**. Эпчил куён - ўз сиёсатига маҳлиё этаётган раҳбар, лапашанг бўри - оддий халқ тимсоли дейишимиз мумкин. Эсседа ўзбек миллатининг қора меҳнати ёрқин ҳаётини, бадиий мисолларда шафқатсиз реалистик услубда очилади. Ёзувчи ўз халқига ачиниб, шундай деди: **“Ростини айтсам, мен тушунмайман бу халққа: жонини жабборга бериб, азондан қора кечга довр қирт-қирт кетмон чопади, елкаси шўрлаб сув тутали, жазира-мада мияси қайнаб пахта теради, қўлига тегадигани эса 25 сўм. Шукр қилади, тагин шукр”**.

Айниқса, эсседа колхозчи қиз портрети муваффақиятли чиққан. **“...йиллар бадалда қўллари қабарибди, юзлари уруш кўрган эркакларникидек тус олибди, бўйи ... Раис VII бир мушт уриб ерган қоқиб қўйгандек”**.

Колхозчи қиз тимсолида ўзбек аёлининг фожиасини кўра-миз. Чунки у 31 ёшида шу пайтгача оила қурмаган, қачонлардир нозикниҳол қиз эди, оғир меҳнат уни эркаксифат қилиб қўйган, кунига юз килодан ошириб пахта теради. Аммо меҳнатига яраша ҳақ олмайди. Топган пули тирикчилигига етмайди.

Ваҳоланки, бу дунёга умрини пахтага бағишлаш учун келмаган. Унинг ҳам нурдек тиниқ орзулари бор, ширин ҳаёллари бор. Ҳар иккала эсседа ҳам ёзувчининг ўзи бевосита қўри-ниб-қўринмай иштирок қилади. Асардаги воқеаларга, образларга ёзувчининг шахсий муносабати очик - ошқора ифода этилади. Эсселарда айнан тақрор ўринлар, бир хил бадиий тасвирлар, мулоҳазалар қайтариқ шаклида қўлланганини кўра-миз. Чунончи, халқ ижоди намуналаридан бўлган қуйидаги келин салом иккала асарда ҳам қўлланилган: **“Келин келди қўзлари пиёладай... Хўй бале-е!”** Ёки қабр тасвири ҳам шундай ўринлардан ҳисобланади.

Ёзувчи эсседа шундай тўхтамга келади: шоир ва ёзувчилар жамият ҳаётида буюк эврилишларга сабабчи бўлади. Шундай давр келади, уларга сўз эркинлиги, ижод эркинлигини инъом этиш керак. Зеро, улар Камю қаҳрамони Сизиф сингари энг олий йўлларга қўз тикади. Ф.Ҳотамов эсселарини фалсафий мушоҳада, воқеаларга, қаҳрамонларга ёзувчининг ҳолисона позициясини, шунингдек, ёлғиз миллат тақдирини устун турувчи умуминсоний эзгу руҳ ҳукмронлигини кўра-миз. Адибнинг бу типдаги асарлари ўзбек эссечилигида ўзига хос ўринга эга.

**Марҳабо ҚУЧҚОРОВА,**  
**тил ва адабиёт институти аспиранти**



Улугбек АСРОР

# БАҲОР

## абадий...

Тул-қўшиқ  
Гул-қўшиқ  
Сен нени сўзласанг  
шул-қўшиқ.

Бошланади эртақ  
Айланади эртақ  
Нигоҳлар сачрайди  
Фаришта-гентак.

Дардларинг семирар  
Азоблар кемирар  
Кўксингда тўлгонган  
Сочларинг сийму-зар.

Йўлларинг кўп қаҳр  
Йўлларинг кўп меҳр  
Олланиб-олланиб сенга  
Йўнаб беради сеҳр.

Сен маҳзун сўзлайсан  
Сен азоб куйлайсан  
Мажнун адаштирган саҳрода  
Сен ҳамон йиғлайсан.

Қўшиқ-гул  
Қўшиқ-гул  
Сўзласанг нени сен  
Қўшиқ-шул.

\*\*\*

Кечаги кун ўтди, бугунги кунни  
Қўявер, қийнама, ўтаверсин у.  
Сарҳисоб қилмоқчи бўлдинг умрни,  
Йигирма бир йилнинг ҳаммаси қайғу.

Ёзиқлар айтасан ўтган умрга,  
Савилланиб қолса қанийди жонинг.  
Яралган сен бўлдинг, кўмилиб сирга,  
Куласан, оқариб кетса ҳам рангинг.

Кейин қўлларингни чўзасан ойга,  
Қачондир у сенга бермоқчийди гул.  
Ойнинг суратини чизасан сойга,  
Ниҳоят, у сенга қарамаган кун.

Кунларинг шунчаки ўтиб ётибди,  
Малол йўқ, мадор йўқ, нима бор дерсан.  
Қайғурма, ўксима о, менинг қалбим!  
Сир бўлиб туғилдинг, сен ҳамон сирсан.

\*\*\*

Кулги -  
Бир челақ сув каби тўкилар  
Баҳорда гуллаган дарахт-орзуим.  
Қайдадир гаройиб олам тўқилар  
Қалдирғочлар қайтса жанубдан.

Ёлғиз яшайсан дегандай кўзгу  
Боқсам, кўзларимга хомуш термулар.  
Умид-ла қарайман тўрт томонимга  
Томонлар дунёга сиғмас формула.

Чиқсам оёғимдан тортади шамол  
Узоқдан жўнгина кўринар бекат.  
Бу ерда хотира кўнгилга малол  
Бу ерга ҳижронинг сочилган беҳад.

Орта қайтмас вақтдаин худди  
Осмон каби чексиз турибсан.  
Йўл-балога қолган бир хунди  
Менга эса битта ҳайфсан.  
Нимагадир баҳор абадий...

\*\*\*

Мен иссиз кетаман, нишонсиз  
Ва сен йиғлайсан.  
Бир фасл келади номсиз, сўзсиз  
Унда сен хурдайсан.

Ва нажот кутасан кимдандир,  
Кимнидир йўллари сен учун озор.  
Юрагим армондир, филмондир  
Бу ерда тинчлик йўқ, бу ер бозор.

Сен эса яна сен, сен ўша  
Ватанида қурмаган макон.  
Маконсизсан, бироқ ҳамиша  
Излаш учун топилмас имкон.



\*\*\*

Кўзларига мунг тўла одам!  
Яширинмоқ бўлар тақдирдан.  
Алам билан, боши эгик, ҳам,  
Кетмоқ бўлар,  
Балки ҳақдир-да.

Кетмоқ бўлар барини ташлаб,  
Одамлардан олисга жуда.  
Ўй суради бошини қашлаб,  
Наҳот бўлса баридан жудо.

Кийинади бечора сўзсиз,  
Хазон каби қалтирар юрак.  
Остонадан ҳаглар - у, ҳолсиз,  
Туриб қолар, балки шу ерда  
Йиғламоқ керак!

Йиғлаш қочмас, вақт борку ҳали,  
Эшигини ёпади аста.  
Кўзлари мунг тўла одамни,  
Ўзга тақдир қутади пастда.

\*\*\*

Бу ўлка  
Ўликлар ўлкаси.  
Унда  
Тунни кўтариб қўйишга  
Кучи етмайди тонгнинг.

\*\*\*

Хўрланади Кўнги  
Сен кўнги  
Тонг борлиги учун.

Мен кўзим юммайман,  
Сабрлар қилмайман  
Тун борлиги учун.





## ИККИ ҚУТЪ ФАЛСАФАСИ

90-йиллар ўзбек адабиётининг анъанавий реалистик адабиётдан ажралиб турадиган катта фарқи шакл ва мазмунда рўй бераётган ўзгаришларда кўринади. Мустақиллик даврига келиб ўзбек зиёлилари учун ҳам ғарб маданияти эшиклари кенг очилди. Ёзувчилар жаҳон адабиёти билан ҳамнафасликни ҳис этдилар. Табиий равишда, ғарб адабиёти ютуқларини ижодий ўзлаштириш ўзбек адабиёти учун расмга кирди. Ана шундай руҳда яратилган асарлардан бири Х. Дўстмуҳаммаднинг “Жимжитхонага йўл” ҳикоясидир.

Х. Дўстмуҳаммад “Жимжитхонага йўл” ҳикоясининг ёзилиш тарихи ҳақида шундай изоҳни келтиради: *“Кўп йиллар бўлади, италиялик машҳур адиб Дино Буцатининг “Етти қават” ҳикояси таъсирида юраман. Ниҳоят, ушбу фавкулдада ўзига хос ҳикояни эркин таржима қилиб, унга “назира” ўлароқ ҳикоя битдим”.*

Изоҳда “назира” сўзи тирноқ ичига олинган. Шунинг ўзи ҳам “Жимжитхонага йўл” асари том маънодаги назира эмаслигидан далолат беради. Мумтоз шеърятимизда назира ёзиш анъанаси ўта ривожланган эди. Уларда машҳур бир шеърнинг шакли (вазни, қофияси) олинб унга бошқа бир мазмун юкланган. Албатта, назира ёзилишида бирор шеърнинг мазмун ва шакл жиҳатлари ўта мукамал эканлиги сабаб бўлади. Назира бағишловчи ўша шеърдан қаттиқ таъсирланиши натижасида янги шеър вужудга келади. Х. Дўстмуҳаммад ҳам “Етти қават” ҳикоясига назира бағишлар экан, ундан кўп йиллар мутаассир бўлиб юрганни айтади. “Етти қават” ҳикоясининг эркин таржимаси билан ўз ҳикоясини кетма-кетликда беради. Бу эса назирачилик анъаналарида учрамайдиган ҳолат. Шунинг билан бирга ёзувчининг бундай кетма-кетликдан кўзлаган мақсади муқоясадир. Бутун асар мазмун-моҳиятини, ўзига хослигини ҳам муқояса ташкил этади. Асарнинг бу жиҳати ҳам назира жанридан тубдан фарқ қилиб асарнинг умумий йўналишига, ёзувчи ғоясига хизмат этади. Муаллифнинг бадиий мақсади эса ҳикояни ўқиш, таҳлил этиш давомида очила боради.

“Етти қават” ҳикояси қаҳрамони Дино Корте, “Жимжитхонага йўл” қаҳрамони Зоҳид Яқин исмли кишилар. Уларнинг ҳар иккиси арзимас касаллик билан касалхонага ётишади. Ҳар икки касалхона биноси ҳам етти қаватли. Фақат касалхонада Дино Кортега еттинчи қаватга, Зоҳид Яқинни биринчи қаватга жойлаштиришади. Касалхона профессори Дино Кортенинг касали ҳақида шундай дейди: *«Хасталик аломатлари борликка бор, — дея тушунтирди профессор, — лекин хавотирланарли жойи йўқ, нари борса, икки ёки уч ҳафтада ўтади-кетлади».*

Шу бир оғиз луфтнинг ўзи Дино Кортега тетиклаштириб юборди. Демак, уни сўқир хавотир эзаётган экан. Мана, ҳаммаси ойдинлашди: икки ҳафта, жуда чўзилса уч ҳафта ётади-ю, қишлоғига қайтади. Зоҳид Яқинга бундан ҳам енгилроқ ташхис қўйишади. Касалхонада ишлайдиган қайнисни Ўқтам унга шундай тасаллинома сўзларни айтади: *“Биров сизни касал дедими? Профессор ўзимизнинг домла. Бир оғиз айтганимга, мана, тинч, энг жонон палата сизники-да! Одам-*

*лар йиллаб навбат кутади, сиз учун эса... Одам дам олиши ҳам керак-да... Ҳа, айтганча, акангизни ўзим даволайман, қаровсиз қолдирмаймиз, деди домла”.* Демак, бошланишда ҳар икки - ғарб ва шарқ кишисининг вазияти бир хил. Дино Корте ҳам Зоҳид Яқин у қадар хавфли касал эмас. Бундан ҳар иккисининг ҳам кўнгли хотиржам. Касалхона шароити, айниқса, палаталардаги тозалик, осойишталик ва тартиб уларнинг иққаласига ҳам ёқади. Ҳамшираларнинг муомаласи кўнгиллари тоғдай кўтаради.

Бироқ палаталар ўзгарган сари икки касал руҳиятидаги фарқ очила боради. Дино Кортега бир болалик хотин келиш баҳонаси билан пастга - олтинчи қаватдаги палатага кўчирилишини ўта нозиклик ва сиполик билан хабар қилинганида у кўрқиб кетади. Ҳатто норозилик билдиради: *“У бўлар иш бўлганини, розилик билдириб қўйгач, аёл киши олдида субут-сизлик қилишга орияти йўл қўймаганини тан олди. Барибир профессорга шикоят қилишни дилига тугиб қўйганида, бир эркагу бир аёл кириб унинг лаш-лушини саранжомлаб кўчишга ҳозирлаб улгуришди”.*

Зоҳид Яқин эса иккинчи қаватга кўчирилган экан, буни хушнудлик билан қабул қилади. Уни иккинчи қаватдаги палата, айниқса, бу қават ҳамшираси Шавқиянинг гўзаллиги ром этади. Дино Корте эса сал ўтиб бешинчи қаватга туширилади. Унинг жисми ҳам, руҳи ҳам тобора оғирлаша боради. Биринчи бор бешинчи қаватга келганда унга *“сиз қаватнинг энг соғлом беморсиз”* дейишади. Орадан бир неча кун ўтгач, Дино Корте ўзининг аҳволи яна оғирлашаётганини, оёғига бедаво “қирмизи тошма” тошаётгани сезиб қолади. Вврачга мурожаат қилганида шифокор: *«Бизнинг шифохонада беморларни даволаш учун барча шароит муҳайё! Фақат битта лекин бор... Ноқулайлиги шундаки... Гамма нурлар тўртинчи қаватда. Қунига уч маҳал олишингиз учун қаватма-қават чиқиб тушишингизни шахсан мен маслаҳат бермасдим».* Шундай қилиб, яна силлиқ йўл — алдов билан Дино Корте тўртинчи қаватга кўчирилди.

Зоҳид Яқинни учинчи қаватга кўчиришганда *“Профессор Зоҳид Яқин парозиланишини, ҳатто маломат ётдиришини кутган эди. Аксинча, бемор заррача оғрилмади, зорланмади ҳам”.* Дино Корте аҳволдан шикоят қилиб хотинига пайдар-пай хат жўнатиб туради. Зоҳид Яқин эса ўзининг аҳволига ачиниш билан қараётган, безовталанаётган хотинига тасалли беради.

Зоҳид Яқин тўртинчи қаватга чиқаришганда ҳам руҳан тетик бўлади. Ҳатто ўз оёғи, ўз ихтиёри билан чиқиб боради. Дино Корте эса иккинчи қаватга туширмоқчи бўлганларида йиғлаб юборади. Вврачлар уни зўр бериб олдинига аврашга уринардилар. Руҳан ўлимни тан олиб қўйган Дино Корте тамом тушқун ва ғайри табиий равишда сўнгги қаватдан бир қават юқорига — иккинчи қаватга тушишга рози бўлади. Очиғи, Дино Кортенинг вврачлар тўқиган ёлгонларга, фирибларга буйсунмасдан иложи ҳам йўқ эди. Қаватдан-қаватга, палатадан-палатага кўчган сари Дино Кортега нисбатан ўқувчи кўнглида ачиниш туйғуси ортиб боради. Биринчи қаватга тушиши муқар-





рар бўлгач, ўқувчи кўз ўнгида у трагик тақдир эгасига айланади.

Зоҳид Яқинни бешинчи қаватда Мужоҳида, олтинчи қаватда Мушоҳида, ниҳоят еттинчи қаватда Жозиба исми ҳамширалар кутиб олишади. У юқорига кўтарилган сари жисман заифлашаётганлигини, моддий дунёда насибаси узилаётганини аниқ билди. Лекин бу унинг руҳини сўндириш ўрнига тетиклаштиради.

Дино Кортени касалхона врачлари қабрга тикқандек биринчи қаватга улоқтирилган бўлса, Зоҳид Яқин еттинчи қаватга кўтарилганда врачлар уни фариштага қиёслашади, унга ҳавас қилишади. Ҳолбуки, у жисман ўлаётган эди:

**“Фаришта бўлмаса шу ергача кўтарилармиди?! Еттинчи қаватга-я!”** Профессор унинг шахсиятини ҳаммадан кўра юқорироқ кўяди. Ҳикоя муаллифнинг ушбу сўзлари билан якун топади: **“Уша куни бир-бирдан олиш Мағриб ва Машриқ шахрида бир пайтнинг ўзидики икки бемор бандаликни бажо келтиради”**. Муаллиф Шарқ ва Ғарбга мансуб икки шахс тақдирини ёнма-ён тасвирлар экан, на ҳикоянинг ичида, на хотима қисмида бу воқеаларга ўз муносабатини билдирмайдди. Хулоса қилишни, назира ҳикоя ичидаги рамзийликни англашни ўқувчи ҳукмига ҳавола этади. Шу жиҳати билан ҳам бу ҳикоя анъанавий ўзбек ҳикоячилигидан тубдан фарқ қилади. Қиссадан ҳисса чиқариш, ўқувчини маълум хулосага ундаш ўзбек халқ анъанавий ҳикоячилигига, қолаверса, XX аср ҳикоячилигига ҳам хос хусусият эканлиги сир эмас.

Х. Дўстмуҳаммад Дино Буцати каби касалхона, ундаги қаватларга рамзий маъно юклайди. Ҳар икки ёзувчи касалхона дейилганда ҳаётни назарда тутадилар. Дино Буцати ғарб кишисининг ўлимга томон турмуш алдовларига учиб, ҳаёт лаззатларига ташна бўлиб, тобора тубанлашиб боришини Дино Кортен мисолида кўрсатади. Унинг талқинида ғарб кишиси учун ўлим жожеа. Ўлим - абдий қоронғулик, йўқлик.


Х. Дўстмуҳаммад эса ҳаёт ва ўлим муаммосига шарқ фалсафаси асосида ёндашади. Маълум даражада тасаввуф таълимотига суянади. Масалан, Зоҳид номи ҳам сўфиёна, илк сўфийлар зоҳидлар деб аталган. Зоҳид Яқин ўлим сари борар экан, руҳи янада тетиклашаётганини, қалбида бир қувонч пайдо бўлаётганини қайта-қайта тақрорлайди. Шу билан бирга, уни ҳар қаватда рамзий номга эга бўлган ҳамширалар кутиб олишади. Иккинчи қаватда Шавқия-ҳаётнинг завқ-шавқли эканига ишора. Бешинчи қаватда-Мужоҳида, арабча “жаҳд” сўзидан олинган бўлиб, ҳаёт завқидан юз ўтиришга жаҳд қилиш маъносига. Олтинчи қаватда-Мушоҳида, дунё ҳаётига ибрат кўзи билан боқилишни билдиради. Ниҳоят, еттинчи қават ҳамшираси боқий дунёнинг жозибасини билдиради. Қачон инсон ҳаёт завқ-шавқига алданмасдан умрини имон-этиқод билан ўтказса, ўлим унинг учун жожеа бўла олмайди. У фоний ҳаётдан бақо дунёсига хотиржам ўтади. Ўлимни боқийлик йўлидаги бир поғона, деб қабул қилади.

Хуллас, Х. Дўстмуҳаммад шарқ ва ғарб маънавий дунёсини қиёслайди. Инсоният ҳаёти ва ўлими ҳақида шарқона тафаккур юритади. Умрнинг мазмунини моддий олам жозибаларига қул бўлишда эмас, эзгулик, имон-этиқодда эканини бадиий асослаб беради, бир сўз билан айтганда, шарқона ҳаёт фалсафасини замонавий шаклда қайта тирилтиради, замонавий ўзбек адабиёти учун оригинал талқинга эришади.

**Гулноза САТТОРОВА,**  
**Тил ва адабиёт институти**  
**кичик илмий ходими.**



## ҒАМЛАРДАН УЗОҚРОҚ КЕТОЛСАМ...



Тагин кўрдим сени  
Хаёл уммонига сингиб кетдим  
Бориб қўлинг ушламагунча  
Чиқолмадим ундан  
Сен паришон эдинг.  
маюс кўзларингда кўрдим дунёни  
Келажагим битилган экан  
“Ҳукм”

абадул-абад танҳо яшасин  
Хуллас, айри яшарканман  
Гўзалликдан, севиш, севилишдан  
Қизиқ,  
балки умр ўлчаб берилмагандир менга  
асрларки улғаймас ёшим  
кексалик сочларигагина тушар, эҳтимол  
танҳоликда хум бўлар бошим  
миллион-миллион йиллар ортимдан  
қараб қолар мунгли кўзлар  
Кўз...

сенинг кўзинг...  
сендан узоқлашгим келмади сира  
жиноятга қўр ургим келди  
олиб қочгим келди, сени  
Чунки бирга бўлсак  
Ҳукм  
Бекор қилинар балки...

\*\*\*

Мени симирди-ку, хаёллар...  
Ичимда ҳеч нарса қолмади.  
қалбимни тупроққа топширдим...  
Онажон..,  
йиғласам куларлар,  
қанийди ўзимни тугулсам...  
ғамлардан узоқроқ кетолсам...  
Онажон,  
тўрт томон...  
изиллар,  
тўрт ўғил...  
етиммиз! -  
йиғлайди шовиллаб,  
қизингиз... -  
шамоллар... шамоллар,  
югира  
кетдингиз...  
ёғоч от елкамда, -  
қалбимни тупроққа топширдим...

\*\*\*

Сукут сақлаб келдим  
айтмадим сизга  
очкўз юрагимда қайнаган дардни  
Қрийналдим,  
енгиллик ахтармадим мен  
елкамга опичлаб олдим  
бор гапни  
келса енгиб кетаверди ғам.

**Акмал ИКРОМОВ**

1977 йили Самарқанд вилояти, Пахтачи туманида туғилган. Ҳозир А.Ҳидоятлов номидаги драма театрида безакчи рассом бўлиб ишлайди. “Ёшлик”да биринчи марта чиқиши.



Нурбой АБДУЛ ҲАКИМ

# ШИЙРАМОҲДА

## БАҲОР ОРЗУСИ

Фурқат Ёркентда яшар экаин, ўзининг ҳаётий аъмоли — шеърятни тарк этмади. Баркамол назмий асарлар яратди. Шулардан бири — “Келди баҳор...” ғазалидир. Яқинда шоир ижодида алоҳида ўрин тутган мазкур ғазалнинг мўтабар дастхат нусхаси аниқланди<sup>1</sup>.

Ғазал бир варақ сарғиш фабрика қоғозига қора сиёҳда настаълиқ хатида кўчирилган. Варақнинг ўнг чети сал йиртилган, орқа томонида араб ва ўзбек тилларида «Ҳафиза раббу анил-офот. Оллоҳ сизни офатлардан омон сақласун. Баъд алҳамду» деган қайд мавжуд. Шунингдек, орқа саҳифада доғлар бор.

Фурқатнинг ўз замонасида шухрат қозонган ҳаттотлардан бўлганлиги ҳисобга олинса, “Келди баҳор...” шеърининг мукамал хуснихатда битилмаганлиги таажжуб уйғотади. Бунини, фикримизча, матннинг шунчаки қоралама эканлиги ёки ноқулай шароитда кўчирилганлиги билан изоҳлаш мумкин бўлар.

Шеърнинг шоир ўз қўли билан кўчирган ушбу нусхаси икки жиҳати билан, айниқса аҳамиятли. Мазкур дастхат орқали, биринчидан, ғазалнинг мукамал матнини тиклаш имкони туғилди. Иккинчидан, асарнинг қаерда ва қачон ёзилганлиги аниқланди.

Ғазалнинг жорий имлода эълон қилинган матни ва дастхат нусхаси муқояса этилганда, улар орасида муайян тафовутлар мавжудлиги маълум бўлди. Шунини назарда тутиб, шеърнинг янги аниқланган дастхат асосидаги тўла матнини келтириш зарурати туғилди:

*Келди баҳор. Ёмғури ёғди шатир-шутир қилиб,  
Тоғ уза қўй ила қўзи чопти тақир-туқир қилиб.*

*Сакради бир-бири уза қўйлар ўторга шошилиб,  
Қўзи етолмай орқадин чопти бағур-буғур қилиб.*

*Қатрафишон ўлуб булут, бир соридин эсиб насим,  
Яшнади тоғлар, унуб сабза бадир-будур қилиб.*

*Тоғда кийик, қулонлари, дашт уза қўй ила қўзи,  
Жони яшайди чайнабон майса касир-қусир қилиб.*

*Сайри сафолар айласак, қони беш-олти аҳли дил,  
Борғуча от чопиб кетиб, йўлда тасир-тусур қилиб.*

*Чайнаса отимиз сулук, якка юрурда ғарс-ғурс,  
Наъл тегуб тегуб узангуға, кетса шақир-шуқур қилиб.*

*Қўлга етиб, довул қоқиб, лочину қарчиғай солиб,  
Ўрдагу гўзни овласак, учса фатир-футур қилиб.*

*Беша ороласак гаҳи, ҳар соридин кўён қочиб,  
Чопса қамишни синуруруб, този часир-чусур қилиб.*

*Ўрдагу гўзни айлабон зира-пиёз бир тараф,  
Сихда кабоб айласак, турса жазир-жузур қилиб.*

*Сайру тафарруж айласак, гуллар орасида гаҳи,  
Амрика кафшини кийиб, боғда ғажир-ғужур қилиб.*

*Кечаси машраб ўйнасак, бўлса бир оқбадан нигор,  
Тутгали олмасин юрак анда дақир-дуқур қилиб.*

*Нуқл-кабоб ширада, жоми шароб бир тараф,  
Чойи сафед ила палов турса бақир-буқур қилиб.*

*Ўйнаса бир пари туруб, қўлга олиб бири дутор,  
Чолса бири ғазал ўқуб, дафни дафир-дуфур қилиб.*

*Ҳайф беш-олти танга деб, умрим ўтар дўкон очиб,  
Дору ясаб ҳавончада кунда тақир-туқур қилиб.*

*Бўйла нашоти кўрмайин, Фурқатий, даҳр боғида,  
Бир кунини, умримини, синар нахли қасир-қусур қилиб.*

15 байт (30 мисра)дан иборат ушбу шеър дастлаб адабиётшунос Маҳмуд Валихонов томонидан “Фурқатнинг янги топилган ғазали ҳақида” сарлавҳали мақола билан “Меҳнат байроғи” газетасининг 1973 йил 17 март сонидан эълон қилинган. Ғазал 1975 йил 13 апрелда тожик матбуотида кичик сўзбоши билан иккинчи бор чоп этилади. Шеърни нашрга тайёрлаган адабиётшунос Ж. Усмонов уни кўқонлик Назиржон Алиевдан олганлигини қайд этади. Ношир Назиржон Алиевни Фурқатнинг жияни, деб таништиради ва мазкур шеърнинг Ёркентда ёзилганлигини тахмин қилади. Бунда у шоир айнан Ёркентдалик пайтида табобат билан шуғулланганлиги, шеърда бунга очиқ ишора қилинганлигини

1. Дастхатнинг асл нусхаси Ғафур Ғулом номидаги Фарғона вилоят Адабиёт музейи қўлёзма асарлар хазинасида сақланади. Шеър матни ва ундан олинган иқтибослар шу манбадан олинди. (Бизга Фурқатнинг ўз қўли билан кўчирилган мазкур дастхат ксеро нусхасини тақдим этган заҳматқаш олим, муҳтарам Абдуллатиф ака Турдиалиевга самимий миннатдорчилигимизни изҳор этамиз).



“Дору ясаб ҳавончада кунда тақир-туқур қилиб”) асос қилиб келтиради.

“Зокиржон Фурқат” монографиясида мазкур ғазални муфассал таҳлил этган профессор Абдурашид Абдуғафуров ҳам ушбу тахминни қувватлайди. Устоз адабиётшунос келтирган далил шеърни ингичка тушуниш, нозик идрок этиш натижаси сифатида алоҳида ажралаб туради. “Бизнингча ҳам, ғазал Ёркентда яратилган, - деб ёзади олим. -Бунга қўшимча сифатида яна бир далил келтириш мумкин. Шоир мисраларининг бирида: “Кечаси машраб ўйнасақ” ...деб ёзади. Гап шундаки, “машраб” уйғур халқининг миллий ўйинларидан бирининг номи. Байт айтишиш, ғазаллар ўқиш бу ўйиннинг бош мавзуини ташкил этган”.

Ушбу тахмин ва унинг исботи учун келтирилган далиллар илмда асосли фаразнинг нечоғлик аҳамиятли эканлигига ёрқин мисол бўла олади. Бинобарин, ғазалнинг дастхат нусхасида шундай қайд битилган: “Бир машқаи баҳорий хаёл гулшанидин шукуфта қилгон эрди, агарчи тирамоҳ фаслидур. Ирсол қилинди 1316-нчи йилинда. Ёрканд шаҳрида. Зокиржон Фурқат”. Ушбу қайд шеърнинг Ёркентда ёзилганлигига рад этиб бўлмайдиган далил-ҳужжатдир.

Демак, ғазал 1316 ҳижрий, 1899 милодийда битилган ва шоир уни она-юртдаги дўстларига юборган. Бундан ташқари, Фурқатнинг мазкур қайдидан яна бир қизиқарли хулосага келиш мумкин: баҳор фаслининг

бетакрор тасвири гўзал бадий шаклда ифодаланган ушбу шеър тирамоҳда — куз фаслида ижод этилган. Куз фаслида, “хаёл гулшанидин шукуфта қилгон” баҳор тасвирини бу қадар жонли, жозибали ифода этиш! Ўқувчи кўз ўнгиде баҳор манзарасини шунчалик кўнгилга яқин мисраларда жонлантириш! Шоирнинг беқиёс санъаткорлиги акс этган бу мисраларда.

Тирамоҳ фаслида баҳор орзуси... Фикримизча, бу мисраларни зулматдаги нур орзусига ҳам қиёслаш мумкин. Йўқса, ғазал мақтағи шундай яқун топармиди:

**Буйла нашоти кўрмайин, Фурқатий, даҳр боғида,  
Бир кун, умрими, синар нахли қасир-қусур қилиб.**

Яъни, “Инсон ҳаётини даҳр боғидаги ниҳолга менгаш мумкин. Эй Фурқатий, кун келиб, сенинг умринг ниҳоли ҳам у каби қасир-қусур синажак. Бу ўткинчи дунёда нашот, яъни шодлик — орзу, холос...”. Ғазал мана шундай фалсафий хулоса билан яқунланади.

Ғазал матни 1990 йили адабиётшунос олим Аҳмад-жон Мадаминов томонидан “Фурқат ижодиёти” мақолалар тўпламида ҳам эълон қилинди. Олимнинг таъкидлашича, у шеърни кўқонлик Холматжон Аҳмедовда сақланаётган қўлёзма баёз асосида нашрга тайёрлаган

Кўришиб турибдики, ғазал жорий имлода турли манбалар асосида бир неча марта эълон қилинган. Шунинг ўзиёқ шеърнинг табдил матнларини дастхат нусхаси билан қиёслш заруратини келтириб чиқаради.

Аслиятда “Сакради бир-бири уза қўйлар, ўторға шошилиб” мисрасидаги “ўторға” сўзи табдил нусхада “ўтга” шаклида, “Қатрафишон ўлуб булут” жумласи “Қатрафишон булутлари” тарзида берилган. Аруз талаби бўйича ҳам шеърнинг жорий нашрларида ноқислик мавжудлиги сезилади.

Тўртинчи байт табдил нусхада ва аслиятда анча жиддий фарқланади. Жумладан, табдил нусхада:

**Тоғ кийик, қулонлари, дашт уза қўй ила қўзи,  
Чайнашади жони билан майса қасир-қусур қилиб.**

Аслиятда:

**Тоғда кийик, қулонлари, дашт уза қўй ила қўзи,  
Жони яшайди чайнабон майса қасир-қусур қилиб,**- тарзида берилган.

Шунингдек, “Чайнаса отимиз сулуқ, якка юрурда ғарс-ғурс” мисрасидаги “ғарс-ғурс” табдил нусхада “арсурс”, “Кўлга етиб” жумласи “Кўлга етиб”, “Ўрдагу ғозни айлабон зира-пиёз бир тараф” мисраси “Ўрдагу ғозни бир тараф зира-пиёз айлабон”, “Сайру тафарруж - сайри тафаррих”, “Амрика кафшини” - “Миркон кафшини”, “нашоти” - “нишот” шаклида хато берилган.

Бугун адабий меросимизнинг қўлёзма манбаларини тўплаш, илмий ўрганиш ва нашр этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бинобарин, чала ярим ёки ноқис матн устида мукамал тадқиқот яратиш мумкин эмас. Шу жиҳатдан, Фурқат қаламига мансуб мазкур асарнинг асл дастхат нусхаси аниқланганлиги адабиётшунослигимиздаги муҳим янгилик, аҳамиятли ҳодиса сифатида баҳоланиши лозим.





ELIM DEB, YURTIM DEB YONIB YASHASH KERAKI



MUASSISLAR:

 O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi,  
«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati

**Jamoatchilik kengashi raisi:**

Abdulla ORIPOV

**Jamoatchilik kengashi:**

 Allanazar ABDIYEV  
Abulqosim MAMARASULOV  
Ahmad OTABOYEV  
Yo'ldosh SULAYMON  
Ahmad USMONOV  
Farmon XUDOYBERDIYEV  
Botir UBAYDULLAYEV  
Sirojiddin SAYYID

**Bosh muharrir**

Abduqayum YO'LDOSHEV

**Bosh muharrir o'rinbosari**

Sobir O'NAR

**Mas'ul kotib**

Akbarali MAMASOLIYEV

**Tahrir hay'ati:**

 Odil YOQUBOV  
Abdusaid KO'CHIMOV  
Abdul G'ani JUMAYEV  
Vafo FAYZULLO  
Yo'ldosh ESHBEK  
G'affor HOTAMOV  
Luqmon BO'RIXON

 Yoshlarning adabiy-ijtimoiy jurnali 1982 yil-  
dan chiqa boshlagan.

© "Yoshlik" № 3 (185) 2002 y.

 Ushbu son "Yoshlik" jurnali tahririyatining  
kompyuter markazida sahifalandi.

**MUNDARIJA**
**NASR**

<i>Mayago'zal CHORIYEVA.</i>	
<i>Tabib va doya. Hikoya. ....</i>	4
<i>Nomoz ERGASHEV.</i>	
<i>Anglash. Hikoya. ....</i>	9
<i>Ismoil SHOMURODOV.</i>	
<i>Ikki izquvar. Qissa. ....</i>	14

**NAZM**

<i>Oymoma OBIDOVA.</i>	
<i>Chechaklar shivirlar tevaragimda. ....</i>	3
<i>CHORSHAM.</i>	
<i>Elga bir so'z aytmasam bo'lmas. ....</i>	7
<i>Guli ZEBO.</i>	
<i>Ko'z yoshing yerga emas, arshga oqib ketgaydir. ....</i>	12
<i>Tilak JO'RA.</i>	
<i>Munojoti mansur. Doston. ....</i>	32
<i>Ulug'bek ASROR.</i>	
<i>Bahor abadiy... ....</i>	43

**USTOZLAR SABOG'I**

<i>Yo'ldosh SOLIJONOV.</i>	
<i>Tasvirning tiniqligi. ....</i>	38

**ADABIY TANQID**

<i>Abdulla ULUG'OV.</i>	
<i>Hamisha e'tibor kerak. ....</i>	1

**BIRINCHI UCHRASHUV**

<i>Sobira BO'LDIYEVA.</i>	
<i>Olam eshigidan kirayotir baxt. ....</i>	37
<i>Sherzod ABDUSAMADOV.</i>	
<i>Farishtalar tushadi yerga. ....</i>	40
<i>Gulbahor ORTIQXO'JAYEVA.</i>	
<i>Qara, baxt quyoshing turibdi porlab. ....</i>	40
<i>Akmal IKROMOV.</i>	
<i>G'amlardan uzoqroq ketolsam. ....</i>	45

**TALQIN**

<i>Ilmira RAHMATULLAEVA.</i>	
<i>Uslublar jilosi. ....</i>	36

**JAJI TADOIQOT**

<i>Marhabo QO'CHQOROVA.</i>	
<i>Komil insonga intiqlik. ....</i>	41
<i>Nurbay ABDULHAKIM.</i>	
<i>Tiyramohda bahor orzusi. ....</i>	46

**QALB MANZARALARI**

<i>Gulnoza SATTOROVA.</i>	
<i>Ikki qutb falsafasi. ....</i>	44